


С.Пўлатов, А.Алохунов

Икки буюк аллома

Имом ал-Ғаззолий ва Ибн ал-Арабий



Фарғона – 2017

А.Алохунов, С.Пўлатов

ИККИ БУЮК АЛЛОМА

Абу Ҳомид ал-Ғаззолий ва Шайх Акбар ибн ал-Арабий



Фарғона

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ КАФЕДРАСИ

А.Алохунов, С.Пўлатов

ИККИ БУЮК АЛЛОМА

Абу Ҳомид ал-Ғаззолий ва Шайх Акбар ибн ал-Арабий

(ўқув-услубий кўрсатма)

Фарғона – 2017

Мазкур ўқув-услугий қўлланманинг назарий-методологик асосини Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари илмий ва маънавий меросининг ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ривожига ўрни ва аҳамиятига бағишланган” халқаро анжуманнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқидаги Шарқ аллома ва мутафаккирларининг илмий-назарий ва маънавий меросини ўрганиш, ёшлар онги ва қалбига етказиш зарурлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ташкил қилади. Имом ал-Ғаззолий ва Ибн ал-Арабий каби алломаларнинг таълимотларида илгари сурилган ғоялар, панд-насихатлар, ботиний ва зоҳирий илмлар кишида инсонпарварлик ҳис-туйғусини тарбиялаш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу илмнинг асосларини таҳлил қилиш, унинг комил инсон тарбиясидаги ролини очиқ бериш ва таълим-тарбия соҳаларига жорий этиш долзарб аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Ушбу ўқув-услугий қўлланма бакалавриятда таҳсил олаётган талабалар “Ўрта Осиё алломаларининг илмий мероси ва тасаввуф тариқатлари тарихи”, “Фалсафа” ва “Маънавият асослари. Диншунослик” каби фанларда, шунингдек, диний-фалсафий қарашлар тарихи, тасаввуф илмига қизиқувчи барча китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Фарғона давлат университети Илмий Кенгашининг 2017 йил 29 апрелдаги 9-сонли йиғилиш баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: ф.ф.н., доцент Ҳасан Пўлатов

Тақризчилар: ф.ф.д, профессор Т. Абдуллаев
т. ф.д., профессор М. Исомиддинов
ф.ф. д., профессор А.Юлдашев
ТАТУ Фар. фил., ф.ф.н., доц. Н. Усмонов

А.Алохунов, С.Пўлатов

Икки буюк аллома: Абу Ҳомид ал-Ғаззолий ва Шайх Акбар ибн ал-Арабий
© 2017 йил / Ўқув-услугий кўрсатма

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	
I боб.	Абу Ҳомид Ғаззолий – “Шарқнинг буюк ақли”	
II боб.	Имом Ғаззолийнинг илоҳий диний-фалсафий, тасаввуфий таълимоти ва унинг асосий йўналишлари.....	
III боб.	Имом Ғаззолий “Кимиёи саодат туркий” Учинчи рукнидан.....	
IV боб.	Буюк мутасаввиф аллома, Улуғ Шайх Ибн ал-Арабийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти.....	
V боб.	Ибн ал-Арабий тасаввуфий таълимотининг теологик моҳияти ва асосий қоидалари.....	
VI боб.	Ибн ал-Арабий меросида теологик шакл ва дунёқарашнинг диний-тасаввуфий ҳамда илмий-фалсафий хусусиятлари.....	
VII боб.	Ибн ал-Арабий таълимотининг гносеологик илдизлари, “Ваҳдат ул-вужуд” тасаввуфнинг юксак ғояси.....	
VIII боб.	Кейинги мусулмон анъанавийлигида Ибн ал-Арабий таълимоти.....	
	ХУЛОСА	
	ТЕСТ САВОЛЛАРИ	
	ГЛОССАРИЙ	
	ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ..	

КИРИШ

Инсониятнинг маънавий тафаккури тараққиётида буюк даврлар ва олтин ҳарфлар билан ёзилган саҳифалар бўлган. Улардан бири ислом маънавий-фалсафий тафаккури тарихидан энг бой ва юқори босқичи тасаввуф таълимотининг вужудга келиши эди. Бу таълимот ислом дини бағрида, унинг ғоявий маънавий ифодаси сифатида VIII асрнинг биринчи ярмида шаклланган ва ривожланиб борган. Бу даврнинг ғоявий мафкуравий эҳтиёжи сифатида, ҳам инсоният тараққиётининг, ҳам даврнинг ижтимоий сиёсий, ғоявий-диний тафаккур ривожининг, ҳам инсоннинг маърифий онги ва қалби ривожини ифодасининг зарурий қонуний маҳсули эди. Шунинг учун ҳам тасаввуфий ғоялар минг йиллар давомида инсониятнинг ақл-идрокидан муқаддас диний-фалсафий илм, билим ва ҳаёт нашидаси тарзида сақланиб, тобора сайқалланиб ва ривожланиб келмоқда. Шарқнинг буюк алломалари ва мутафаккирларининг илмий-фалсафий меросини ўрганиш бугунги кунда долзарб вазифа эканлигини мустақил Ўзбекистонимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари илмий ва маънавий меросининг ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ривожига ўрни ва аҳамиятига бағишланган, 2014-йил 15-16 март кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтди¹.

Тасаввуф таълимоти, тарихи, босқичлари, унинг буюк намояндalари ҳақида дунёнинг, айниқса, Шарқ ва Ғарб олимларининг фундаментал асарлари яратилган ва уни ўрганиш, тадқиқ этиш, илмий-фалсафий таҳлил этишга қизиқиш ҳамда интилиш тобора кучайиб бормоқда. Чунки тасаввуф таълимотининг асл моҳияти ва мақсади ижтимоий адолатга, дўстлик ва илоҳий муҳаббатга, сокин ва мовий мусаффоликка қаратилганлигида. Уни инсоннинг маънавий онги ва қалбига зид бўлган ёмонлик, зўравонлик, тубанлик, урушларга, диний экстремизмга, фанатизмга қарши диний исломий барқарорлик, ижтимоий биродарлик, бағрикенглик, ҳамдўстлик, меҳр-муҳаббат ғояларини тарғиб этишидадир. Инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган тасаввуф таълимоти яқин ва ўрта Шарқда вужудга келиб, Ўзбекистон, Европа, Осиё, Россия, Африка мамлакатларида ҳам кенг тарқалган. Бу ўлкалардаги шарқшунослик, исломшунослик,

¹ И.А.Каримовнинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. “Фарғона ҳақиқати” газетаси. 17 май 2014 йил.

тасаввуфшунослик билан шуғулланган олимлар бу илм-фан ва унинг намояндалари ҳақида кўплаб асарлар яратганлар. Улар орасида академиклар, фан арбоблари, йирик маданиятшунос, мантиқшунос, тилшунос, тарихшунос олимлар ҳамда маърифатпарварлар бўлган. Уларнинг илм-фан ва фалсафий меросини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш долзарб мавзу бўлиб қолаверади.

Ушбу иш муқаддас ислом динининг умуминсонийлик фазилатларини ўз асарларида мужассамлаштирган ва олам узра тараннум этган, “Ҳужжат ул-ислом” (Исломнинг исботи) дея таърифланган Муҳаммад ибн Муҳаммад Абу Ҳомид Ғаззолий Зайниддин ат-Тусий ҳамда исломнинг Буюк Шайхи (Шайхи Акбар), Улуғ Устоз мартабасига эга бўлган Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Муҳийиддин ибн ал-Арабийларнинг диний-фалсафий таълимоти, тасаввуфий қарашларини мухтасар ёритишга бағишланган. Икки буюк алломалар – Абу Ҳомид ал-Ғаззолий ва Ибн ал-Арабийлар, тарихий маълумотларга қараганда, Термиз, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида бўлган ва у ерларда сўфий машойихлар билан мушоҳада-мунозарада бўлган. Бу ҳақда улуғ шоир Абдурахмон Жомий ва бобомиз Алишер Навоий асарларида хабар берилади.

Таъкидлаш жоизки, Имом Ғаззолий, энг аввало, машхур илоҳиётчи ва ҳуқуқшунос сифатида ўз дунёқарашини намоён этган. Ислом динини ҳимоя қилгани ва қоидаларини чуқур тасниф қилиб берганини эътироф этиб уни фахрли “Муҳийиддин” — (“эътиқодни тикловчи”) — “ҳужжат ул-ислом” – (“исломнинг исботи”) каби фахрли ном билан атайдилар. Унинг мусулмон оламидаги обрўси шунчалик юксак эдики, XV аср охирида машхур қомусий олим, Қуръони Карим тафсири устаси Жалолиддин Абулфазл Абдурахмон Суютий (1505 йилда вафот этган): “Агар Муҳаммад (С.А.В.) дан кейин яна пайғамбар бўлиши мумкин бўлганда у, ҳеч шубҳасиз, Имом Ғаззолий бўлган бўлар эди”, деган эди².

Тасаввуф таълимотига Ҳасан Басрий, Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, ат-Термизийлар томонидан асос солинган бўлса, улардан кейин X–XIII асрларда юксак чўққиларга кўтарилди. Бунда мутасаввиф илоҳийшунос, “Шарқнинг буюк ақл соҳиби” (Фридрих Гегель) – Муҳаммад ибн Муҳаммад Абу Ҳомид ал-Ғаззолийнинг илоҳиётга асосланган таълимоти тасаввуфни бир бутун олам сифатида юзага чиқишига олиб келди. Бу буюк зот биринчилардан бўлиб, тасаввуфни ислом дини ва Қуръони карим ғоялари асосига қурди.

Ғаззолий "Тахофутул-фалосифа" ("Файласуфларнинг ихтилофлари") асарида Фаробий ва Ибн Синони танқид қилиб, уларни Арасту ва Афлотун

² Петрушевский И.П. Ислам в Иране в XII-XV веках. – Л.: ЛГУ. 1966. С. 223.

таъсирида бўлганликда айблайди ва умуман, фалсафачи олимларга қарши чиқади. Лекин, Имом Ғаззолийни кенг ва чуқур ўрганиш давомида шу нарса маълум бўладики, у файласуфларнинг қарашларини 20та эмас, фақат 3та масала бўйича қаттиқ қоралаган, қолган ўн еттитасини эса исломга зид эмаслигини кузатишимиз мумкин. Унинг “Файласуфларнинг мақсадлари” асари Ғарб олимларининг юнон фалсафасини ўрганишларига катта ёрдам берган. Ишнинг ана шу жиҳатларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Ғаззолий асарлари ўша пайтнинг ўзидаёқ турли тилларга таржима қилина бошлади ва Европа насронийлиги ҳамда яҳудий жамоалари ичида танилди. Унинг асарлари билан Фома Афинский ҳам таниш эди. У Ғаззолийнинг қарашларини юқори баҳолаган.

XII асрнинг охирида “Мақосидул фаласифа” асари лотин тилига таржима қилиниб кенг тарқалган. Бу асарнинг таржимаси “Logical et philosophic Algazelis” деб номланиб, Доминик Гундиссалин ва яҳудий олим Авендаутлар томонидан биргаликда таржима қилинган. Бу таржима Европада араб фалсафасини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилди. Шу билан бирга, Имом Ғаззолий Ибн Синонинг давомчиси деган хато қарашлар ҳам бўлди.

Ал-Ғаззолийнинг “Мақосидул фалосифа” (Файласуфларнинг мақсадлари) асарининг “De’o’t ha-Filosofim” деб номланган таржимаси Европаликлар ичида кенг тарқалган фалсафий асарлардан бири бўлган.

Имом Ғаззолий таълимотидан руҳан ва фикран озикланган мутафаккир тасаввуфшунослар бу илмни илоҳий-назарий асосларини янада ривожлантирдилар.

Ана шундай забардаст ва ислом дунёсида “Буюк Шайх” унвони билан оламга машҳур бўлган тасаввуф илмининг асосчиларидан Ибн ал-Арабий Абу Бакр Муҳаммад Ибн Али Муҳийиддин эди. Араб мутафаккири Ибн ал-Арабий тасаввуфнинг фалсафадаги пантеистик (Оллоҳ, Олам ва Одамни бир деб тушинтирувчилар) йўналишининг асосчиси ва тарафдори бўлган. Ибн ал-Арабийнинг диний-фалсафий таълимотининг бу жиҳатини илмий тадқиқ этиш фалсафа ва тасаввуф тарихи фанининг энг муҳим ва долзарб қисмини ташкил этади. Пантеизм гарчи энг қадимги даврларда антик Юнонистон, Хитой ва Ҳиндистонда фалсафий йўналиш сифатида вужудга келиб алоҳида таълимот сифатида қарор топган бўлса-да, Ибн ал-Арабийнинг қарашларида у бошқача, яъни диний исломий илм бўлиб шаклланди. Мавзунинг ана шу томони ҳам мазкур ишнинг долзарб масалаларга бағишланганлигини кўрсатади. Ислом дини бағрида вужудга келган тасаввуфда пантеистик ғоя ва таълимотнинг илгари сурилиши Ибн ал-Арабийнинг буюк хизмати эди. Шунинг учун ҳам бу таълимотни Шарқу Ғарб мусулмон ақли завқ-шавқ

билан кутиб олганлигини, Ўрта асрлардаёқ у Марказий Осиё халқларининг, шунингдек, ўзбек маънавий маданиятига кириб келганлигини тадқиқ этиш ва атрофлича таҳлил қилиш долзарб аҳамиятга эга.

Имом Ғаззолий ва Ибн ал-Арабий таълимотида ўртага қўйилган масалалар ҳалигача ўзининг тўла ечимини топганича йўқ. Уларнинг бой маънавий, фалсафий диний-исломий мероси жуда кўп мухлисларига асрлар давомида энг муҳим илм манбайи бўлиб хизмат қилаётгани ҳам ишнинг мавзусини долзарб эканлигини кўрсатиб туради. Имом Ғаззолий ҳамда Ибн ал-Арабийларнинг ғоявий, фалсафий исломий-мафкуравий мероси атрофидаги баҳс-мунозаралар бугунги кунда ҳам тўхтаган эмас. Айниқса, бугунги кунда баъзи ислом дини ниқоби остида ўзининг ғаразли ниятлари ва ғояларини амалга оширишга интилаётган “исломчилар”, “ислом фундаменталистлари”, исломнинг “яшил байроғи” остида мудҳиш қилмишларни амалга оширишга интилаётган ёвуз кучларга қарши курашда ҳамда ёшларни инсонпарварлик, ватанпарварлик ва комиллик руҳида тарбиялашда бу икки буюк алломаларнинг таълимотида илгари сурилган ҳақиқий исломий ғоялар жуда муҳим манба бўлиши шубҳасиз. Мавзу долзарблигининг энг муҳим жиҳати ҳам ана шундадир.

Зеро, буюк мутафаккир Ибн ал-Арабий ўз вақтида ўзининг маънавий мероси ҳақида шундай деб бежиз ёзмаган: “Ҳар бир аср буюк бир шахснинг номи ила эсланур, бундан кейинги барча асрлар менинг номим ила хотирланажак”³. Дарҳақиқат буюк Ибн ал-Арабий тириклигидаёқ ўзининг яратган ҳаётбахш таълимоти орқали ислом маданиятини келажак авлодларга етказганлиги билан ўзига хайкал қўйганлигини башорат қилган экан. Тасаввуф нуқтаи назаридан Ибн ал-Арабий баланд руҳдаги ажойиб асарлари туфайли баланд чўққига кўтарилди, деб ёзади Эронлик мутафаккир⁴.

Тасаввуф таълимотининг вужудга келиш тарихи, унинг илмий-назарий, диний-фалсафий илдизлари, тасаввуфнинг буюк намояндалари алломаю мутафаккирлар, улуғ шайхлар ва тақводор руҳонийлар шу жумладан Имом ал-Ғаззолий ва Ибн ал-Арабийлар тўғрисида дунё олимлари, шарқшунослар, исломшунослар, шоиру уламолар кўплаб асарлар, адабий-бадий китоблар ёзиб қолдирганлар. Айниқса, Европалик йирик тадқиқотчилар тасаввуфнинг антологик илдизлари, мазмун-моҳияти, унинг илоҳийлик сирлари ҳақида мунтазам изланишлар олиб борганлар ва асарлар нашр этганлар.

Юртимизда кейинги йилларда тасаввуф (сўфизм) тарихи ва назарияси тарихи, бу таълимотнинг маънавий-тарбиявий аҳамиятини тадқиқ этиш ва

³ Иброҳим Ҳаққул. “Шайх Акбар”. Т.: “Тафаккур” журнали. №1, 2000. 29-бет.

⁴ Сайид Муҳаммад Ҳотамий. Ислом тафаккури тарихидан. – Т.: “Минҳож”, 2003. 23-бет.

очиб беришга қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормокда. Бу борада академиклар И.М.Мўминов, М.М.Хайруллаев, профессорлар О.Н.Бозоров, Н.Комилов, Р.Т.Шодиев, Иброҳим Ҳаққул, Убайдулла Уватов, Хамиджон Ҳомидий, Ҳасан Пўлатов ҳамда Мамажон Маматов ва бошқаларнинг асарлари нашр этилди.⁵

Миллий истиқлол даврида Шарқ алломаларининг бой маънавий меросини ўрганиш учун катта имкониятлар вужудга келди. Имом Муҳаммад Бухорий, Ат-Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Абу Лайс Самарқандий каби алломаларнинг нодир асарлари нашр этилди. Кейинги йилларда Ўзбекистонда Имом Ғаззолий меросини ўрганиш билан Абул Бозоров, Миразиз Аъзам, Ҳиндол Мадрайимов, Муҳаммаджон Жакбаров, Абдулла Шер, Сайфиддин Рафъиддин ва бошқа олимларимиз жиддий шуғулландилар. Атоқли Шарқшунос олимлардан Росиияда О.Ф.Акимускин, В.В.Наумкин (У "Ихё ал-улум ад-дин" асарини русчага таржима қилиб, жуда теран изоҳ ва шарҳлар ёзган), С.Н.Григорян, А.В.Сагадеев, А.Е.Бертельс (Е.Э.Бертельс фарзанди), Доғистонда А.А.Хисматулин, Элшод Носиров, Арабистонда Абдурахмон Бадавий, Туркияда Хорун Яхё, Озарбайжонда Г.Керимов, Эронда Аббос Иқбол, Аҳмад Ором ва бошқалар Ғаззолий асарларини таржима ва тадқиқ қилиш билан шуғулландилар. Кейинги йилларда Санкт-Петербургдаги "Ансор" нашриётида Муҳаммад Ғаззолийнинг "Насиҳат ул-мулук" ("Подшоҳларга насиҳатлар") асари Аэлиита Миниянова таржимасида, "Илми ладуний" асари Алексей Хисматулин таржимасида, "Мишкот ул-анвор" асари Ҳиндол Мадрайимов таржимасида, "Ихё ал-улум ад-дин" асарининг учинчи ва тўртинчи боблари Элшод Носиров таржимасида нашр этилди. Турк олими Хорун Яхё Қуръони Карим илмий мўъжизларига бағишланган 200 дан зиёд китобларини ёзишда "Ихё" ва "Кимиёи саодат"дан фойдаланган.

Ишнинг мақсади – тасаввуф таълимотининг назарий ҳамда диний-исломий асосларини яратишда буюк алломалар Имом Ғаззолий ва Ибн ал-Арабийларнинг илоҳий, диний-фалсафий ва тасаввуфий қарашлари, бу таълимотларнинг назарий, маънавий-ахлоқий асосларини ишлаб чиқишларидаги ўрни ва роли ҳамда ҳозирги маънавий ҳаётимиздаги тарбиявий аҳамияти ёритилади.

⁵ И.М.Мўминов. Танланган асарлар. Т.1,2,3,4. Тошкент, 1976-1977; М.М.Хайруллаев. Абу Наср ал-Фараби. – М., 1982; Маданий мерос ва фалсафий тафаккур. – Т., 1985; Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Т., 2011; О.Н.Бозоров. Ўрта Осиёда тасаввуф тарихига доир. – Т., 1999; Н.Комилов. Тасаввуф. – Т., 2009; Р.Т.Шодиев. Тасаввуф таълимотининг Ўрта Осиё халқлари маънавий ҳаётидаги ўрни (IX-XIII асрлар). – Т., 1998; Иброҳим Ҳаққул. Шайх Акбар. – Т., 2000; Убайдулла Уватов. Хоразмлик буюк аллома Махмуд аз-Замахшарий. – Т., 2006; Хамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Т., 2004; Пўлатов Ҳ., Маматов М. Тасаввуф тарихидан лавҳалар. – Т., 2011 ва б.

Мазкур ишда қуйидаги вазифаларни таҳлил қилиш кўзда тутилади:

- Икки буюк аллома Имом Ғаззолий ҳамда шайх Ибн ал-Арабий ҳаёти ва илмий-тасаввуфий ижодини яратиш;

- Имом Ғаззолий ва Ибн ал-Арабийларнинг исломий диний-фалсафий ҳамда тасаввуфий таълимотига бағишланган адабиётларни, китоб ва рисоаларни қисий ўрганиш;

- Имом Ғаззолий ва Ибн ал-Арабийларнинг диний-фалсафий қарашларининг асосий йўналишларини ёритиш;

- Имом Ғаззолий ва Ибн ал-Арабийларнинг тасаввуф таракқиётига қўшган улкан ҳиссасини ҳозирги мавжуд адабиётлардаги қарашлар асосида ёритиш;

- Имом Ғаззолий ва Ибн ал-Арабийларнинг ислом фалсафаси ривожига буюк хизматларини очиб бериш;

- Имом Ғаззолийнинг ортодоксал ислом билан тасаввуфни уйғунлаштириш масаласини таҳлил қилиш;

- Имом Ғаззолийнинг фалсафани илоҳиёт билан яраштириш (қўшиш)ини таҳлил қилиш;

- Ибн ал-Арабий фалсафасини пантеистик ҳарактерга эга эканлигини кўрсатиб бериш;

- Ибн ал-Арабийнинг “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотини фалсафий таҳлилин амалга ошириш;

- Кейинги мусулмон анъанавийлигида Ибн ал-Арабий таълимотига ёндошувни таҳлил қилиш.

Мазкур ишнинг назарий-методологик асосини Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримовнинг халқимиз ва мусулмонлар илмий-маънавий меросини ўрганишга ва таҳлил қилишга бағишланган ғоя ва кўرғазмалари, биринчи Президентимизнинг Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари илмий ва маънавий меросининг ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ривожига ўрни ва аҳамиятига бағишланган, 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида Шарқ аллома ва мутафаккирларининг илмий-назарий ва маънавий меросини ўрганиш, ёшлар онги ва қалбига етказиш зарурлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ташкил қилди.

Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, икки буюк аллома Имом Ғаззолий ва Ибн ал-Арабийнинг тасаввуфий меросини ўрганиш борасида тасаввуф ҳақида илмий-назарий тасавурлар кенгайди ва бу таълимотда илгари сурилган ғоялар, панд-насихатлар, ботиний ва зоҳирий илмлар кишида инсонпарварлик ҳис-туйғусини тарбиялаш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу илмнинг асосларини таҳлил қилиш, унинг комил

инсон тарбиясидаги ролини очиб бериш ва таълим-тарбия соҳаларига жорий этиш долзарб аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Мазкур ишда эришилган натижалар, хулоса ва фикрларни ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш ва ўрганиш жараёнига тадбиқ этиш ижобий натижалар беради, дунёқараш ва тафаккурнинг такомиллашувига ёрдам беради.

Ишнинг мазмун-моҳиятини баён этишга киришишдан олдин, уни бугунги ғоявий тарбия ва мафкуравий курашдаги аҳамиятига қисқача тўхталишни ўринли деб ҳисоблаймиз ёхуд бугун мамлакатимизда янги ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилаётган бир шароитда ёшларни дунё илм-фани билан таништириш, буюк мутафаккирларнинг оламга машҳур тарихий мероси ва панд-насихатларига таянган ҳолда, диний-маърифий маданиятини, дунёқарашини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, инсон маънавияти юксалишининг энг муҳим мезони муқаддас ислом динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо яхшилик ва мурувватга чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган кадрият ва анъаналарни аждоодлардан авлодларга етказишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ⁶. Аждоодларнинг буюк мероси, уларнинг меҳр-муҳаббат билан эзгуликка интилиб яшашга ундаши бугун ҳар қачонгидан долзарб ва ҳаётий аҳамиятга эга.

Ушбу китоб муқаддас ислом динининг ана шундай фазилатларини ўз асарларида мужассамлаштирган ва олам узра тараннум этган, “Ҳужжат ул – ислом” (Исломнинг исботи), “Баҳр ул – буғроқ” (“Денгиз бағрли”) унвонлари билан сифатланган Муҳаммад ибн Муҳаммад Абу Ҳомид ал-Ғаззолий “Зайниддин ат-Тусий” ва исломнинг Буюк Шайхи (Шайхи Акбар), “Улуғ Устоз” каби фахрли номларга эга бўлган Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Муҳийиддин ибн ал-Арабийларнинг диний-фалсафий қарашлари, тасаввуфий таълимотини ёритишга ҳамда бугунги кундаги аҳамиятини кўрсатиб беришга бағишланган.

⁶ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. 36-бет.

**I боб. Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад
Ғаззолий - “Шарқнинг буюк ақли”
(Фридрих Гегель)**



Тасаввуф ислом тафаккурининг олтин хазинаси, мусулмон аҳлининг, дунёдаги барча тўғри, ҳалол-пок, эзгу ниятларга интилиб яшовчи кишиларнинг диний-фалсафий дунёқарашидир. Тасаввуф илми ва таълимоти ислом динининг шаклланиши ва қарор топиши даврида, яъни VIII асрнинг иккинчи ярмида юз берди. Тасаввуф, энг аввало, Қуръони карим сура ва оятларига асосланган ҳолда, ундаги барча олий-ҳикматли ғояларни тафсир ва таҳлил қилиш жараёнида Оллоҳ, Олам, Одам (инсон)ни бирлиги тўғрисидаги мукамал таълимот сифатида вужудга келди.

Тасаввуф мана ўн тўрт асрдан ортиқ давр давомида Шарқ ва Ғарб илоҳиёт, исломшунос олимларининг энг жозибали ва ҳаётбахш билим манбаи ва тадқиқот мавзуи бўлиб келмоқда. Бу ҳақда ёзувчи ва файласуф Асқар Маҳкамнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринли бўлади: “Кўплаб мусулмон мамлкатлари, алалхусус, Марказий Осиёнинг мусулмонлашган минтақаларида сўфийликнинг неча юз йиллик тажрибасига эга бўлган мактаблари бугун ҳам муқаддас анъаналарини сақлаб келаётир. Бу мактабларнинг юзлаб, ҳатто минглаб муридлари ва пири комиллари бор”⁷, деб ёзади. Тасаввуф инсон ақл ва тафаккурининг олий маҳсули сифатида уни инсоф ва диёнатга, яхши хулқ-атворга, комилликка Оллоҳ баҳшида этган улуғ имконият ва инъомларга содиқ ҳолда даъват этиб келмоқда.

Улуғ тасаввуф алломаси Азизиддин Насафий сўфийларнинг фикри-зикрини, диний ва дунёвий тафаккурини қуйидагича таърифлаган: “Билгилки, тасаввуф аҳли фикрига биноан сулук (сўфийлик, тариқат йўлига кирган Оллоҳ сафарига отланган) ёмон сўзлардан хайрли сўзларга, ёмон ишлардан хайрли ишларга, залима (бузук) ахлоқдан ҳамилда (мақталган) ахлоққа, ўз бағридан Парвардигори олам борлиғига томон ҳаракат қилмоқдалар”, - деб ёзган.⁸

“Шарқнинг буюк ақли” мутафаккир аллома, толмас илм-фан фидойиси Абу Ҳомид Ғаззолий мураккаб бир тарихий шароитда яшаб ижод қилган.

⁷ Жалолоддин Румий. Маснавий маънавий. Куллиёт. Биринчи китоб. Асқар Маҳкам таржимаси ва сўзи. – Тошкент, 1999. 24-бет.

⁸ Азизиддин Насафий. Зубайдат ул-Ҳақойиқ (Ҳақиқатлар жавҳари). – Т.: “Камалак” (Нажмиддин Комилов таржимаси), 1996. 51-бет.

Ислом тафаккури оламида энг йирик илохийшунос, файласуф ва хукукшунос олим сифатида танилган ва машхур бўлган Абу Ҳомид Ғаззолий 1058 йилда Хуросоннинг Тус шаҳри (Жанубий Эроннинг ҳозирги Машҳад шаҳри)да, ипак йигирувчи (ғаззол) хонадонида таваллуд топади. Отаси ўзи йигирган ипакларини бозордаги дўконида сотгани учун “Ғаззолий” лақабини олган экан. Айрим фикрларга кўра, донишманднинг болалик йиллари Ғаззола қишлоғида ўтган.⁹ Унинг отаси такводор одам бўлиб, сўфий ва фақиҳлар мажлисларида иштирок этиб юрган. Аммо, у Маҳмуд ва Аҳмадлар гўдак бўлган чоғидаёқ вафот этади, ўлими олдидан эса ўғилларини Азконий номли сўфий дўстига топшириб, уларнинг тарбияси устидан ғамхўрлик қилишини сўрайди. Бир неча йиллардан сўнг Азконий болаларга “Отангиздан қолган барча маблағларни сизлар учун сарфлаб бўлдим. Мен бир фақир-камбағал одамман, энди бирон-бир мадрасага киринглар, у ерда ойлик маош берадилар. Ўшанга ғизо еб, таҳсилни давом эттирасизлар”, дейди. Шу кўрсатмага биноан ака-ука 1070 йили Журжонга бориб, мадрасага жойлашади ва Имом Аҳмад ар-Розиконий ва Абул Қосим Журжонийда таҳсилни давом эттиради. Имом Ғаззолий гарчи диний ва адабий таҳсилни Азконийдан ва Журжон Мадрасасидан олган бўлсада, асосий чуқур билимни 1080 йилдан Нишопур мадрасаларида олади. Бу борада ўша даврда машхур бўлган, калом илмининг билимдони, олим Абул Маъли ал-Жувайний (Имом ал-Ҳорамайн номи билан машхур бўлган)дан олган сабоқлари унинг дунёқарашининг кенгайишида катта роль ўйнайди. Ғаззолий Имом ал-Жувайний кўлида фикҳ, усул ал-фикҳ, ашъарий каломи ва бошқа тартиб-қоидалардан таҳсил олади. Тасаввуф илмини эса **Фозилиюн Муҳаммад** ал-Фармизий (Абул Қосим ал-Кушайрининг муриди) ва Юсуф ан-Насождан олади. Ашъария (Абул Ҳасан ал-Ашъарий – калом мактабининг асосчиси 873-935 йилларда яшаган) мактабидан олган билимдан кейин буюк вазир Низом ул-Мулкнинг назарига тушади ва унинг хузурига келади, 1091 йили вазир уни ўзи асос солган Боғдоддаги Низомия мадрасасига ўқитувчи қилиб тайинлайди. Имом Ғаззолий 1091 йилдан 1095 йилгача Низомия мадрасасида фикҳдан дарс беради. Мадрасада 300га яқин ўқувчи таҳсил олган. Улар ичида: Абу Бакр ибн ал-Арабий, Абу Жилд ибн ар-Родар, Абу Ғайс ал-Жайли ал-Барбабази, Абул-Байх ал-Баҳроджи, Абул Аббос ал-Ақлим, Абдул Қодир ал-Жийлоний, Муҳаммад ибн Яхё аш-Шофимий ва бошқа таниқли ислом илоҳиётчилари бўлган. 1092 йилда Ҳасан Саббоҳнинг террорчи қотиллари (фидойилар) томонидан вазир Низом ул-Мулк ўлдирилади. 1095 йили Абу Ҳомид Ғаззолий ҳажга сафар қилишни баҳона

⁹ Ислом тасаввуфи манбалари. – Т.: “Ўқитувчи”, 2005. 84-бет.

қилиб Боғдодни тарк этади ва 11 йил давомида Дамашқ, Тус ва бошқа шаҳарларда таркидунёчилик, дарбадар сайёҳлик ва ҳилватда ҳаёт кечиради.

Баъзи бир замонавий тадқиқотчилар унинг мартабали лавозимини ташлаб кетишининг сабабини Сальжуқий султон **Бойқйорукнинг** сиёсий таъқибидан хавфсирашида эди, деб изоҳлайдилар. Буни Имом Ғаззолийнинг ўзи қуйидагича баён этади:

“Кейин мен ўзимни ташқаридан кузатиб туриб, менинг ҳолатим ўзим учун хавфли эканлигини сездим, мен моддий оламда топганларимга ва мени ўраб турган барча нарсаларга қаттиқ боғланиб қолганлигимни англадим. Ўзимнинг ҳаракатларимни кузатиб, мен учун энг яхши иш – ўқитувчилик деб билдим. Лекин бу фанлар нариги дунёда фойда келтирмайдиган ва бу синовчи дунё учун унча муҳим эмас эди. Мен ўқитувчилик қилиш ниятимни эсладим ва мен буни Оллоҳ розилиги учун эмас, балки, шон-шуҳрат учун қилибман. Кейин мен жар ёқасига келиб қолганимга иқрор бўлдим ва агар, ўз вақтида ҳолатимни ўнглаб олмасам, охирада дўзахга тушишим аниқ бўлиб қолди. Шунинг учун Боғдоддан кетишга аҳд қилдим. Аммо менинг нафсимга бу ёқмади ва у менга қаршилик қила бошлади. Шундай қилиб, мен ўзимнинг нафсим, ҳирсим, худбинлигим билан охираат сўровлари ўртасида шу вақтгача иккиланиб турдимки, токи танлаш имконим йўқолиб, кетишга мажбур бўлмагунимча”. “Ҳақиқатни излаб” Низомия мадрасасидан кетишимнинг яна бир сабаби исломдаги асосий йўналишларнинг, яъни мутакаллимлар, файласуфлар, исмоилийлар (ботинийлар) ва сўфийларнинг қарашлари ва таълимотларининг тўғри эканлигига шубҳа қилганимда эди, деб изоҳлайди Ғаззолий.

11 йил давомида 1106-йилгача ал-Ғаззолий таркидунёчилик, дарбадар сайёҳлик ва ҳилватда ҳаёт кечиради. Биринчи бўлиб у Шомга етиб келади. Дамашқда сўфийлик амалиётига киришади. Ёлғизликда (ҳилватда) бўлиб, ички ботиний машқлар (риёзат) ва руҳий мушоҳада (мужоҳадат) билан машғул бўлади. Баъзи пайтларда уммавийлар масжидида тақвадор руҳонийларни қизиқтирган савол ва муаммоларига жавоблар бериб, хизмат (иътиқоф)да ҳам бўлади. Кейин у Оршалим (Иерусалим) га, Байт ул-Муқаддасга йўл олади. Бу ерда кўп вақтини Ал-Ақса масжиди ёнидаги гумбазли қоя масжидида ўтказади. Оршалимда Имом Ғаззолий энг машҳур китобини “Ихё ал-улум ад-дин” (диний илмларнинг тирилиши)ни ёзишни бошлайди ва Дамашқда бу асарини ёзиб тугаллайди. Шу вақтларда ўзининг ҳаётидаги муҳим воқеаларни ҳамда қарашларининг ўзгариб, такомиллашиб боришини акс эттирган “Ал-Мунқиз мин аз-залал” (“Залолатлар янглишувлардан қутқарувчи китоб”) асарини ёзади. Дамашққа қайтгандан сўнг Маккага ҳаж қилади. Мадина шаҳридаги Муҳаммад (С.А.В.) қабрини

зиёрат қилади. Шу йиллар ичида у энг эътиборли асарларини ёзади. Имом Ғаззолий ўн йил давомида бутун вужудини Оллоҳга хизмат қилишга бағишлайди. У туну-кун Яратганни мушоҳада ва тафаккур қилиш орқали эришган натижаларини, кашфларини шундай изоҳлайди: “...Ўн йил шундай давом этди. Ҳилватда ўқазган йилларимда кўз ўнгимда шундай нарсалар намоён бўлдики, уларни на санаб ва на тартиблаб бўлади. Ойдинлик киритиб фақат шуни айта оламанки, мен учун аниқ аён бўлгани – Оллоҳ йўлидан адашмай кетаётганлар, айнан сўфийлар экан. Уларнинг ҳаёт тарзи – энг яхши ҳаёт тарзи, уларнинг йўли – энг тўғри йўл ва уларнинг ахлоқи – энг яхши ахлоқдир. Улар ҳақида яна ҳам кўпроқ айтишим мумкин. Агар ақлли инсонларнинг ақлларини, донишмандларнинг доноликларини ва илоҳий қонунлар билимдонларининг билимларини бир жойга жамлаб, сўфийларнинг ҳаёт тарзи ва ахлоқига бирор-бир жиддий, ижобий ўзгартириш киритиш мақсад қилинса улар буни удалай олмас эдилар”.

Ал-Ғаззолий сўфийларнинг қандай сифатларга, ҳолларга эга бўлиши кераклиги ҳамда бу ҳолга эришиш ва бундай сифатларни қандай қилиб ўзида ҳосил қилиш мумкинлиги ҳақида “Ихё ал-улум ад-дин” асарининг тўртинчи рукнида батафсил изоҳлаб ўтади.

Имом Ғаззолий 1106 йилда Низом ул-Мулкнинг ўғли Фахр ул-Мулкнинг таклифи билан Нишопурдаги Низомия мадрасасида фикҳ, фалсафа ва илоҳийшуносликдан дарс бера бошлайди. Нишопурда ал-Ғаззолий Шайх Али ал-Фармадий билан танишади (Фармадий Накшбандия тариқатининг Шайхлар силсиласи (занжири)да еттинчи поғонада туради). Унинг раҳбарлиги ва кўрсатмалари билан Ғаззолий тасаввуфнинг барча поғоналари (мақом)дан ўтади. Вафотидан бир оз олдин у яна ўқитувчиликни ташлайди ва туғилиб ўсган юрти Тус (Хуросон)га қайтади. Ўз қишлоғида хонақоҳ ташкил қилиб, сўфийлик ҳаёт тарзидан ёшларга сабоқ беради ва шу ерда 1111-йили 19-декабрда Имом Ғаззолий вафот этади. Абул-Ғофур Форисийнинг сўзига қараганда Имом Ғаззолийнинг бир нечта қиз фарзандлари бўлган.

“Ҳужжат ул-ислом” деб улуғланган олим тўғрисида бобомиз Алишер Навоий ўзининг “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул футувват”, (“Жавонмардлик эпкинидан пайдо бўлган севги шаббодалари”) номли асарида жаҳон фалсафасининг устозларидан бири бўлган Имом Ғаззолий ҳақида шундай ёзади: “Ҳужжат ул-ислом Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий Тусий – кунияти Абу Ҳамиддур ва лақаби Зайниддин (Дин зийнати). Тасаввуфда интисоби (насл силсиласи) шайх Абу Али Фарюмадийғадир. (Фарюмад – Самарқанд яқинидаги қишлоқ бўлиб, Абу Али Фарюмадий бир тарафдан Шайх Абул-Қосим Гургоний ва иккинчи тарафдан Шайх Абул Ҳасан Ҳарроқоний ва у орқали Шайх Абу Сайид Абул-Хайр издошидур).

Имом Муҳаммад ҳолининг ибтидоси Тусда ва Нишопурда улум (турли илмлар) таҳсилига ва такмилига иштиғол кўргузди. Андин сўнгра (Салжуклар султони Маликшоҳнинг маърифатли вазири) Низом ул-Мулк билан мулоқот қилди”¹⁰.

“Зубдат ут-таворих” (“Тарихлар қаймоғи”) номли асарнинг муаллифи Гардизийнинг ёзишича, Низом ул-Мулк вазирлар орасида биринчи бўлиб, турк лашкарбошилариغا ер мулкларини иқтоъ (совға) қилиб бера бошлади. У Араб Ироқи ва Ажам Ироқи ва Хуросондаги жуда кўп вилоятларда “Низомия” мадрасаларини курдирди. Зайниддин Ғаззолий Хуросон ва Боғдод шаҳарларидаги ана шу мадрасаларда минглаб талабаларга илоҳиёт, Қуръон ва Ҳадислардан сабоқ берди ва ўқувчиларга ойлик маошларни ташкил қилди.

Бу вақтлар салжуқий Султон Санжар ҳукмронлиги гуллаб-яшнаган, илм-фан, ислом дини равнақ топган давр эди. XI аср охирларига келиб, Салжуқийлар Кичик Осиёнинг катта қисмини эгаллаб олади, аммо 1099 йилда салбчилар Оршалимни босиб олганидан сўнг уларнинг Ғарб ва Жануб томон юриши тўхтади. Салб юриши натижасида салжуқийлар қўл остидан Фаластин ва Испаниянинг янги Шимолий Африка ерлари кетади, мусулмонлар қўл остидан Сицилия тортиб олинади.

Кези келганда айтиб ўтиш зарурки, салб юришлари Европа халқлари тарихий тақдири учун жуда кучли аҳамиятга эга бўлмаган, аммо XI-XII асрларда мусулмон ва насроний маданиятларининг ўзаро алоқасини вужудга келишида муҳим роль ўйнаган.

Араб халифалигида бир тилдан илм-фан, мусулмон ва насроний фалсафасини иккинчи бошқа тилга ўгириш, таржима қилиш вужудга келиб, ривожланиб борган. IX асрда Аббосий ал-Маъмун (813-833) халифалиги давридаёқ “Донишмандлар уйи” (Академия) яратилиб, у ерда олимлар антик дунё файласуфлари ва олимларининг асарларини юнон тилидан араб тилига таржима қилиш билан шуғулланганлар. Натижада аристотелизм ва неоплатонизмнинг кучли таъсири остида араб-мусулмон оламида йирик, бир бутун яхлит фалсафа мактаби етишиб чиққан. XI асрга келиб араб-мусулмон халқларининг дунёқарашига антик ва Шарқ насроний фалсафий тафаккурининг кириб келиши кучайган.

Шуни таъкидлаш лозимки, халифаликнинг маданий-маънавий ҳаётида X-XI асрларда шахс масаласи марказий ўринга чиқиб, араб мусулмон файласуф-олимлари асарларининг янги асосий элементига айланди. Инсон масаласига, ижтимоий тафаккурнинг индивидуал шахсий муаммосига қизиқиш ривожланган феодализм шароитида бежиз эмас эди.

¹⁰ Қаранг: Шарқ юлдузи. №5, 2014.

Йирик шарқшунос олим Монтгомери Уотт фикрича, мусулмон маданиятига антик дунё тафаккурининг кириб келиши икки тўлқин тарзида рўй берган:

Биринчи – юнон антик фалсафаси таржимаси, Абу Наср ал-Фаробий ва Ибн Сино асарлари; иккинчи – яна ҳам кучли тўлқин йирик мусулмон илоҳиётшуноси ва сўфийси Имом Ғаззолий (1058-1111) номи билан бевосита боғлиқ бўлган¹¹.

Айнан мусулмон маданияти ва фалсафаси ривожига иккинчи босқич Абу Ҳомид Ғаззолий номи билан бевосита боғлиқлиги мазкур мавзунини мазмун-моҳиятини янада оширади. Маълумки, ал-Ғаззолий рационалист-ақлпарастларни фалсафий услубини ҳимоя қилиб, Калом мактаби асосчилари Абул Али бин Исмоил Ҳасан ал-Ашъари (873-935) ҳамда Самарқанд яқинида таваллуд топган Абу Мансур Муҳаммад бин Муҳаммад ас-Самарқандий ал-Мотуридий (870-944)нинг Калом мактаби ва таълимотини рационалистик қарашларини ривожлантирди. Юқорида номлари зикр этилган алломалар ақл Оллоҳни билишнинг зарурий воситаси деб ҳисоблаганлар, ал-Ғаззолий ҳам шундай тафаккур тарафдори бўлган. Шуниси қизиқарлики, юқоридаги номлари зикр этилган буюк каломшунослар, бир-биридан алоҳида, мустақил ҳолда Калом илмига асос солганлар.

Ал-Ғаззолий диний фалсафий тафаккурини талқин қилувчи баъзи тадқиқотчилар, уни ислом мусулмон маданияти ва тафаккурида турфинликни келтириб чиқаришда айбланишга уринадилар. Уларнинг фикрича, XII асрда мусулмон Шарқида ғоявий ва маданий ривожланишга салжуқийлар сиёсати ва ал-Ғаззолий каби шахсларнинг ақидапарастлик ғоялари сабаб бўлган. Аммо, бундай қарашлар тўла асосга эга эмас, чунки уларнинг диққат марказидан ўша даврдаги халифаликнинг сиёсий, мафкуравий ҳаётининг хусусиятлари четда қолган. Айнан ана шу ижтимоий-сиёсий вазият ақидапарастликни вужудга келтирган. Бундан ташқари, Мақсуди каби тадқиқотчилар XI асрда “Сунналарнинг уйғониши”ни сиёсий ва диний омиллар билан тушунтиришга ҳаракат қилади ва шу ўринда салжуқийлар империясида ашаризмнинг (калом) аҳамиятини инобатга олмайди. Аммо салжуқийлар империясида, хусусан, ал-Ашъари ва унинг ашаризми муҳим роль ўйнаган. Мақсуди сўфизмни икки йўналиш билан чегаралаб кўяди – ортодоксал ва монистик. Аммо, ал-Ғаззолийнинг тасаввуфий қарашларини фақат бир тарзда талқин қилиш тўғри бўлмайди. Мақсудийни ўзи ҳам эътироф этгани каби сўфизмни, шунингдек, унинг йирик вакили ал-Ғаззолий таълимотини улар яшаган даврдаги, яъни Ўрта асрлардаги араб мусулмон

¹¹ Мусульманский мир. 950-1150. – М.: “Наука”, 1981. С. 8.

дунёсининг ғоявий шарт-шароитидан келиб чиқиб таҳлил қилиш лозим. Ал-Ғаззолий яшаган даврнинг ғоявий-сиёсий курашини традиционализм ва рационализм нуқтаи назаридан ўрганиш зарур. Унинг ғоявий фалсафий тизимида рационализм, анъанавийчилик ва илоҳий мистицизм элементлари уйғунлашиб кетган.

Мақсудий эса ўша даврдаги ғоявий-сиёсий курашни фақат традиционализм (анъанавийлик) ва рационализм (ақлпарастлик) нуқтаи назаридан келиб чиқиб, уларнинг таъсири остида таҳлил қилади. Ўша даврнинг айрим диний-фалсафий тизими, худди ал-Ғаззолийнинг тизими каби, ўзида рационализм, традиционализм ва мистицизм элементларини бирлаштирган. Унинг диний-фалсафий таълимотини сўфизмнинг роли ва ижтимоий-сиёсий шароитнинг аҳамияти билан боғлиқликда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ғаззолий таълимоти ва дунёқараши фикримизча ўрта ва камбағал шаҳарликлар оммаси мафкурасини ифодалаган, деб баҳолаш тўғри бўлади. Мутафаккирнинг диний-исломий тасаввуфий қарашлари, одатдагидек замон, тарихий шарт-шароит билан боғлиқ ҳолда шаклланган ва ривожланган. У яшаган даврда Муҳаммад ибн Тумар ҳокимиятни бошқариб ашъарийлар таълимоти (Шофеъий мазҳаби)ни расмий дин деб эълон қилади, айнан ана шу йўналишни Имом Ғаззолий расмий жихатдан қабул қилади. Давлат бошлиғи ибн Тумар ал-Ғаззолийни ўзининг устози деб ҳисоблаган. Аммо, алмаровидлар ҳукмронлиги даврида Мағрибда Ғаззолий китоблари таъқиқланган ва топталган. “Диний илмларнинг тирилиши” номли китобининг нусхалари ёқиб юборилган¹².

Таниқли исломшунос олимлардан бири Ғаззолий ҳаёт кечирган даврни, яъни мусулмон олами ҳукмронлик қилган XI асрни “мусулмон маданияти тарихида бурилиш нуқтаси” деб таърифлайди, яна бошқа бир тадқиқотчи эса бу асрнинг бошларида “туркларнинг келиши” мусулмон цивилизациясининг кўчишини келтириб чиқарди деб шарҳлайди.

Қандай бўлмасин, ана шу тарихий воқеалар шиддат билан юз бераётган бир даврда, буюк тасаввуф даврида туркий салжуқийлар давлати ҳукмронлик қилиб, Тусда Низом ул-Мулк ва унинг ўғли Фахр ул-Мулклар илм-маърифат ривожига раҳбарлик қилган.

Юқорида айтилганидек, каломни биринчи ўринга қўйувчилар-мутакаллимлар ва ақлни асос қилиб олувчи рационалист-мўътазилийлар каби оқимлар ўртасида бу даврда диний-ғоявий кураш авж олган эди. Калом тарафдорлари мўътазилий-ақлпарастларни диний урф-одатларини таквадор-илоҳийликдан устун қўйишда айблар эди. Ўз навбатида, мўътазилийлар

¹² Мусульманский мир. 950-1150. – М.: “Наука”, 1981. С. 12.

калом тарафдорларини Оллоҳни борликдан, табиатдан ажратиб қўйганликда танқид қиларди. Имом ал-Ғаззолий уларни ўзаро келиштиришга, яраштиришга ҳаракат қилди ва шу мақсадда ўз асарларида “ўзаро олтин ўрталиқни” топиш, муътазилийлар ва ўта тақводор мутакаллимларни келиштириш ғояларини ишлаб чиқди. Бу ҳақда шундай ёзган эди: “ўзларини ақл ва мантиқ ўқувчилари деб ҳисобловчилар ҳамда ўзларини Оллоҳ йўлини танлаганлар ва ҳақни билувчилар ҳамда жазва, зикр орқали худога етишувчилар деб атайдиганлар”, деб изоҳлаган эди. Улар ўртасидаги ислом дини фалсафасини тасниф қилишдаги келишмовчиликларни бартараф этишга бағишланган асарлар ёзди.

Уларда асосий масала шубҳали (чалкаш), тушунарсиз фикрларни таълимотдан олиб ташлаш ва уларни истеъмол қилишдан сақланиш бўлган.

“Шундай тоифадаги одамлар борки, улар ўзининг интилишларини фикхий чалкашликларни ўрганишга бағишлайди... улар шу мақсадга қаратилган билимлар беради, улар илм-ал-фикҳ ва илм ал-мазҳаб деб аталади ва уларни диний фан деб тасаввур қиладилар. Улар Оллоҳни ва пайғамбар сунналарини ўрганишга беписандлик, эътиборсизлик билан муносабатда бўлади. Ҳуқуқшуноздан, яъни нимага риоя қилмаслик абадий қоралашга лойиқ деб сўрасалар у қандай жавоб беришни билмайди, аммо у қонуннинг умумий моддаларини турли юридик ҳолатларга тадбиқ этиш тўғрисидаги фикрлар билан бир неча бобларни тўлдириши мумкин. Демак, шунга ўхшаш ҳодисаларни ўрганиш ва шу йўллар билан Оллоҳга яқинлашишни ўйлаганларни ақлдан озган, телба деб ҳисоблаш мумкин”, деб хулоса чиқаради Абу Ҳомид Ғаззолий.¹³

Аксинча, ҳақиқий билим – бу қалбнинг илоҳий сиғиниши, ички-ботиний ибодат қилиш, инсониятга насиб этган онг, унинг воситасида инсон Оллоҳга яқинлашиб боради. Илоҳиёт ёки фикҳ майда-чуйда тортишувлари ўрнига қалбни ботиний ҳаётини яратувчиси Оллоҳга муҳаббат билан алмаштириш зарур, дейди у. Шундай қилиб, ал-Ғаззолий диний эътиқодга илоҳий севгини қаратди. Лекин тасаввуфдан диний маросим урф-одатларига нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш каби пантеистик қарашларни олиб ташлади ёки йўқ қилиб ташламаган бўлсада, жиддий чегаралаб қўйди. Бир сўз билан айтганда, - деб ёзади француз исломшунос олим Анри Массэ, - сўфизмни донорок, эътиқодни жонлироқ қилиб қўйди. Инглиз исломшуноси Дункан (1863-1943) бу ҳақда шундай фикрни билдирган. У ақлни барбод қилиш учун ақлдан фойдаланди, ақл бизни мутлоқ билишга олиб келишга қодир эмас, деди. У мистик-илоҳийшуносларни тасаввурларини тартиб-интизомга солиш,

¹³ Массэ Анри. Ислам. Очерк истории. – М., Изд. Восточная литература. 1962. С. 164.

йўналтириш, бошқариш ва руҳий босиб қўйиш учун муқаддас нақл-ривоятлардан фойдаланди.¹⁴

Ғаззолий, ҳақиқатдан ҳам исломни қайтадан тиклади ва жонлантирди. Ўз асарларида традицион (анъанавийлик), рационалистик (ақлга мувофиқлик) ва мистик (илоҳийлик) элементларини бир бутун ҳолда умумлаштириб ислом диний тафаккури ривожининг янги босқичига асос солди.

Ғаззолий асарлари ва ғоялари мусулмон ислом оламида жуда тез ва кенг ёйилди. А.Массэ бу борадаги нуфузини Европалик Фома Аквинский (1225-1274) – католик динининг схоласт олими, диний католицизм фалсафасининг устунларидан бири билан таққослайди.

Мутафаккир ўзининг бутун ҳаётий ва ижодий фаолияти давомида диндор тақводор мусулмонларни, худди Ҳасан Ашъарий каби мўътазилийлар билан яраштириш тўғрисида орзу қилган ва унинг қатор асарлари шу муаммони ечимига бағишланган. Бу борадаги асарлари қарийиб барча ислом-мусулмон мамлакатларида, яъни ислом оламида кенг тарқалган.

Ғаззолийнинг диний-фалсафий меросини тадқиқ этиш билан шуғулланувчи тадқиқотчилар қайд этганларидек, Имом Ғаззолий ўзининг машаққатли, риёзатларга тўла умри давомида (буюк олим атиги 53 йил умр кўрган) ислом фалсафасини, иймон-эътиқодни юксакларга кўтарувчи жуда кўп асарлар яратган. Бу ҳақда исломшунос профессор Хамиджон Ҳомидий шундай фикрларни баён қилади: “Ислом донишмандлари орасида ҳеч ким Ғаззолийдек кўп асарлар ёзган эмас. Унинг ёзган асарларини санаб яшаган умрига тақсимлаб чиқилса, ҳар куни 4 жилддан асар ёзган бўлиб чиқади. Ғаззолий фалсафа, ислом тарихи, ҳуқуқ, ахлоқ, тасаввуф, калом илми, шеърият, табобат, одоб, маърифат, ҳақиқатга доир юзлаб рисолалар ёзган. Уларнинг кадри ўлчовга сиғмайди”.¹⁵

Ислом фалсафий тафаккури оламида унинг “Ихё ал-улум ад-дин” (“Диний илмларнинг тирилиши”), “Мақосидул фалосифа” (“Файласуфларнинг мақсадлари”), “Тахофатул фалосифа” (“Файласуфларнинг ихтилофлари”), “Фазойихул ботиния” (“Ботинийликнинг моҳияти”), “Қистосул мустақим” (“Ҳақиқат мезонлари”), “Ал-Мунқиз мин аз-залал” (“Залолатлар, янглишувлардан қутқарувчи китоб”), “Жавоҳир ул-Куръон”, “Мишқот ул-анвор” (“Зиё нурлари”), “Ёқут ат-таъвил” (“Талқин тафсирларнинг гавҳари”), “Унвони мусулмония” номли асарлари мусулмон дунёсида машҳур бўлган. Бу асарлари билан Имом Ғаззолий жаҳон илм-фани ривожига салмоқли таъсир кўрсатиб, кейинчалик Ибн Рушд (Авверос), Ибн

¹⁴ Массэ Анри. Ислам. Очерк истории. – М., Изд. Восточная литература. 1962. С. 164.

¹⁵ Хамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Т.: “Шарқ”, 2004. 103-бет.

Халдун, Эммануэль Кант, Георг Гегель, Рене Декарт, Давид Юм каби Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг юзага келиши ва фалсафий таълимотларнинг ривожланишига майдон очиб берди.

“Кимиёи саодат” (“Дил ҳақиқати”) мусулмонлик мартабасининг пайдо бўлишидан, яъни ислом динида мусулмонлик унвони пайдо бўлишидан бошлаб то тасаввуфнинг нозик тушунча ва ишоратлари шарҳига бағишланган йирик асар. Шунинг учун ҳам тасаввуфшунос олимлар, фақат Ғаззолий таълимоти пайдо бўлгандан кейингина тасаввуф ортодоксал (изчил) ислом билан уйғунлаштирилган (“яраштирилган”) деб ёзадилар.¹⁶

X-XI асрларда ислом дини мустаҳкам диний-мафкуравий, тасаввуфий-фалсафий таълимот сифатида катта мавқега эга бўла бошлаган эди. Бунда ал-Ғаззолийнинг роли катта бўлди. Унинг зиммасига тасаввуфни “софлигини”, ислом руҳига мослаштиришигина эмас, балки “суннанинг сўфиёна янгиланишини” ҳам исботлаш вазифаси юкланган эди.

Имом Ғаззолий исломда ислоҳот ўтказди. Ислом таълимоти тизимига тасаввуф ва фалсафани киритди. Исломни дунёвий мавқеини мустаҳкамлашда фалсафадан фойдаланди.

Юқорида айтганимиздек Имом ал-Ғаззолий фалсафа, тасаввуф ва калом илмларига бағишлаб жуда кўплаб китоблар ёзган.

Унинг куйидаги асарлари “Қомус-ул-аълам”да зикр қилинган: “Ал-Басит” (“Жавҳар”), “Ал-Васит” (“Ўрталик”), “Ал-Ваъжиз” (“Қисқа”), “Ал-Хулоса”, “Ал-Мустафо” (“Сайланган”), “Ал-Мунҳал” (“Ниҳоллик”), “Ал-Мунтаҳал” (“Ниҳоя”), “Тахофут-ул-фалосифа” (“Файласуфларнинг ихтилофлари”), “Маҳаку-н-назар” (“Қарашларни аниқлаш”), “Меъёр-ул-илм” (“Илм меъёрлари”), “Ал-Мақосид” (“Мақсадлар”), “Ҳақиқат-ул-қавлайн” (“Икки сўз ҳақиқати”), “Иҳйа ал-улум ад-дин” (“Диний илмларнинг тирилиши”), “Маъкулот” (“Тушунчалар”), “Ажибу-л-қулуб” (Ажойиб қалблар”) ва бошқалар.

- “Кимиёи саодат” – зоҳирий таржимаси “Дил ҳақиқати” бўлиб, тасаввуф ҳақида китоб, форс тилида ёзилган. Бу китобда ал-Ғаззолий диний илмлардан дунёвий бойлик орттириш йўлида фойдаланган ўзининг замондош уламоларини қаттиқ танқид қилади.

- “Иҳё ал-улум ад-дин” – (диний илмларнинг тирилиши). Ғаззолийнинг тасаввуфий тизими унинг қатор асарларида, энг равон тизимлиси эса «Иҳё ал-улум ад-дин» асарининг 4 – рукнида баён қилинган. Ғаззолийнинг бу асари сўфийлик тариқатининг асосий ғояларини, яъни Оллоҳга яқинлашиш илоҳий ғоясини, Унга элтувчи тариқат йўлларини ва бу йўл давомида

¹⁶ Хамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. Т.: “Шарқ”, 2004. 103-бет.

сўфийликдаги мукамалликка эришув поғоналари – тавба, сабр, факр, зуҳд, ризо, таваккул, хавф, рижа, муҳаббат (Оллоҳга муҳаббат) кабиларни қамраб олади.

Динни илоҳий муҳаббат, юқори ҳис-туйғу (эмоция)нинг объекти этиб, Ғаззолий янги ҳаёт талабларидан ортда қолган сунний анъанавийлигини тирилтиришга ҳаракат қилди. Шунинг учун у ўз асарини “Диний илмларнинг тирилиши” деб номлади.

Шу асарининг “тафаккур китоби”да, асосан, инсон тафаккури орқали Оллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари, беҳудуд қудратини англаш, У яратган оламлар, ашёлар, жонзотлар, алалхусус, инсоннинг ўз-ўзини мушоҳада қилиб билиши ҳамда ўз бурчи ва маъсулиятини англаши очиб берилган. Асарнинг йирик қисми дунёни англаш, мушоҳада қилиш масаласига бағишланган.

- “Мишкот ул-анвор” (зиё нурлари) – (ҳадисларда етмиш минг ривоят ҳақида). Ал-Ғаззолий тасаввуфнинг амалий фойдасини инсонни ахлоқий мукамалликка элтувчилигида кўрди. “Мишкот ул-анвор” асарида Оллоҳни билиш йўлидаги, Унга қўшилиб кетиш (Унга сингиб кетиш) ғоясини тўғридан-тўғри тушуниш керак эмас, дейди у. Буни Оллоҳни билишдаги ботиний, илоҳий-руҳий ҳолатнинг энг юқори чўққиси деб изоҳлайди. Оллоҳга сингиб кетиш “Фано” ҳолати билан яқунланади. Сўфийларнинг “Фано” ҳолатини ўрганиб ал-Ғаззолий ёзади: “Унинг жамолининг нури уларни ёндирди ва Унинг буюклиги ва Қудрати уларни кулга айлантди. Улар ўзлари-ўзларида ғойиб бўлишди”. Мутасаввиф ал-Ғаззолий учун “Фано” ҳолати ҳиссий, руҳий билишдаги даражаларнинг доимий мукамаллашувини билдириб, Оллоҳ ҳузурида илоҳий, сўз билан тушунтириб бўлмайдиган ишқ-муҳаббатга, севгига эришишдир. Қачонки, У билан ақлий билиш орқали мулоқотдан сўнг, қалб севгиси билан мулоқотга ўтишдир. Ғаззолийда ишқ-муҳаббат, севги масаласи руҳнинг дунёвий ва илоҳий гўзалликка табиий интилишидир, деб қаралади. Шу билан бирга “Фано” ҳолатига эришиш йўллари, поғоналарида киши доимий ахлоқий, руҳий мукамаллашиб боради ва “фано”га эришгандан сўнг инсон янги сифатларга эга бўлади, деб таъкидлайди.

Оллоҳ нафақат яғонадир, балки бутун борликни ўзида мужассам этган (универсимум) кўплик ҳамдир.

Имом Ғаззолийга кўра мукамалликни миқдор билан ўлчаб бўлмайди, ваҳоланки миқдор маълум бир ўлчов билан боғлиқ бўлади, мукамаллик эса чексиздир. Мукамаллик сифат белгиси бўлиб, фақат мукамал инсонгина ҳақиқий, юксак ахлоққа эга бўлиши мумкин. Чунки у ички зиё, илҳом орқали ҳақиқатни билишга қодир. Инсоннинг мукамаллашуви жараёнида билим ва

эътиқод катта аҳамиятга эга бўлиб, мақсадга элтувчидир, дейди Имом Ғаззолий.

Ғаззолий фақат 34 ёшидан фалсафани жиддий ўрганишни бошлади. Бу пайтда у ўз эътиқодидан шубҳаланиб, чуқур руҳий тушкунликка тушади. Лекин бу ҳолат узоқ давом этмайди.

- “Мақосидул фалосифа” - (“Файласуфларнинг мақсадлари”) (1094) Шарқ мутафаккирларининг мантиқ, физика ва метафизикаси системали, объектив таҳлил қилинган асар;
- “Тахофутул фалосифа” (“Файласуфларнинг ихтилофлари”);
- “Ал-иктисод фил эътиқод” (1095) – (илоҳиётнинг ўрта йўли);
- “Ар-рисола ал-Қудсийа” (1097) – (Оршалимдан хат, рисола);
- “Китоб ал-арбаин фи усул ал-дин” – (эътиқод йўли ҳақида қирқ боб);
- “Меъзон ал-амал” (1095) – (“Амаллар ўлчови”);
- “Фийсал ат-тафриқ байн ал – ислам ва аззиндиқа”- (баъзи бир таълимотлардан исломнинг фарқи) – исмоилийлар, (ботинийлар)га қарши ёзилган;
- “Ал-Минҳул фи усул ал-фикҳ” – (“Ислом фикҳининг асослари”) – Ғаззолий айнан мана шу асарини ёзиб тўғаллаганда унинг устози Абул Малик ал-Жувайний шундай дейди: “Сен мени тириклайин гўрга тикдинг, ахир бир оз вақт менинг ўлимимни кутсанг бўлмасмиди?... Сенинг китобинг менинг китобимни ёпиб қўйди”.

Имом Ғаззолий ўзининг мантиқ бўйича ишларида Шарқ мутафаккирларининг мантиғидан фойдаланган. У шундай йўл тутганки мантиқ терминологиясини ўзгартириб, мантикий қоидаларни Қуръон ва Суннадан келтириб чиқаради.

- “Меъёру-л-илм” (1095) – (“Илм меъёрлари”);
- “Ал-Қистосу-л ал-мустақим” (1096) – (“Ҳақиқат мезонлари”);
- “Маҳақу-н-назар” (1095) – (“Қарашларни аниқлаш”);
- “Мукошафату-л-қулуб” – Имом Ғаззолийнинг ушбу асарини “Қалблар кашфиёти” деб таржима қилганлар. Ҳолбуки, унинг тўла таржимасини тахминан “Қалбларни босиб ётган ғайриинсоний феъл ва туйғуларнинг кашфи” деб белгилаш мумкин. Бу асарда мутасаввиф адиб жамият таназзулига сабаб бўладиган қусурлар – кибру ҳаво, риё, ҳасад, шуҳрат ва зулмларни тузатиш сабабларини кўрсатган. Нафс тарбияси ҳақида у қуйидагича ёзади:

Эй инсон, билиб қўйки, доим ёмонликни хоҳлаб турадиган нафс сенга шайтондан ҳам душманроқдир. Шайтон, нафсингнинг хою ҳаваси билан бўйнингга миниб олиб, сени Оллоҳнинг йўлидан чиқариши мумкин. Нафсинг сени беҳуда амаллар ва қуруқ хаёллар билан алдаб қўюр. Чунки нафс,

табиатан тинчлик – осудаликни, лоқайдлик, ғафлат ва бепарволикни ёқтиради ва умрни тубанлик билан ўтказишни истайди. У доимо беҳуда ва ботил нарсаларга ўралашади. Беҳуда кибрга берилади. Агар нафсингдан мамнун бўлиб, унинг хоҳишларига юрсанг, манзилинг фалокатдир, ўлимдир. Янглиш ҳисоблар ва хом ҳаёлларингдан хабардор бўлмасанг, охири чўкишинг муқаррардир. Агар нафсингга “тўхта!” дейишга ожизлик қилсанг, у сени ёнғинга олиб боради. Уҳолда асло яхшиликка қайтиш умиди йўқдир. Нафс балоларнинг боши, разолатларнинг манбаидир. Шайтон учун гуноҳ хазинаси бўлган нафсни таниган одам Яратганни таний олмайди...

... Оллоҳ жонлиларни уч тоифада яратган:

1-малаклар: Оллоҳ малакларга фақат ақл берган, доимо ҳою ҳавасга майл қилинадиган нафс бермаган. Демак, малакларда гуноҳ қилишга мойиллик йўқ.

2- ҳайвонлар: Оллоҳ ҳайвонларга биз тушунган маънода ақл бермаган, фақатгина нафс берган.

3- инсонлар: оллоҳ инсонларга ҳам ақл, ҳам нафс берган. Шундай бўлгач, инсон зоти учун энг катта хатар медадан ейиш – ичиш ҳирсидан келади. Одам ила Ҳаво – уларга Оллоҳнинг саломи бўлсин – меданинг ҳирси туфайли жаннатдан қувилиб, хорлик ва йўқлик майдонига отилгандилар.

1. Кимнингдир нафси ақлдан ғолиб келса ва шу нафсининг ҳавойи истакларига кўра ҳаёт кечирса, у ҳайвондан ҳам тубанроқ, яъни ҳайвонлар ундан яхшироқдирлар.

2. Кимнингдир ақли нафсидан ғолиб келса ва ҳаётини Оллоҳ ўртага қўйган ахлоқ асослари доирасида ўтказса, у малаклардан (фаришталардан) ҳам устундур.

Нафсининг ҳавойи истакларига бўйсунган одам, агар у ҳукимдор бўлса, кул аҳволига тушади. Нафсининг ҳавойи ҳавасларига қарши бориб, сабр қилган одам эса, кул бўлса ҳукмдор бўлади...

Нафс билан кураш борасида Оллоҳ буюради: “Биз Оллоҳ йўлида курашувчи кишиларга албатта ўз йўлларимизни кўрсатамиз. Шубҳасизки, Оллоҳ ҳар қайда яхшилиқ қилувчилар билан биргадир”¹⁷.

Бир куни Пайғамбаримиз марҳамат қилдилар: “Энг фазилатли жиҳод нафс тарбияси учун қилинадиган жиҳоддир”.

Жанглардан қайтган саҳобалар, ҳаммаларидан Оллоҳ рози бўлсин, дер эдилар: “Биз кичик жиҳоддан қайтдик, катта жиҳодга келдик!” Улар шу пайтгача олиб борган барча курашларини *кичик жиҳод*, нафс тарбияси учун

¹⁷ Куръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. – Т.: Чўлпон, 1992. – 290 б. Анкабут сураси, 69-оят.

курашни гўзал ва ахлоқли бўлиш учун олиб борган *катта житҳод* дер эдилар.

Нафс инсонни ҳар доим тўғри йўлдан оздириши мумкин, шу боис у билан тинимсиз курашиш керакдир. Нафс ва уни васвасага солувчи шайтон эса кўзга кўринмайди. Кўриниб турган душман билан олишиш кўринмаётган душман билан олишишга қараганда осонроқки, буни айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Яна васвасачи шайтон инсонда ўзига ёрдамчи топади. Бу нафснинг ҳавойи орзуларидир.¹⁸

Ғаззолийнинг юқорида кўрсатилган асарларидан ташқари яна баъзи асарлари номини келтирамиз:

“Ал-музтазҳирий”; “Ҳужжат ал-халқ”; “Қавоид ал-ақоид”; “Бадоеъ-ал-ҳидоя”; “Ал-мақсад ал-сани”; “Жавоҳир ал-ақрон”; “Ал-идрот-ал-фоҳира”; “Мушкилот ал-нур”; “Ал-жомеъ ал-авом мин улум ал-калом”; “Меърож ал-соликон”; “Ажойиб ал маҳлуқот ва асрор-ал-қоинот”; “Ал-одоби фи-ал-дин”; “Ал-қавоиди ал-ашра”; “Минхож ал-орифин”; “Фазойихул ботиния”; “Ёқут ал-таъвил”; “Унвони мусулмония” каби асарлари Шарқ фалсафий дурдоналарини ташкил этади.

Бундан ташқари Ғаззолий истеъдодли шоир ҳам бўлган. Унинг араб ва форсий тилдаги ғазал, қасида, рибоийлардан ташкил топган шеърлар тўплами бизга қадар етиб келган. Шеърларнинг барчаси тасаввуф ғояларини тарғиб қилишга қаратилган:

*Касеро паси пардан қазо роҳе нашуд,
Вази сири қадр ҳеч кас огоҳ нашуд.
Аз рӯи қиёс ҳар кас чизе чуфт,
Маълум нагаиш ва қасд кўчоҳ нашуд.*

*(Ҳеч ким қазо пардаси ортига йўл тополмади,
Қадар сиридан ҳам ҳеч ким огоҳ бўлолмади.
Қиёс юзасидан ҳар ким ҳар хил гапирди,
Нияти қисқариб, ҳеч нарса маълум бўлмади)¹⁹.*

Такрорлаш учун саволлар:

1. *Тасаввуф (сўфийлик) ҳақида тушунча беринг?*
2. *Имом Ғаззолий ҳаёти ва шахсияти ҳақида нималарни биласиз?*

¹⁸ Мирозиз Аъзамнинг турк тилидан таржимаси. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошофат-л-қулуб (Қалблар кашфиёти). – Т.: Адолат, 2002. 14-19, 239-242, 365-368-бетлар.

¹⁹ Ҳақиқат манзаралари. Жамол Камол таржимаси.

3. *Имом Ғаззолий ислом динидаги қайси мазҳабни расман тан олган ва қайси мактаб вакили эди?*

4. *Имом Ғаззолий яшаган даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти қандай эди?*

5. *Имом Ғаззолийни Низомия мадрасасидаги мартабали лавозимини ташлаб кетишининг сабаблари нимада эди ва кейинги ўн йилги ҳаёт тарзи қандай ўтди?*

6. *Ғаззолий ислом теологиясини тиклаш ва мустаҳкамлашда фалсафа ва тасаввуфга нега юзланди?*

7. *Исломдаги мутакаллим, мўътазилӣ, сўфийлик оқимларини яраштириш, қўшишида Ғаззолийнинг хизматлари қандай ва нималарда кўринади?*

8. *Имом Ғаззолий қандай асарлар ёзган, улардан баъзиларини санаб беринг?*

وَالْمَقْتَدُ ذِكْرُهُ حَتَّى لَا يَنْسَاهُ وَعِصْمَةُ مِنْ
 شَرِّ نَفْسِهِ حَتَّى لَمْ يُؤْتِرْ عَلَيْهِ سِوَاهُ وَأَسْتَحْلَافُهُ
 لِنَفْسِهِ حَتَّى لَمْ يَتَعَيَّدَ إِلَّا آيَاهُ وَصَلَّى اللَّهُ عَلَى مُحَمَّدٍ وَآلِهِ
 وَعَلَى أُمَّةٍ جَمِيعَةٍ

فجز الكتاب بحمد الله منه
 و فرغ عبد المحسن العبد المذنب الطاهر
 محمد بن محمد صميمه يوم الجمعة لسبع خلون
 من شهر ربيع الثامن سنة تسع و خمسين
 و هو بحمد الله تعالى على الآيات
 و شانه على جميل بلايه
 و جزيل عطائه
 و يصل على النبي محمد سيد انبيائه
 و على آله و آلهم
 و حسن السجود حقه

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ن	و	ح	ل
ه	م	ل	ح
ظ	ر	و	س
د	د	ن	ا



**Хоруния макбараси (Хорун ар-Рошид). Тус - Жанубий Эрон, ҳозирги
Машҳад шаҳри. Имом Ғаззолийнинг қабри тахминан кириш қисмининг
ёнида бўлган.**



The supposed grave of Abu Hamid Al Ghazali at Tus.

Абу Хомид Ғаззолийнинг тахмин қилинган тобути.

II боб. Имом Ғаззолийнинг илоҳий, диний-фалсафий таълимоти ва унинг асосий йўналишлари

Ўрта асрлар мусулмон теологиясининг муҳим марказий тушунчаларидан бири IX асрда Дирара Амр, Ҳусайн ан-Наджар ва бошқа мўътазиллийлар, айниқса, Абу ал-Ҳасан Ашъарий томонидан ишлаб чиқилган «Касб» тушунчасидир. «Касб» тўғрисидаги таълимотга биноан ҳар қандай инсоний ҳаракат Оллоҳ томонидан амалга оширилади ва фақат инсон томонидан «ўзлаштирилади». Ашъарий мўътазиланинг «касб» («ўзлаштириш») концепциясининг самимий тарафдори эди, лекин бир вақтнинг ўзида ўта фаталистлар – жафарийларни ҳам, ирода эркинлиги тарафдорларини ҳам танқид қилган.

Шуни ҳам назарда тутиш лозимки, илк Ўрта асрлар фалсафасини фундаментал фалсафа ҳамда Форобий, Беруний, Ибн Сино ва бошқаларнинг илмий фикрлари замирида ўрганиш ва тадқиқ қилиш лозим. Масалан, Ибн Синонинг фалсафий мероси фалсафа ва теология хусусиятлари бирикмаси эканлиги яққол равшан. Ибн Сино ислом қоидаларини Арасту мантиғидан ва сўнгги Юнон метафизикаси (навафлотунчилик)дан олинган тушунчалар ва иборалар билан таърифлашга интилган. Ибн Сино учун Худо биринчи сабаб, ёки Яратувчи, лекин Худо яратган навбатдаги олам файласуф томонидан тажалли (эманация) сифатида тушунилган. Инсон руҳи илоҳий нур тажаллисидан пайдо бўлади, инсон ҳаёти эса Нур — Оллоҳ сари қайтиш сафаридир. Ибн Сино фалсафасининг муҳим бир томони унинг материя тўғрисидаги тушунчаси эди. У материяни Худо ҳеч нарсадан (йўқдан) бор қилганлиги тўғрисидаги қарашларни инкор этади. Илоҳий Нур тажаллиси материяни пайдо қилмайди уни тўлдиради (намоён қилади). Юқорида айтилгандек, Ибн Синонинг бу фикрлари йирик ислом теологи – мистикларидан бири Ғаззолий томонидан бир неча асарларида кескин танқид қилинган.

У ўзининг машҳур «Файласуфларнинг ихтилофлари» китобида фалсафанинг динга нисбатан хавф туғдирадиган аниқ масалаларини белгилаб берди. Ал-Форобий ва Ибн Сино томонидан ўрганилган навафлотунчилик танқиди шундан иборатки, «Қуръоний Худо файласуфлар Худоси эмасдир. Мабодо Қуръон билан фалсафа тўқнашадиган бўлса, фалсафа чекиниши керак»²⁰. Ал-Форобий ва Ибн Сино Арастуга мурожаат қилиб, унинг материалистик таълимотини маромига етказганларини Имом Ғаззолий англаган эди.

²⁰ Гуннар Скирбекк, Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. – Т.: «Шарк», 2002. 237-бет.

Арасту материализми уларнинг кўмаги билан янада жанговарроқ тус олди ва дин учун хавфга айланди. Имом Ғаззолий фалсафани чуқур ўрганиб, уни теологияга бўйсундиришга ҳаракат қилди. Фалсафа йўналишини ўзгартиришнинг уддасидан чиққанига қарамай, унинг ўзи фалсафа таъсирига берилиб, теологияга фалсафий нуқтаи назардан ёндоша бошлади. Шунга қарамай, Ғаззолий умрининг охиригача диний таълимотни қаттиқ ҳимоя қилди. Имом Ғаззолий фалсафани ислом таълимоти тизимига киритди, лекин уни динга хизматкор қилиб қўйди. У ислом таълимотини ўзгартирди, тасаввуф ва фалсафани ислом тизимига киритди, динни мустаҳкамлаш учун улардан фойдаланди. Бу ишни мутакаллимлар уддалай олмаган эдилар. (Лекин, Ғаззолий ўз таълимоти билан баъзи бир олимлар ёзганларидек фалсафани бутунлай ислом олаmidан ўчириб ташлагани йўқ, аксинча, фалсафа такомиллашиб ривожлана борди).

Мутакаллимлар (мусулмон сҳоластлари) ва файласуфлар нуқтаи назарлари шундан иборат эдики, ҳақиқат мезони мутакаллимларда эътикод, файласуфларда ақл эди. Мутакаллимлар файласуфларга душманларча муносабатда эдилар. Уларнинг фикрича, фалсафа дахрийликка йўл эди. Лекин фалсафий фикр тараққиётини тўхтатиб бўлмас эди. Фақат битта йўл қолган эди — бу фалсафанинг вазифасини ўзгартириш, унинг оқимини бошқа томонга йўналтириш эди. Буни Имом Ғаззолий амалга оширди. Имом Ғаззолий фалсафий тизими кўпроқ монистик тасаввуфнинг фалсафий теологик ифодаси бўлиб, уни «мўътадил» ортодоксал ислом билан кўшишдан иборат эди.

Чиндан ҳам, кўпчилик муаллифлар таъкидлаганидек, Имом Ғаззолий Ўрта асрлар фалсафасининг йирик намояндаси. Бутун бир давр унинг номи билан боғлиқ. Ўрта асрлар мусулмончилиги билан шуғулланган биронта ҳам фалсафа тарихчиси у даврни Ғаззолийсиз тасаввур эта олмайди.

Тасаввуф соҳасида Ғаззолий бир қанча ислохотлар ўтказди. Сўфийлик таълимотини ўрганиб бориб, Ғаззолий унда исломий урф-одатларга илтифотсизликни сездди. У тасаввуфнинг пантеистик таълимотини ҳар томонлама обрўсизлантиришга, қоралашга ҳаракат қилди. Ғаззолийнинг фикрича, пантеизм исломнинг яккахудолик таълимотига, диннинг энг муҳим масаласига таҳдид солади. Ғаззолий ғоялари Ўрта асрлар мусулмон фалсафасига, шунингдек, Европа фалсафасига катга таъсир кўрсатди. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, Ибн Рушд (Аверроэс) уни қаттиқ танқид қилиб, фалсафий хулосалар ва Қуръон ўртасида ҳеч қандай зиддият бўлмаслигини таъкидлади. Бу дин ҳақиқий бўлиб, билимга етакловчи тадқиқни маъқуллагани боис, биз мусулмонлар, ақл ёрдамида ўрганиш Қуръон ўргатувчи нарсаларга зид хулосаларга олиб келмаслигини биламиз.

Инчунин, ҳақиқат ҳақиқатга зид бўлмайди, балки у билан уйғунлашади ва бу ҳақда далолат беради²¹.

Мўътазилийлар ва ҳанбалийлар қирқ ёшига қадар мўътазила мактабининг содиқ вакили ва ақидавий динга қайтган ҳамда уни қайта таҳлил қилган Ашъарий Абу ал-Ҳасан Али бин Исмоил (873-915) кўмагида келишувга эришдилар. Ўша даврда Қуръон абадий эмас, у худо томонидан яратилган деган ақида тарафдорлари бўлган мўътазилийлар Қуръон (унга ёзма қайд қилинган нарсалар ҳам қўшилиб) абадий деган ақида тарафдорларига қарши курашганлар. Ашъарий Қуръонни Оллоҳнинг абадий сўзи, Қуръон яратилмаган, лекин у ёзилган қоғоз ва сиёҳ инсон қўли билан яратилганини таъкидлади. Унинг фикр юритиш услуби эса, табиийки, мўътазила томонидан тан олинган диний билим манбаи ақл эканлигини инкор этмади. Ашъарий ақлни юмшоқроқ қилиб, назар шаклида, Оллоҳни ақлий билиш деб қабул қилди. Бу вақтда ашъаризмда теологик шаклда атомистик таълимот пайдо бўлди, лекин у мусулмон оламида Ўрта асрлардагина кенг тарқалди. Абул Ҳасан Ашъарий ўзининг қарашлари билан Абу Ҳанифага яқин эди. У ислом дунёсида мўътазилийларнинг ақлпарастлигига (рационализмга) қарши курашди, «Ашъарий Каломи»нинг таъсири натижасида суннийлар исломда энг таъсирчан диний оқимга айланди.

Шундай қилиб, «асҳоб ал-Ҳадис» (Ҳадис тарафдорлари) ва «асҳоб ар-раъй» (фикр тарафдорлари) ўртасидаги кураш ўзаро келишув ва VIII-IX асрларда исломда бир неча мазҳабларнинг пайдо бўлиши билан якунланди. Асҳоб ар-раъй ва асҳоб ал-Ҳадис тарафдорлари ўртасидаги бу келишув асосида барча диний-руҳоний мактабларининг вакиллари тўрт асл диний таълимотни тан олдилар. Шу билан бирга, ҳар ким ўзича мушоҳада қилиши доираси анча торайди. «Раъй» шахсий фикр Қуръон ва суннани тўлиқ билишни ва маълум ҳолатларда уларнинг мазмунини тушуниш асосида хулоса чиқаришни назарда тутувчи «ижтиҳод» билан алмаштирилди.

Ундан ташқари, «мутлақ ижтиҳод» ёпиқ деб эълон қилинди. Эътиқод ва ҳуқуқнинг асосий арконларини мустақил ҳукм объектига айлантириш таъқиқланди. «Ижтиҳод фи-л мазҳаб» — у ёки бу фикр мактаби ҳуқуқий тамойилларига фақат «ижмо» розилиги олингандан сўнггина рухсат бор эди, келажакда шу масала бўйича янгича, бошқа ҳукм чиқариш таъқиқланди. Бундан буён мусулмонлар «таклид»га, яъни муқаддам, асосан исломнинг илк — учинчи, тўртинчи юз йилликларида қабул қилиниб бўлинган қарорларга қатъий риоя қилишлари лозим эди.

²¹ Гуннар Скирбекк, Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. – Т.: “Шарк”, 2002. 238-бет.

Бу шароитда мистик амалиёт ва диний даъватлар тез-тез қарор топган диний эътиқодга зид йўналишларга ўтиб кетгани учун диний идоралар ва ҳокимият томонидан қаттиқ таъқиб қилинган. “Қачонки IX аср охирида Бағдодда ортодоксал диний ақидапарастликнинг мудҳиш руҳи ҳукм сурганда кўп машҳур сўфийлар қатағонга дуч келганлар, - деб ёзади И.Гольдциер, — улар орасида кўп маротаба “Мен Ҳақман” (“Анал-Ҳақ”) деб таъкидлаши билан Оллоҳнинг мутлақ олий ҳукмдорлигини, шу билан бирга, Оллоҳнинг ердаги вакиллари, дунёвий ҳукмдорларни инкор қилгани учун 922-йилда қатл қилинган Мансур Ҳаллож ҳам бор эди”²².

Шарқшунос академик И.П.Петрушевский фикрига кўра, кўпчилик тадқиқотчилар тасаввуф равнақининг учинчи даврини XI-XII асрларга тааллуқли деб ҳисоблайдилар²³. Бу давр шундай ҳоллар билан тавсифланади: расмий сунний илоҳиётшунослик (ундан кейин шиа ҳам) мўътадил тасаввуфга кўникиб қолди; асосан Имом Ғаззолий хизмати билан ижмоънинг кўпчилик вакиллари мўътадил тасаввуфни тўғри деб тан олдилар; ундан ташқари мўътадил тасаввуф исломий дунёқараш тизимига чуқур кириб борди, ўз навбатида, исломнинг ўзи ҳам сўфиёна ғоялар билан бойиди.

Тасаввуф бу даврда, айниқса шаҳарларда янада кенгроқ тарқалди. Сўфий бўлиш, ёки ҳеч бўлмаганда шундай аталиш энди ижобий тус олди. Энди сўфий ҳамда у ёки бу шайхнинг муридлари орасида фақат шаҳарлик камбағаллар ва деҳқонларгина эмас, йирик феодаллар, савдогарлар ва бошқалар ҳам пайдо бўлди. Ардабил шаҳри аҳолисининг кўпчилиги сафавийлар шажарасининг аждоди Шайх Сафий-уд-дин Исҳоқ (1252-1334 йй) нинг муридлари бўлган. Албатта, шу билан бирга тасаввуф оқимларининг ижтимоий ички табақаланиши намоён бўла бошлади.

Сўфийларнинг каттароқ бирлашмалари ҳам (дарвешлар сулуқлари) вужудга кела бошлади.

Энди мўътадил (монотеистик), кескин экстатик ҳамда пантеистик тасаввуф ўртасидаги фарқ яққол билинди. Монотеистик тизим намунаси Имом Ғаззолий томонидан ишлаб чиқилган тизимдир, пантеистик тизим намунаси Ибн ал-Арабий тизимидир²⁴. Сўз тасаввуф генезиси ва тараққиёти ҳақида борар экан, шу тизимлар тўғрисида қисқача маълумот бериш жоиздир.

Ғаззолийнинг тасаввуф тизими унинг асарларида, шунингдек, унинг энг батафсил «Иҳё ал-улум ад-дин» (Диний илмларнинг тирилиши) асарида баён қилинган. Ғаззолий умуман тақводорлик тарафдори. У зоҳидликни руҳни

²² Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: “Наука”, 1991. С.269.

²³ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в XII-XV веках. – Л.: ЛГУ, 1966. С. 330.

²⁴ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в XII-XV веках. – Л.: ЛГУ, 1966. С. 330-331.

поклаш, рухий ҳаётга тайёргарлик воситаси деб билади. Ғаззолийнинг таъкидлашича илохий йўл тўққизта асосий босқичдан — мақомат, сулук манзилларидан иборат.

Улардан ҳар бири — халос қилувчи хусусиятлардан бири – мунжият (кутулиш йўли) эгаси бўлиш билан тавсифланади. Ғаззолий 1) тавба, 2) сабр, 3) шукр, 4) хавф, 5) рижо, 6) фақр, 7) таваккул, 8) зуҳд, 9) Оллоҳга мистик муҳаббат босқичларини аниқлайди.

Йирик илоҳшунос, файласуф, Шофеъий-фақиҳ Имом Ғаззолий Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ат-Тусий мутакаллимлар ва сўфийлар ўртасида, унинг ўз сўзлари билан айтганда: «ўзларини тафаккур, ақл шогирдлари, деб атайдиганлар ва ўзларини «Оллоҳ танлаганлар, интуиция соҳиблари, жазба воситасида ҳақиқатни билувчилар» деб атайдиганлар орасидаги маълум бир мўътадилликни топишга ҳаракат қилди.

Исломшунослар таъкидлашича, Имом Ғаззолий ҳақиқатан ҳам ўз асарларида анъанавий (традиционал), ақлий (рационалистик) ва мистик элементларни уйғунлаштириб, исломни яна уйғотди (тирилтирди). Ғаззолий таълимотининг асосий қоидалари сабабий боғланишни, унинг каломга, ёки фалсафага ёки фикҳга тегишли бўлишидан қатъий назар, бу ерда ҳар хил ҳолатда гуноҳнинг меъёри ва ҳадлари тўғрисидаги расмийлаштирилган таълимотни инкор қилади. “Шундай кишилар гуруҳи борки, улар ўз саъй-ҳаракатларини фикҳнинг сабабий ҳар хил ҳолатларини ўрганиш — казуистика билан чегаралайдилар. Шу мақсадга йўналтирилган билимларни илм, фикҳ, мазҳаб деган номлар билан атаб, уларни ҳам диний фан деб ўйлайдилар”, деб ёзади Ғаззолий.

Тасаввуф фалсафасининг шаклланиши ва ривожланишида Имом Ғаззолийнинг ўрни жуда катта. Юқорида таъкидланганидек, у ўзининг фалсафа бўйича машҳур китоби «Файласуфларнинг ихтилофлари»да динга бевосита алоқадор бўлган йигирмата фалсафий масала бўйича файласуфлар билан баҳс қилади. Шунини таъкидлаш керакки, Имом Ғаззолийнинг идеалистик фалсафий тизими уни «Шарқнинг буюк ақл соҳиби» деб ҳисоблаган немис классик фалсафасининг асосчиси Г.Ф.Гегелга ҳам илҳом бағишлаган.

Имом Ғаззолий ижодида ва унинг фалсафий қарашларида асосан теологик моҳият сезилиб турса ҳам унинг теологиядан фалсафий дунёқдрашга ўтиши аниқ кузатилади. Теология ва фалсафа билан шуғуллана бориб, Ғаззолий эътиқодни иррационал (ақлдан ташқари) тушунча сифатида ҳамда фалсафани рационалистик қурилмалар сифатида бир-бири билан қўшилиши мумкин эмас деган хулосага келди. Бу эса олимни чуқур рухий ва маънавий тушкунликка солади. У мантиқий исботлар асосида эмас, интуиция

— ғайриихтиёрий ҳис воситасида борлиққа монистик қараш вакиллари бўлган сўфийларнинг ғояларини қўллаб-қувватлай бошлади. Ғаззолийнинг фалсафий тизими тасаввуф монотеизмининг фалсафий-теологик ифодаланиши бўлиб, уни донишманд анъанавий-ортодоксал ислом билан бирлаштирди, «яраштирди». Ғаззолий асарларида атроф-теварак муҳит, олам қонуниятларини билиш имконини берадиган фанларнинг рационал асосидаги мулоҳазалар аниқлигини инкор этмаса ҳам олий ҳақиқатни, Оллоҳни ақл билангина билиш имкони йўқлиги тўғрисидаги ғоя ривожлантирилди.

Оллоҳни жазба воситасида, уни ҳис қилаётган ҳар бир сўфий учун ички кечинма сифатида пайдо бўладиган завқ-шавқдан маст бўлиш ҳолати ва фақат Ўзининг ёрдами орқали – “фано” натижасидагина билиш мумкин, – деб ҳисоблайди Ғаззолий.

Ғаззолий ўзига маълум фалсафий тизимларни, айниқса, Шарқ арастучилигини, қатъий танқид остига олди. У Абу Наср Форобий ва Ибн Синоларнинг асарлари билан яхши таниш эди. Уларни таҳлил қилиш асосида ёзилган ўзининг «Мақосид ул-фалосифа» (Файласуфларнинг мақсадлари) номли асарида Форобий ва Ибн Синоларнинг қарашлари исломни мустаҳкамлашга хизмат қилмайди, деб қоралайди ва 20 та масалада, қоидада баҳслашади: «Улар томонидан йўл қўйилган хатоларнинг учтаси расмий исломга қарама-қарши бўлиб, худосизликдан иборат деб ҳисобламоқ керак»²⁵, дейди Ғаззолий. Унинг фикрича, Форобий ва Ибн Синолар расмий ақидага қарама-қарши бўлган учта фикрни илгари сурганлар. Улар: 1) тана қайтадан тирилмайди, мукофот ва жазо бериш руҳий бўлиб, жисмий хусусиятга эга эмасдир; 2) Оллоҳ таоло умумий билимга эга бўлиб, ҳар бир алоҳида нарса тўғрисида билимга эга эмас; 3) дунёнинг азалийлиги ва фоний эмаслиги ҳақида ақида.

Форобий ва Ибн Синоларнинг бундай қарашлари ислом теологияси ва фалсафасининг намояндаси, мударрис Ғаззолийни қониқтирмас эди, албатта.

Ғаззолий одамларни уларнинг билиш қобилияти савиясига қараб икки тоифага: «кенг омма», авом ва «танланганлар»га ажратди. Биринчи категорияга у диний анъаналарга риоя қиладиган диндорларни киритди. Уларни шубҳалантирмаслик (хижолат қилмаслик) учун илоҳий матнларнинг рамзий-мажозий талқинини бермаслик керак. Иккинчи тоифага у амалда, авваламбор, аниқ ибораларга асосланган исботлар ёрдамида ҳақиқатга эришишга интилувчи файласуфларни киритди. Улардан ташқари танланганларга борлиққа монистик қарашни олға сурган хурфикр

²⁵ Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. Т.: 2004. 136-бет.

сўфийларни ҳам кўшди²⁶. Натижада, бу таълимотга баъзи йирик сўфийлар, шу жумладан, Азизиддин Насафий ҳам қўшилдилар²⁷.

Ғаззолийнинг тасаввуфий тизими унинг қатор асарларида, энг равон тизимлиси эса «Ихё ал-улум ад-дин» асарининг 4 - рукнида баён қилинган. Мазкур асарининг “тафаккур китоби”да асосан инсон тафаккури орқали Оллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари, беҳудуд қудратини англаш, У яратган оламлар, ашёлар, жонзотлар, алалхусус, инсоннинг ўз-ўзини мушоҳада қилиб билиши ҳамда ўз бурчи ва маъсулиятини англаши очиб берилган. Асарнинг йирик қисми дунёни англаш, тафаккур ва мушоҳада масаласига бағишланган. Умуман олганда, Ғаззолий сўфийларнинг мистик-аскетик қарашларини «руҳнинг покланиши», «маънавий ҳаёт»га тайёргарлик воситаси сифатида қарайди. Тасаввуфнинг таълимот сифатида ва маънавий воқелик сифатида барпо қилинишида, ривожланишида ал-Ғаззолийнинг роли жуда катта эканлиги яқдиллик билан таъкидланди. И.П.Петрушевскийнинг ёзишича, мўътадил (монистик) тасаввуфнинг ижмоъ томонидан эътиқод деб тан олинмишида Имом Ғаззолийнинг хизмати катта, ундан ҳам муҳими мўътадил тасаввуф исломий дунёқарашга чуқур кириб борди ва аста-секин исломнинг ўзи сўфиёна ғоялар билан тўлиб-тошди²⁸.

Абу Ҳомид Ғаззолий диний онгнинг ўз моҳиятини англашда ҳал қилувчи асосий тушунчаси ислом эмас, иймон ва кимки унга эга бўлса ўша эътиқодли мўминдир деб ҳисоблайди. Иймон Қуръони Каримда эътибор берилган муаммоларнинг энг муҳимидир. Бу илоҳий китобда у тўғрида юзлаб марта гапирилади. Ислом эса, иккинчи навбатдаги, нисбатан камроқ учрайдиган тушунча. Қуръонда у саккиз марта тилга олинган холос. Шулардан келиб чиқиб, у ўз фалсафий-теологик таълимотини ривожлантирди. Маълумки, Имом Ғаззолий ҳаёти ва ижоди даврида мутакаллимлар, мўътазиллийлар ва файласуфларнинг ҳар хил шакллари ўртасида кескин кураш авж олган эди. Айнан шу пайтда Имом Ғаззолий ислом теологияси учун мардона кураш олиб борди.

Имом Ғаззолийнинг файласуфларга, шунингдек, Арасту, Форобий, Ибн Синолар фалсафий таълимотларига кескин қарши чиққанини юқорида қисман кўриб ўтдик. Фалсафий тафаккур душмани сифатида чиққан бўлса-да, мулоҳазасизликни ёқтирмаган ва тафаккурдаги бундай ҳолни инсоният учун ҳалокатли ҳисоблаган. Фалсафа билан келишмаганлигининг сабаби шунда бўлганки, у аслида тақлиддан иборат бўлган ва фалсафа номи билан

²⁶ Суфийская мудрость. Составитель Лавский В.В.М.: изд-во Март. 2007. С.80.

²⁷ Азизиддин Насафий. Зубайдат ул-Хақойик (Ҳақиқатлар жавҳари). – Т.: “Камалак” (Нажмиддин Комилов таржимаси), 1996. 39-40 бетлар.

²⁸ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV. – Л.: изд-во. ЛГУ, 1966. С.330.

ислом оламида тарқалган ақидапарастликни назарда тутган. Диний матнларни, жумладан, Қуръони каримни юзаки тушуниб, ҳар қандай чуқур фикр эшикларини беркитадиган жоҳил ақидапарастлик тарафдорларини кескин фош қилган. Албатта, шуни назарда тутиш керакки, Имом Ғаззолий - унинг дунёқараши аввал бошдан ғоявий илоҳиётшунослик билан суғорилган эди. Фалсафани рад этар экан у шундай ёзган: «Каломда далилларим бор ва ақл талабига амал қиламан. Шариатда эса менда Қуръони карим дини бор. Ва аминман, (Имомлар)дан бирортасига тақлид қилмайман. Менга Шофеъий ҳам хузур бағишламайди, Имом Абу Ҳанифадан ҳам роҳатланмайман»²⁹.

Имом Ғаззолий фикрича, «Инсонни Ҳолиқи мутаолга яқинлаштирадиган нарса уч кўринишга эга: мутлақ илм, яъни ваҳй нозил бўлиши; эзгу афъол (шоҳнинг одамлар ҳимояси учун адолатни ишга солгани каби); ҳақ йўлни кўрсатувчи илм бўлган ҳикмат ва эзгу афъолнинг омуҳталиги». Нариги дунёдаги қисмати уларнинг ниятларига боғлиқ³⁰. Ўзининг илоҳиёт қарашларини мавжуд ижтимоий-сиёсий воқелиқдан, илм-фан ривожидан, аниқ далиллардан келтириб чиқарган Имом Ғаззолий фанларни ҳақиқий (ботиний) ва зоҳирийларга бўлади. Унинг фикрича ҳақиқий фан яширин (ботиний) бўлиб мунозараларда, баҳслар, дарсларда ўрганилмайди, балки ботиний ҳаракатлар ҳамда ўз «Мен»ини поклаш орқали эришилади. Фикримизча, мутафаккир бу ўринда тасаввуф илмини назарда тутди. Фикҳ ва калом зоҳирий илмлардир. Айниқса, фикҳ бу дунё ишлари билан шуғулланадиган фан бўлиб, бу дунё эса абадий дунё учун кўприқдир, деб ҳисоблайди Имом Ғаззолий.

Юқорида айтилганидек, Имом Ғаззолий фалсафани ўзларининг ғайридиний ақидаларини шарҳлаш, оқлаш ва тарғиб қйлиш ҳамда шариат қоидалари ва арконларини инкор этишга, уни динга қарши қуролга айлантиришга интилаётганларга зарба бериш учун фалсафага қарши чикди. Шу муносабат билан Ғаззолий ўзининг муҳим асари «Тахофутул фалосифа» (Файласуфларнинг ихтилофлари)да ёзади «Бу нодон одамлар гуруҳида камақиллилик томирининг уришини ошкор этиб, мен ўтган файласуфларнинг адашишлари ва ақидаларидаги тартибсизликларини исботлаш, уларнинг илоҳиёт ҳақидаги қарашларида мавжуд зиддиятларни очиб ташлашни ўз вазифам деб билдим».³¹

Имом Ғаззолий ўзидан олдин яраталган сўфиёна қарашларга ҳам танқидий муносабатда бўлди. Сўфиёна таълимотларни ўрганиш давомида унда ислом анъаналарига ва қоидаларига нисбатан номуносиб эҳтиётсизлик

²⁹ Саййид Муҳаммад Ҳотамий. Ислом тафаккури тарихидан. – Т.: “Минҳож”, 2003. 93-бет.

³⁰ Ўша асар. 100-бет.

³¹ Саййид Муҳаммад Ҳотамий. Ислом тафаккури тарихидан. – Т.: “Минҳож”, 2003. 90-бет.

ва бефарқликни кўрди. Сўфийликни ислоҳ қилди. Айнан теология соҳосида, яъни ортодоксал исломшуносларнинг жиддий камчиликларини очиб, теологияни дунёқараш даражасига кўтарди. У ислом дини ва ақидаларини ҳимоя қилиб, Тангри таолонинг қудрати ва Унинг иродасини ҳамма ерда ва ҳамма нарсада ҳозирлигини исботлаш учун фалсафа усуллариغا шиддат билан қарши чиқди. Унинг бўйсунмас руҳи зоҳирий ақидалар билан ҳеч қачон келишолмади, фалсафа ва исломни янги дунёқараш асосида таҳлил этиш учун у тасаввуфга юзланди. Ўзининг катта аҳамиятга эга бўлган асари «Ихё ал-улум ад-дин»да замондошларига таъналар ёғдирди ва ҳақиқатнинг эътиборсиз ғарибу-ёлғизлиги, сохта олимларнинг, баъзи сўфийларнинг дунё нафсига берилганини аламли оҳангда таъкидлайди. Имом Ғаззолий дейдики, ҳақиқий саодатга эришиш йўли ишлаб чиқилмаган, унинг йўлида тўсиқлар кўп, ҳақиқий саодат йўли (охират йўли)нинг аломати пайғамбар меросхўри бўлишга лойиқ олимлардир, улар (ҳақиқий олимлар)нинг жойи бўм-бўш. Аксарият, Ахриманга дастёр, суратпараст мунофиқлардан бошқа ҳеч ким қолмади. Тангрига итоат қилмаслик уларни йўлдан адаштирган, уларнинг ҳар бири дунё мулкига маҳлиё, деб ёзади.

Қуйида Ашъарий ғояларининг давомчиси, каломнинг энг йирик намояндаси сифатида Ғаззолийнинг бу борадаги қарашлари мухтасар таҳлил қилинади. Адабиётлардан маълум бўладики, Ғаззолийнинг ислом диний фалсафасини яратишдаги хизматлари беқиёс бўлган. Шунингдек, Имом Ғаззолий «Ашъарий» Каломини ҳимоя қилишда ва илоҳиётга оид қарашларида мўътазиллийлар назариясига қарши чиққан, рационализм ва ислом фалсафасининг пантеистик йўналишига кескин зарба берди. «Ал-Мунқиз мин аз-залал» («Адашишлардан залолатлардан қутқарувчи») номли асарини ўзининг ғоявий изланишлари ва дунёқарашининг ривожланиши ҳақидаги чуқур фалсафий-руҳий мушоҳада ва кечинмалари таъсирида ёзади. Ғаззолийни қалбидаги ички кураш ва ахлоқий қониқмаслик азобга солар эди. Бу ҳақда мутафаккир «Тахофутул-фалосифа» («Файласуфларнинг ихтилофлари») номли асарида қуйидагича ёзган: «Мен шундай одамлар гуруҳи билан учрашдимки, улар ўзларининг ақлий салоҳияти ва идрокларининг афзаллиги билан замондошлари ва касбдошларидан устунликларига ишониб, исломнинг маросим ва арконларини инкор этиб (ўз вақтида номоз ўқиш, ножўя ҳаракатлардан сақланиш каби) Парвардигор сари йўлни беркитувчи ва нотўғри йўлдан юрувчиларга эргашгандирлар. Улар дин талаб қилганларни адо этишга қизиқмайдилар ва унинг ман этганларини кераксиз, ортиқча занжирлар билан рад этадилар. Уларнинг динсизлиги ўзлари одатланиб қолган одамларнинг ғояларидан бошқа нарсага асосланмайди. Улар худди яҳудийлар ва насронийлар ота-боболаридан

қолган одатларга амал қилгандай динга ишонадилар. Улар хаёл ва тасаввурларнинг қойилмаком алдови оқибатида пайдо бўлган дунёқарашга таянадилар ва ўзларини дин ва иймон ҳақида енгил баҳс юритувчи баъзи маишатпараст бидъатчилардай тутадилар».³² Ислом илми ва дунёқарашда юз бераётган таназзул, фалсафага асосланган дахрийликнинг тарқалиши, одамлар қалбида иймоннинг сусайиши, мазҳабпараст гуруҳлар, куч билан давлатни қўлга киритган мустабид ҳокимларнинг тийиксиз ҳаракатлари, халифалар, амирлар ва ҳатто дин арбоблари, фақиҳ, қози, муфтиларнинг дин ва шариатни «ҳимоя» қилиш ниқоби остида диндан бойлик орттириш, ҳашаматли ҳаётга эришиш каби бошқа шахсий манфаатларни амалга ошириш йўлида қилган хатти-ҳаракатлари Ғаззолийни ғоявий жунбушга келтирди.

Ғаззолий фавқулодда иқтидор ва тафаккур соҳиби сифатида ўзини намоён этди. Энди у жону-жаҳди билан фалсафа, фикҳ, калом илми, тасаввуф тарихи, ботиния, зоҳирия, исмоилия каби турли-туман оқимларнинг тарихи, ғоялари, илмий ҳамда амалиётдаги моҳияти ҳақида асарлар ёзди. Айниқса, унинг «Файласуфларнинг мақсади», «Файласуфларнинг ихтилофлари» номли китоблари исломда вужудга келган қийин муаммоларни аниқлаш ва ечишда катта роль ўйнади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, ал-Ғаззолий фақат 34 ёшидан фалсафани чуқур ва жиддий ўргана бошлаган. Фалсафа билан бирга фикҳ ва калом илмига оид бир қатор асарлар яратди-ки, улар моҳиятан теологияга доир муаммоларни ҳал этишга қаратилган эди. “Бу илмларни пухта эгаллагач, тасаввуф тариқатларига юз тутдим. Шунда маърифат билан тасаввуф тариқати бўлак-бўлак нарсалар эканлигини англадим, яъни улар илм ва амал экан. Менга амалдан кўра илм осонроқ кўринди. Шунинг учун Абу Толиб Маккийнинг «Қут ал-қулуб»и, Хорис Масоҳибий асарларини, Жунайд, Шиблий, Боязид Бистомийларнинг китобларини мутолаа қилдим. Шундагина мен уларнинг ҳақиқатига илм орқали эмас, балки, завқ ҳамда ҳол билангина етишиш мумкинлигини тушуниб етдим” деб ёзган эди кейинчалик Имом Ғаззолий.

Ғаззолий давр тақозоси ва талаби билан юзага чиққан улуғ шахс, илоҳиётчи ҳамда ислоҳиётчи олим эди. У илм соҳасига кирган вақтда исмоилийлар ислом динининг бирлигига ва салжуқийлар давлатига таҳдид солаётган эди. Ислом асосларини ҳимоя қилиш, турли хил диний-фалсафий секталарни фош этиш учун истеъдодли, таъсир доираси кенг диний арбобга эҳтиёж туғилди. Бу вазифани Имом Ғаззолий бажарди. У фалсафага ислом таълимотини олиб кирди ва уни илоҳиёт хизматкорига айлантирди. Фалсафани чуқур ўрганиш давомида Форобий ва Ибн Синонинг фалсафий

³² Саййид Муҳаммад Ҳотамий. Ислом тафаккури тарихидан. – Т.: “Минҳож”, 2003. 87-бет.

талабларини таҳлил қилди, улардаги материалистик қарашларни очиб ташлади, танқид қилди ва айнаи бир вақтда, Каломни мантиқий усуллар ва фалсафий талқинлар билан қуроллантирди, фалсафани теология томон йўналтирди, теология соҳасида эса, файласуф сифатида фикр юрита бошлади. Унинг теологик қарашлари сабабият масаласини ҳал этишда яққол кўринади. У Оллоҳнинг биринчи сабаб эканлигини турли усуллар ва мисоллар билан исботлашга ҳаракат қилади, ҳатто момик пахтаинг оловга дуч келиб ёнишини ҳам Оллоҳнинг хоҳиш-идроки билан боғлайди. Шарқнинг буюк ақл соҳиби Имом Ғаззолий, яна бир бор таъкидлаш жоизки, энг аввало машҳур илоҳиётчи ва ҳуқуқшунос (факих) сифатида ўз дунёқарашини намоён этган. Ислом динини ҳимоя қилгани ва қоидаларини чуқур тасниф қилиб берганини эътироф этиб уни фахрли “Муҳийиддин” (“Эътиқодни тикловчи”), “Хужжат ул-ислом” (“Исломнинг исботи”), “Зайниддин” (“Диннинг зийнати”) каби фахрли ном ва тахаллуслар билан атайдилар. Унинг мусулмон оламидаги обрўси шунчалик юксак эдики, XV аср охирида машҳур қомусий олим, Қуръони карим тафсири устаси Жалолиддин Абулфазл Абдурахмон Суютий (1505 йилда вафот этган) — «Агар Муҳаммад (с.а.в.) дан кейин яна пайғамбар бўлиши мумкин бўлганда у, шубҳасиз, Имом Ғаззолий бўлган бўлар эди», деган эди.³³

Илоҳиёт ва тасаввуф бўйича Имом Ғаззолийнинг асосий асари унинг фалсафий-диний тизимини тўлиқ баён қилган «Ихё улум ад-дин», (“Диний илмларнинг тирилиши”) эди. У асарларида ўзини асло янгилик яратувчи қилиб тасвирлаган эмас, фақат уни ўрганишга ҳаракат қилган илоҳиётчилар томонидан нотўғри тушунилган ва бузиб талқин этилган, аслида у илк исломни қайта тиклашга ҳаракат қилган. Донишманд ўзининг теологик мушоҳадаларида ўзи рад этган файласуфларнинг тизимидан моҳирлик билан фойдаланган. У диний дунёқараш илоҳиётчилар-нинг сҳоластик ақидапарастлиги, факихларнинг ҳуқуқий устомонлиги ҳам диний фалсафа базасида шаклланганлигини тушунар эди. Шунинг учун Ғаззолий ўз илоҳиётшунослигининг қоидаларини ҳимоя қилиш ва фалсафанинг у ёки бу ғояларини мослаштириш мақсадида фалсафий оқимлар билан курашни ўз олдига энг асосий вазифа қилиб қўйди.

Тасаввуф мистикасини у ўзининг ғоявий иттифоқдоши деб билди ва сўфийлар билан биргаликда шахсий эҳтиросли эътиқодни афзал ҳисоблаб, Оллоҳни интуиция, “ички зиё”, жазба йўли билан билиш мумкин, бундай ҳис-туйғу ҳолатига ички туйғу-тажриба сифатида қараб уни реал воқелик деб таъкидлади. Ғаззолий мўътадил тасаввуфни изчил (ортодоксал) теология

³³ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в XII-XV веках. – Л.: ЛГУ. 1966. С. 223.

билан уйғунлаштирди. Уни (тасаввуфни) ислом диний дунёқарашлари тизимига киритди. Бу билан олим ўз устозлари сўфий Абул Қосим ал-Қушайрий (986—1072) ва Имом ал-Ҳорамайн номи билан машхур бўлган Абул Маъли ал-Жувайни (1085 ваф.)лар бошлаган ишларини поёнига етказди.

Таниқли инглиз исломшуноси Монтгомери Уотт манбалар ва энг янги тадқиқотларнинг таҳлили асосида Имом Ғаззолийни ёрқин сиймоли илоҳиётчи сифатида тавсифлайди ва уни фалсафа фани ва диний ақидаларни ўзида уйғунлаштирган бир равон тизимни яратган мутафаккир деб ҳисоблайди. Исломнинг йирик илоҳийшуноси сифатида Ғаззолий «Соф биродарлар» жамияти ва исмоилийларнинг дин фақат бемор ақллар учунгина дори-дармон бўла олади холос, унда саводсизлик доғи бор, адашувлар билан қоришиб кетган, уни соғлом ақл озуқа оладиган мағрур фалсафий доноликдан бошқа ҳеч нарса билан ювиб, тозалаб бўлмайди, деб ҳисоблайдиган мафкурасини танқид қилган. Мана шунинг учун ҳам Имом Ғаззолий астойдил фалсафа билан шуғулланиб, ўзининг «Мақосид ул-фалосифа» китобини ёзди.

Ўз даврининг мартабали шахси сифатида Имом Ғаззолий одамларни динни чуқур биладиган, табиатан иқтидорли – танланган кишиларга ҳамда авом, оммага – динни фақат юзаки биладиган тоифаларга бўлади. Бу борада у шундай ёзади: агар ёнғоқ мевасини олиб қарасак унинг ташқи пўстлоғи ундан кейин каттиқ қобиғи ва марказида ёғли мағизи жойланган. Динда ҳам ибодат амалларини юзаки бажариб юрганлар фақатгина бу дунёда ўз танасинигина душман тиғидан сақлаши мумкин холос, бу ёнғоқнинг ташқи пўстлоғидир, ички қобиқни саволига жавоб излаётган тақводорларга ўхшатади, асл ёғли мағизни эса танланганлар, авлиё ва анбиёлар, ички зиё, завқ – шавқ, зикру-само ва Оллоҳга чексиз муҳаббат орқали интилувчиларга қиёслайди. Уларнинг руҳлари эришган қудрат билан камолот воситасида саодат топадилар, дейди у.

Одамлар ва Худо орасида ўзига хос воситачи сифатида бошқалардан юқори турадиган одам борлиги тўғрисидаги тасаввурлар Қуръонда ва ислом динида секин-аста такомиллашиб борди. Шунга асосан одамлар оддийларга ва махсус - ғайритабиий руҳ ато этилганларга, оммага ва хосларга (элитага) ажратилди.

Мусулмон мистиклари эзотерик таълимотларида энг яхши, хос одамлар ва омма тушунчалари етакчи роль ўйнайди. Бундай ажратишга кўра мистик меъёрлар (Оллоҳга яқинлик даражаси, илоҳий муқаддас матнни у ёки бу тарзда англаш қобилияти, мистик сиру асрордан хабардорлик ёки беҳабарлик даражаси) билгувчи хосларгагина жоиз бўлган, аммо буни оддий авом, омма

уддалай олмайди. Ғаззолий фикрича, пайғамбарлар ва авлиёлар омма томонидан англанилиши, тушунилиши учун улар омма даражасига тушиши ва улар тилида гапириши лозим.³⁴ Унинг асарларида оммавий одоб-ахлоқ ва сабабли художўйликнинг ақлий хадлари, чегараланганлиги кўрсатилиб, кўр-кўрона эътиқод ва ақидалар ғояси инкор этилади. Шунга қарамай, Ғаззолий «фикр уч хил бўлади: оддий халқ фикрига ўхшаш фикр; тўғри йўл излаётган ҳар қандай жавоб кутувчининг илтижоларига мос фикр; ниҳоят инсон ўзигина ва унинг руҳигина биладиган, унинг эътиқодига кўшиладиган кишигагина аён бўладиган фикр, деб ҳисоблайди. Имом Ғаззолий «Ал-Мунқиз мин ад-далол» китобида иккинчи турдаги фикр мутакаллимларга хос, деб ҳисоблайди, «Ал-Кустос ал-Мустақим» китобида эса «диалектиklar»га хос деб эътироф этади».³⁵

Ғаззолий у ёки бу фалсафий тизимларни, ғояларни ўзининг илоҳиётшунослиги қоидаларини ҳимоя қилиш учун, бошқача қилиб айтганда, фалсафани теология хизматкорига айлантириш учун яратган. Олам ибтидосини, Оллоҳ фаолиятини чекловчи сабабийликни, Оллоҳ фаолиятини руҳ, табиат, тасодиф воситасида тушунтирувчи ва шу билан худо фаолиятини чеклаб қўйувчи интеллектуал — файласуфлар (навафлотунчилар, арастучилар)дан фарқли ўлароқ Ғаззолий назариясида Оллоҳ иродаси Худо ва олам муносабатлари қурилмасининг негизи бўлган асосий бўғиндир. Яратувчи Оллоҳ иродаси, қудрати ва яратувчилиги замон ва макон билан чекланмайди. Чексиз ва боқий фақат Оллоҳ, олам эса фоний, яъни абадий эмас.

Ғаззолий пантеизмнинг ҳар икки томонини инкор этиб, олам тажалли (эманация)нинг маҳсули эмас, балки Оллоҳнинг онгли яратувчилик иродаси маҳсулидир ва бу ҳаракат олам яратилгандан сўнг ҳам узлуксиз давом этмоқда, — деб таъкидлайди. Ғаззолий фикрича, ирода ва билиш Оллоҳнинг абадий хусусияти ва улар Ибн Сино ўйлагандек, умумийликдагина эмас, хусусий ҳамда алоҳида воқеликларда ҳам намоён бўлади. Оллоҳнинг иродаси ва онги ўз моҳиятининг бирлигини йўқотмаган ҳолда, барча хусусий воқеаларни қамраб олади.

Ғаззолийнинг Оллоҳ тўғрисидаги теологик таълимоти билан унинг руҳ (дил) тўғрисидаги таълимоти чамбарчас боғлиқ. (Имом Ғаззолий инсон руҳини дил деб кўрсатади). Инсон руҳи ўз моҳиятига кўра барча бошқа яратилганлардан, ҳис қилинадиган оламдан фарқ қилади. Инсон жони руҳий субстанция. Инсон руҳининг олийлари бу – олий ҳақиқатга (Оллоҳга), илоҳий воқеликка жазба, порлоқ зиё воситасида эришиш қобилиятига эга

³⁴ Ислам в истории народов Востока. (сборник статей). – М.: “Наука”, 1981. С. 43.

³⁵ Ислам в истории народов Востока. (сборник статей). – М.: “Наука”, 1981. С. 45.

бўлганларидир. Бу пайғамбарлар, авлиёлар, орифларнинг Оллоҳни тан олган руҳларидир.³⁶ Ғаззолий ўзининг илоҳиёт тизимини мунтазам равишда маънавий фаолият қобилияти билан мувофиқлаштиришга интилган. Лекин барибир Ғаззолийдаги фақат кўр-кўрона эътиқод қилувчи ва дин пешволарига таъзим қилувчи ношуд, саводсиз авомни олий маънавий фаолиятга қарши қўйиб ажратиши назаримизда қуйи табақалар билан ҳукмдор доирадагилар, юқори даражадаги руҳонийлар ўртасидаги зиддиятнинг, айтиб бир вақтда феодал жамиятидаги ижтимоий қарама-қаршилиқнинг диний шаклдаги инъикоси бўлса керак.

Ғаззолий ўзининг барча диний қарашларини ислом эътиқоди билан мувофиқлаштиришга интилган. Уларнинг мағзини Қуръоннинг бирор-бир субъект томонидан яратилмаганлигини ва абадий эканлигини исботлаш ташкил этган. У Тавротни (беш китоб) ҳам, Инжилни (Евангелие) ҳам, Забурни (Псалтир Давида) ҳам - Оллоҳнинг китоблари деб ҳисоблайди. Буюк илоҳиётчи томонидан ислом динининг калом таълимоти охиригача шакллантирилди. Унинг «Тахофут» китоби мусулмонлар томонидан ҳам, насроний теологлари томонидан ҳам эътироф этилди ва Ғарбий Европанинг энг буюк илоҳиётчиси Фома Аквинскийнинг илоҳиётчилик таълимотига жуда катта таъсир кўрсатди. Ғаззолийнинг илоҳиёт таълимоти, ғарчи атоқли файласуф Ибн Рушд томонидан танқид остига олинган бўлса-да, унинг асосий ғоялари укаси Абул Фотиҳ Аҳмад, Мотуридчилар Умар ан-Насафий (1068-1142) ва ат-Тафтазоний (вафоти 1391)лар томонидан давом эттирилди.

Фалсафий асарлари ва қарашлари алломанинг давомчиси машҳур Фахриддин Розий (1149-1209)нинг Қуръонга ёзган шарҳларида ижобий баён этилди. Ғаззолийнинг илоҳиёт таълимоти нафақат ислом мусулмон оламида, балки бутун диний фалсафий сўфийлик оламида чуқур из қолдирган.

Янги фалсафий оқимлар далиллари қаршисида олдинги эски ортодоксал фалсафий, теологик қарашлар ўз мавқеларини тутиб қололмаслигини Ғаззолий биринчилардан бўлиб англаб етган эди. Бу даврда (1090 йилларга яқин) ёрқин иқтидорли ёш илоҳиётчи Имом Ғаззолий, - баъзи тадқиқотчиларнинг ёзишича, араб навафлотунчилари далиллари билан мустақил равишда танишиб, уларнинг қарашларини аниқ-равшан, объектив баённи берди ва унга ўзининг қақшатқич раддиясини ҳам қўшди.³⁷ Ғаззолий Ибн Сино каби илоҳиётни физика билан солиштирди. Теологиянинг физика ва метафизика билан яқинлаштирилиши аста-секин лотин тилида теологик асарларнинг янги хилларини пайдо бўлишига олиб келди. Бу жараён Фома Аквинский фалсафасида ўз мақомига етди.

³⁶ Кньш А.Д. Мусульманский мистицизм. – М.: Диля, 2004. С. 166.

³⁷ Монтгомери Уотт. Влияние ислама на средневековую Европу. – М.: “Наука”, 1976. С.64.

Имом Ғаззолийдан кейин теолог илоҳиётчилар Арасту мантиғини ўз услубиётларининг асоси сифатида қабул қилдилар, аммо юнон фанларининг жорий қилиниши ва таъсири вақт ўтган сари сусайиб бораётган эди.

Имом Ғаззолий фалсафий тизимининг Ғарб, айниқса, Испания фалсафий тафаккури ривожига таъсири жуда салмоқли бўлди.

Имом Ғаззолийнинг асосан Ал-Форобий ва Ибн Сино таълимотларига қарши йўналтирилган «Тахофутул фалосифа» китоби унинг замондошлари мутакаллимлар, сўфийлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Лекин бу китоб файласуфлар томонидан қораланди. Биринчи навбатда уни Ғарбий-арабий файласуф, Ўрта асрларда Европада Аверроэс номи билан машҳур бўлган Ибн Рушд (1126-1199) кескин танқид қилиб чиқди. У (Ибн Рушд) ал-Киндий, ал-Форобий, Ибн Синоларнинг фалсафий таълимотлари тарафдори эди. Ғаззолий китобига жавоб тариқасида ўзининг «Тахофут ат-тахофут» (ихтилофда-ихтилоф) рисоласини ёзди. Ғаззолийнинг «Тахофут» китоби мусулмон ва насроний илоҳиётчилари томонидан маъқулланган эди. Ибн Рушднинг асари эса бунинг акси бўлиб, ҳар икки томон илоҳиётчилари томонидан қораланди. Юқорида айтиб ўтганимиздек Имом Ғаззолий қарашлари Фома Аквинский ва бошқа Ғарбий Европа сўластикасининг буюк намояндаларининг диний-фалсафий тафаккурига катта таъсир кўрсатгани тан олинган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ғаззолийдан кейин каломнинг шаклланиши асосан яқунланди.³⁸ Албатта, бу фикр Имом Ғаззолийга нисбатан билдирилган эътироф ва ҳурматдир.

Имом Ғаззолий

- Уни (Оллоҳни) инсоннинг ўзи билишга қодир эмас. Яратганни фақат Унинг ўзининг ёрдами билангина билиш мумкин.
- Ҳой, сен, ўзингни англаб етолмаган, қандай қилиб Оллоҳни билишинг мумкин?
- Ақл қалбни сиқиб қўймайди, у ҳеч қачон ҳасад қилмайди ва кибрланмайди.
- Жуда кўп ҳолларда куч-қудрат адолат ва хавфсизликдан йироқдир, ким кўп зулмкор бўлса, ҳокимият ҳам унга тегишли бўлади.
- Ҳар ким тананинг бир қисминигина кўриб бутун тана ҳақида адашмасдан ҳукм чиқара олмайди. Сўқир одам илмни эгаллай олмаганидек, ҳеч ким бутун борлиқ ҳақида била олмайди. Нотўғри

³⁸ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в XII-XV веках. – Л.: ЛГУ, 1966. С.325.

таасуротлар ҳаммани қул қилди ва одамлар Оллоҳни билиш ҳақида тушунчага эга эмаслар, бу ҳақда, хаттоки, илоҳиёт олимлари ҳам билмайдилар.

- Шубҳа – ҳақиқат сари йўл. Шубҳаланмаган – кўрмайди, кўрмаган – тушунмайди, тушунмаган киши кўрлигича адашиб юраверади.
- Ҳар бир гўдак илк софлиги ҳолатида оламга келади, фақат кейин ота-оналар уни ё яҳудий, ё деҳқон, ё сеҳргар қиладилар. Қасос ёмон кўришнинг натижасидир. Ёмон кўриш – ғазабнинг натижаси, демак, у ғазабнинг шохлари, у эса, ёмон кўриш томирининг илдизидир.
- Сен шифо ва покланишни ақл, руҳият ва танангдан сўрайсан. Агар, У (Оллоҳ) мадад бермаса, шифо бахтсизликка айланади.
- Тавба – куйидаги учта ҳолатдан: билимдан, ҳолатдан ва амалдан ташкил топган маъноларни ўзида акс эттиради. Билим – биринчи, ҳолат – иккинчи, амал – учинчи. Биринчи иккинчини тақозо этади. Иккинчи эса, учинчини тақозо этади.
- Ғазаб ва шаҳват – ҳайвоний жиҳат, билим ва донишмандлик эса, инсондаги файзи – барокадир.

Ислом уламолари ал-Ғаззолий ҳақида

- Ҳақ йўлига кирганларнинг мутлақ Имоми, кўпчиликнинг фикри билан умманинг раббонийи, ўз даврининг мужтаҳиди, доврўғи жаҳонга кетган, унинг обрўси тақводорлар ичида кенг тарқалган, турли тариқатлар уни ёқлашди, ҳурмат қилишди, буюклигини тан олишди, унинг танқидчилари кўркишди, эътироз билдирганлар унинг исботлари олдида бош эгарди, у суннани ҳимоя қилиб чиқди ва динни ғолиб қилди, унинг асарлари олам бўйлаб мисли қуёш гўзаллиги ва буюклиги каби нур таратиб кезади. Унинг улуғлиги ва мукамаллигига барча гувоҳлик берди. – Ас-Субки, “Табокату ш-Шофеъийа ал-кубра”, Т.6, 216-бет.

(Ибн ан-Нажар ал Бағдодий)

- Ал-Ғаззолий чексиз уммон.

(Абу Маали ал-Жувайний)

- Ал-Ғаззолий – у иккинчи аш-Шофеъий –Ас-Субки, “ат-Табокат”, Т.6, 196-бет.

(Муҳаммад ибн Яҳё ан-Найсабури)

- Мен ал-Ғаззолийни Боғдодда кўрганман. Унинг дарсларига 400та буюк одамлар келар ва булар ичидан энг обрўлилари ундан илм олишарди. – Ибн Имад ал-Ҳанбали “Шазарат аз-заҳаб”, Т.4, 13-бет.

(Абу Бакр ибн ал-Арабий)

- Агар сиз Оллоҳга илтижо қилмоқчи бўлсангиз, унда Имом Абу Ҳомид ал-Ғаззолий орқали тавассуль қилинг. – Ибн Отаиллоҳ, “Латоифул минан”, 97-бет.

(Абул Ҳасан аш-Шазалий)

- У буюк Имом бўлганлигига биз ҳақиқатдан ҳам гувоҳлик берамиз. – Ибн Отаиллоҳ, “Латоифул минан”, 97-бет.

(Абул –Аббос ал-Мурси)

- Ал-Ғаззолий шайх, Имом, билим уммони, исломнинг исботи, ўз даврининг ноёби, диннинг зийнати. Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ат-Тусий аш-Шофеъий ал-Ғаззолий кўп асарлар муаллифи, жуда зехни ўткир. Бошида ўз шаҳрида ислом фикҳини ўрганган, кейин Найсабурга кўчиб ўтиб талабалар доирасида бўлган, Имом ал-Ҳорамайн кўлида ўқиган ва ислом фикҳини қисқа вақт ичида эгаллаб олиб, нутқи равон, чиройли ва илмда тортишувчан эди. –“Сиъар аълам ан-нубала”, Т.9, 323-бет.

(Аз-Заҳобий)

- У кўп фанларни билган, унинг кенг тарқалган турли-хил фанлардан асарлари бор, у нима ҳақида мулоҳаза юритган бўлса, ўша илмларни чуқур билган ақли ўткир олим эди. – “ал-Бидая ва ан-нихая”. 12/214.

(Ибн Касир)

- Имом Ғаззолий номи билан қалблар очиладиган, руҳият жонланади, унинг номини ёзган сиёҳдонлар гердаяди ва қоғозлар титрайди, унинг номини эшитиб овозлар пасаяди ва бошлар эгилади, барча уни тан олди, ҳаттоки танқидчилари ҳам. “Шазират аз-заҳаб”, Т.4, 11,12-бет.

(Ибн Имад ал-Ҳанбали)

- Катта Имом, Исломнинг исботи, диннинг сарбони, у орқали жаннатга етиб борилади, у ўзида турли фанларни мужассамлаган. Ўз билимларини калом, усул, мантиқ ва ҳоказоларда намоён қилди. – “Табакату ш-Шофеъийа ал-кубра”, Т.6, 191-бет.

(Тожуддин Абдул-Ваҳҳоб ас-Субки)

- Имом, эътиқод чиройи, исломнинг исботи, Абу Ҳомид забардаст олимлардан бири. У ўз асарларига буюк ақл ва фан равнақини жойлади. Яна қандай фикрлар бўлиши мумкин бундай одамлар ҳақида. –“Шазират аз-заҳаб”, том 4, 10-бет.

(Ибн Имад ал-Ҳанбалий)

- Ривоят қиладиларки, Пайғамбар (С.А.В.) айтибдурлар: “Ҳақиқатдан ҳам Оллоҳ таоло шу уммага ҳар юз йилнинг бошида дин ишларини У учун тиклаб турувчини юборади” ва V асрда (ҳижрий) шундай одам Имом Абу Ҳомид ал-Ғаззолий бўлган, Оллоҳ ундан рози бўлсин. – “Таҳзибул-Осмаи валь-Луғат”.

(Яхё ибн Шараф ан-Набави)

- Мен Шайх, Имом Абул Ҳасанни эшитдим, Али бин Муслим бин Муҳаммад бин Али ал-Фатҳ бин Али ас-Саломи Дамашқда ўз курсисидан ўтириб айтган: Аби Алкаматдан динни тиклаб турувчилар ҳақида ҳадис айтиб берди ва деди: “Умар бин Абдул Азиз 1-юз йилликда динни тикловчиси, 2-юз йиллик бошида Муҳаммад бин Идрис аш-Шофеъий, 3-юз йиллик бошида ал-Ашъарий, 4-юз йиллик бошида Ибн ал-Боқилоний, 5-юз йиллик бошида эса Амирул Мўмин Ал-Мустаршидий Биллоҳи. Аммо, менинг фикримча 5-юз йилликда динни тикловчи бу Абу Ҳомид ал-Ғаззолий ат-Тусийдир. Чунки у шундай олим эдики айтганлари қилган ишларига мос тушар эди. Яна у мукаммал муаллиф, фақих, мутафаккир, ноёб усул эгаси ҳам эди. Унинг билими ҳақида шов-шувлар ернинг ҳар бир бурчагига тарқалди. У Хуросон, Сурия ва Ироқдаги ўз замондошларидан ўзиб кетди.

(Тобийн Қобизил Муфтари)

Такрорлаш учун саволлар:

- 1. Имом Ғаззолийнинг фалсафий тизими қандай эди?*
- 2. Имом Ғаззолий арастуҷи, навофлотунчи файласуфларни қайси 3та масала бўйича қаттиқ қоралайди ва улар кимлар эди?*
- 3. Ғаззолийнинг пантеистик тасаввуфга муносабати қандай эди?*
- 4. Ғаззолий тасаввуфий таълимотида илоҳий йўл босқичларини санаб, изоҳлаб беринг?*

5. Ғаззолий таълимотида ақл ва ҳис – туйғу, эмоциянинг омуҳталигини қандай изоҳлайсиз?

6. Ғаззолийнинг йирик асари “Ихё улум ад-дин” қайси масалаларга бағишланган?

7. Ғаззолий фикрни неча хилга бўлади ва улар кимларга тегишли деб билади?

8. Ғаззолийнинг сабабийлик концепсияси ҳамда шубҳа ҳақидаги таълимотлари ҳақида гапиринг?

9. Ғаззолий фалсафий тизимининг Европа “Реннесанс”ига таъсири ва Шарқу–Ғарб етук олимларининг унинг илоҳиёт таълимотига муносабати ҳақида нималарни биласиз?

10. Исломуламулар Имом ал-Ғаззолий жаноблари ҳақида қандай фикрлар билдиришган?

III боб. Имом Ғаззолий “Кимиёи саодат туркий” учинчи рукнидан

(Қуйида Имом Ғаззолийнинг “Кимиёи саодат” асарининг Маҳкам Маҳмуд таржимасидан фойдаланилган ҳолда, учинчи рукнидан бир қисми ҳавола этилади).

Муҳликот

(Инсон руҳини ҳалок этувчи иллатлар)

Одамларнинг аксарида миллат равнақиға ва шахс камолотиға тўсқинлик қилувчи ёмон хислат ва одатлар борки, дин ва охират йўлида зарар, азоб-укубат келтиривчидир.

Бас, кимки бу иллатларни енгиб ўтибдур, таҳорати ботинни (қалб мусаффолигини) ҳосил қилгани ва ахлоқи замималардан (ярамас хулқлардан) халос бўлганидир. Дил каъбасини иймон ва ирфон шойисталигига ораста қилганидир. Дил соф бўлса, маърифат ва тавҳид, таваккул ва мундин ўзга ҳам яхши фазилатларға эришиш мумкин.

Аввалги фасл

Яхши хулқнинг фазилати ва савоби баёнида

Билгилки, Ҳақ субҳонаҳу таоло Муҳаммад (С.А.В.)ни: “Сенга, албатта, юксак хулқ ато қилганмиз”, дея (“Қалам”, 4-оят) яхши хулқ бирла сийлабдур. Расул алайҳиссалом айтибдурлар: “Ҳақ таоло мени бу оламға яхши хулқни

камоли ва тамомига еткурмоқ учун юборибдур”. Ва яна айтибдурлар: “Охиратда тарозуи аъмолга солиб, ҳисоби сўраладиган яхши амалларнинг яхшироғи хуш хулқдир”. Бир киши расул алайҳиссаломдан сўради: “Ҳамма амалларнинг яхшироғи қайсидир?” Айтдиларки: “Яхши хулқдир”. Сўради: “Ё расулуллоҳ, менга насиҳат қилгайсиз”. Айтдиларки: “Ҳар ерда бўлсанг, Ҳақ таоло бирла бўлгил ва ҳар гуноҳ ишдан кейин яхши амал қилгилки, у ёмонликни йўқ қилур. Халқ орасида бўлсанг, хушхулқ бирла бўлгил”.

Расул алайҳиссалом айтибдурлар: “Кимгаки Ҳақ таоло яхши, чиройли хулқ берибдур, чиройни, иссиқликни ҳам ул кишига ато қилибдур, ҳаргиз ул кишини оташи дўзах бирла азобламас”.

Расулуллоҳга айтдиларки: “Фалон хотин кундузи рўза тутар ва кечалари намоз ўқир ва лекин хулқи ёмон, тили аччиқдир, қўшниларга, эрига ёмон тили бирла озор берадир”. Онҳазрат (С.А.В.) айтдилар: “Ул хотиннинг жойи дўзахдир”.

Набий (С.А.В.) айтибдурлар: “Ёмон хулқ яхши амални андоқ бузарким, гўё озгина сирка бир челак асални нобуд қилгандай”. Расулуллоҳ дуо вақтида айтур эдилар: “Эй бори Худоё, менга яхши хулқ ато қилибсан, хилқатимни ҳам яхши қилгил, сотиҳ ва офият (яъни тинч-омонлик) ва хушфёъллик ато қилгил”. Яна айтибдирлар: “Ёмон хулқ амали хайрни бир гала бўри қўйларни тўзғитганидай табоҳ (вайрон, йўқ) қилур”.

Яна айтдилар: “Яхши хулқ офтоб музни эритгандай гуноҳни йўқ қилур”.

Абдурахмон бинн Самурра (р.а.) айтибдурлар: “Бир куни пайғамбар ёнида эдим: “Тунов куни воқеан ажаб (туш) кўрдумки, умматимдан бир киши юкиниб (таъзим юзасидан эгилиб, тиз чўкиб) ўтирибдур. Ани Ҳақ таоло сари етмагига орада бир хижоб (парда) қолибдур. Эрса, ул вақтда бу кишига яхши хулқ келди. Яхши хулқ туфайли ўртадан парда кўтарилиб, ани Худо таолога еткурди”, дедилар.

Расулуллоҳ (С.А.В.) айтибдурлар: “Яхши хулқ бирла одам кундузи рўза тутган ва кечаси намоз ўқиганнинг савобини топар. Бас, хушфёълликнинг камоли расули алайҳиссаломда эди. Бир куни кофирлар расули алайҳиссалом ҳузурларига кириб, бонг (қичқирик, хайқирик) билан ғалва қилдилар. Бу аснода ҳазрати Умар (р.а.) кириб келдилар. Эрса, кофирлар қочиб чикди. Ҳазрати Умар айтдилар: “Эй душманлар, мендин кўрқасизлар-у, расули Худодин кўрқмасмисизлар?!” Кофирлар айтди: “Умар, сиз тундирсиз (шиддатли, ғазабли) шунинг учун кўрқармиз”. Ҳазрати расул алайҳиссалом айтдиларки: “Ё Ибнул Хаттоб, қасам қилурман, ул Худонинг исми биланким, жоним унинг тахти тасарруфидадир. Агар шайтон сени бу йўлда кўрса, хайбатингдан ул йўлдан қочиб, яна бир бошқа йўлга кирар”.

Фузайл Иёз раҳматуллоҳ, айтур: “Хушфеъл фосиқ бирла ҳамсухбат бўлмоқни бадхўй обид бирла ҳамсухбат бўлмақдан афзал кўрарман”. Ибн ал-Муборак раҳматуллоҳ бир бадфеъл бирла ҳамроҳ бўлди. Вақтики, анинг бирла хайрлашди, бисёр йиғлади.

Сўрадиларки: “Не учун йиғлайсан?” Ибн ал-Муборак айтдики: “Ул бечора мендин айрилди, аммо ёмон феъли анинг бирла бордирки, энди на ҳоли кечкусидир”. Абу Бакр Даттон раҳматуллоҳи алайҳ айтур: “Сўфийлик яхши хулқ, кимки сендан хушфеълроқдир, ани сўфий билгил”.

Яхё ибн Муоз раҳматуллоҳ айтур: Ёмон феъл андоғ гуноҳдурки, анинг бирла ҳеч тоат-ибодат фойда бермас. Яхши феъл андоғ тоатдурки, анинг бирла ҳеч гуноҳ зиён етказа олмас”.

Яхши хулқ ҳақиқати

Яхши хулқ ҳақиқатида ихтилоф бисёрдир. Ҳар қайсилари ўз тажрибаларини айтибдурлар. Чунончи, баъзилар кушодарўйлик (очик чеҳра, кулиб боқиш), дебдурлар. Ва баъзилар, халқдан етган ранж ва аламни кўтариш, дебдурлар. Баъзилар одамлардан дард ва алам кўрса-да, халққа яхшилик қилмоқ дебдурлар. Бас, бу яхши сифатлар яхши хулқнинг илдизи ва шохларидур.

Яхши хулқ ҳақиқатини ҳадди бирла баён қилурман. Билгилки, одам икки нарсадан яралибдур: бири зоҳир баданки, ани зоҳирий кўз бирла кўргали бўлур. Яна бири руҳки, ани дил кўзидин ўзга нима бирла кўргали бўлмас. Бу иккидин ҳар бирининг гўзаллиги ва хунуқлиги бордур. Бири зоҳир бадан гўзаллиги. Чунончи, кишининг кўзи ва оғзи ва ё бурни, тўрт аъзонинг ҳар бири хўб ва андозасида бўлса, ул кишини хўбсурат – чиройли, дерлар. Мунга ўхшаш, кишининг ташқи қиёфаси билан ички дунёси бир-бирига мувофиқ чиройли бўлмагунча, баркамол инсон, деб бўлмайди.

Қуввати илм ва қуввати ғазаб ва қуввати шаҳват ва қуввати адл, бу тўртни андозасида тутмоқ керак.

Аммо қуввати илм дониш ва зийракликдан иборатдурки, инсон ул сифат хосияти бирла ростни ёлғондан ва ҳақни ботилдан фарқ қилур. Вақтики, одамга бу сифати комил ҳосил бўлса, ҳикмат пайдо бўлурким, ҳамма саодатларнинг бошланишидур. Чунончи, Ҳақ таоло ёрлақар: “Кимки, илми ҳикмат зилолидан сероб қилинибдур, бас, анга хайр ва саодат ато қилинибдур”. (“Бақара”, 269-оят)

Ғазаб қуввати меъёрида бўлгани улки, яхши ният билан иш қилғай. Барча ишларида, ўтириб-туришда шариат амрига бўйсунгай. Қуввати шаҳватнинг яхшиси улдирки, саркаш (ўжар) бўлмагай ва шариат фармонида ақлга тобе бўлгай.

Қуввати адлнинг яхшилиғи улки, ғазаб ва шаҳватни забт қилиб, дин ва ақл тасарруфида тутгай. Бас, ғазабнинг мисоли сор (лочин) бирла ов қилгувчига ўхшашдур. Шаҳват мисоли ит билан қилинадиган овга ўхшашдур ва ақлнинг мисоли от миниб шикор қилгувчига монанддирки, от гоҳи саркаш ва гоҳи фармонбардор бўлур. Бургут ҳам гоҳи ром, гоҳ қочувчи бўлур. Чунончи, бургут бадфеъллигидан гоҳи хожасини чўқийди. От саркашлигидан эгасини ерга йикитади.

Адл маъноси булдурки, бу икковини (бургут ва отни) ақл ва дин итоатида тутгай. Токи анинг шарру шурини паст қилгай.

Вақтики, бу тўрт сифат ўз эътидолида (мўътадил) бўлса, инсон чинакам хушфеълдир. Демак, ул кишига ғазаб ва шаҳват мусаллам (бўйсунувчи)дир. Агар бу тўрт сифатнинг баъзиси хўб ва баъзиси ёмон бўлса, чин хушфеъл деб бўлмас. Билгилки, бу сифатлар агар хунук бўлса, андин ёмон қилиқлар ва ёмон феъллар пайдо бўлур. Аммо қуввати илм камолда бўлса, одамий ёмон ишларни қилмас ва зийраклик ҳосил бўлур. Агар илм ноқис (чаласавод) бўлса, одамда аблахлик ва ахмоқлик пайдо бўлур. Агар мўътадил бўлса, хушрўйлик ва сохиби фаросатлик ҳосил бўлур.

Аммо қуввати ғазаб ҳаддидин зиёда бўлса, ани тахаввур (қизишиб кетиш, ховлиқиш), дерлар. Агар ғазаби йўқ бўлса, ани ожиз ва беҳамият дерлар ва агар ғазаб қувваи мўътадил бўлса (кам ва зиёда бўлмаса), ани шижоат дерларким, шижоатдан қарам ва баландхимматлик ва баходирлик ва хилмлик ва бурдборлик, яъни кишининг оғирини кўтармок ва аччиғини ютмоқлик ва мунга ўхшаш авсофи ҳамидалар (мақтовли сифатлар) пайдо бўлур. Ховлиқиш - тахаввурдан лоф айтмоқ ва худбинликдан кибру хаво, макр-фириб ва ўзини хатарли ишларга ташлаш ва мунга ўхшаш авсофи замималар (ёмон сифатлар) пайдо бўлур. Агар қуввати ғазаб ноқис бўлса, одамда хорлик ва бечоралик пайдо бўлур.

Аммо қуввати шаҳват ҳаддан зиёда бўлса, уни олчоқ атарлар. Шаҳватдан шўхлик, зинокорлик, бемурувватлик ва нопоклик келиб чиқади. Агар шаҳват ноқис (заиф) бўлса, одамда сустлик, номардлик ва беҳамиятлик пайдо бўлур. Агар мўътадил бўлса, ани ифбат атарларки, одамда шарм ва жавонмардлик, сабр ва қаноат, мувофиқат пайдо бўлур. Бас, бу сифатларнинг ҳар бири икки тарафли: иккала тарафи ёмондур. Ва ўртача холи хўб ва мақтовлидур. Чунончи, Ҳақ таоло ҳар сифатда ўрта холда бўлмоқ гўзаллигидан хабар берибдур: “Ва ул қавмлар қачон хайру эҳсон қилсалар, исроф ҳам, зикналик ҳам қилмаслар. Ўртача - мўътадил йўлни тутарлар”. (“Фурқон”, 67-оят)

Бу сифатларнинг ҳаммасини мўътадил, меъёрида тутган одам баркамол ва хушхулқ бўлади.

Билгилки, халойиқ тўрт гурухдир.

Аввалги гурух улки, бу сифатлар ул кишида камоли эътидолида бўлмай. Бас, бу кишига ҳамманинг иқтидо қилмоғи вожибдир. Чунончи, ҳазрати расул алайҳиссаломда авсофи ҳамида - мақтовли сифатлар камол эътидолида жам эрди.

Иккинчи гурух, улки, бу сифатлар ул кишида бағоят хунук бўлур. Бас, бу киши бадхўйи мутлақдирким, ани халқ орасидан қувлаб чиқармоқ вожибдир, бу киши шайтон сифатидадир. Бас, шайтоннинг хунук ва палидлиги, ахлоқи замимаси ёмон хулқи жихатидандир.

Учинчи гурух улки, бу икки даражанинг ўртасида бўлур ва лекин хўбликда, хушфёлликка яқин бўлур.

Тўртинчи гурух ўрта ҳол бўлур ва лекин хунуқликка яқинроқдир. Бас, кишига лозимдирки, яхшиликка жаҳд қилмай. Агарчи камол мартабасига етмаса ҳам, даражаи камолга яқин бўлмай. Агар инсон ҳамма фёллари хўб қилолмаса, баъзиси ва балки кўпроғи яхши бўлишига саъй-ҳаракат қилмай. Бас, хушхулқлик маъносининг ҳаммаси ушбудурки, баён қилдим ва лекин анинг асли бу тўрт қувватдурким, қуввати илм, қуввати ғазаб, қуввати шаҳват ва қуввати адл. Мундан ўзгаси шуларнинг натижаси ва шохларидир.

ФАСЛ

Хушфёллиқ қандай ҳосил қилинади?

Билгилки, бир гурух одамлар айтибдурлар, андоғки, зохирий қиёфани ўзгартириб бўлмас. Чунончи, узунни қисқа ёки қисқани узун ва хушрўйни хунук, хунуқни хушрўй қилиб бўлмас. Мунга ўхшаш, ботиний хулқни ҳам гўзал қилиш мумкин эмас, дебдурлар. Бас, бу сўзлари хатодурки, агар рост бўлса, адаб ўрганмақ ва риёзат тортмақ ва панду насихат қилмақ ва яхши ишларни васият қилмақ - ҳаммаси ботил, кераксиз бўлур эрди.

Ҳазрати расул алайҳиссалом айтибдурлар: “Ўзингизни хушфёллиқ бирла ораста қилинг”. Бас, ёввойи, қайсар хайвонларни мулойим, одобли қилиш мумкин-у, ўжар, дағал инсонларни яхши хулқли, одобли қилиш мумкин эмасми?

Зохирий қиёфа бошқа, ботиний-руҳий ҳолат бошқадир. Ғазаб ва шаҳватни риёзат, тарбия бирла эътидол ҳаддида, меъёрида тутмоқ мумкинлиги тажриба бирла маълумдир.

Халойиқ бу сифатларда тўрт даражадур:

Аввалги даража - соф қалбли, хулқи яхши ҳам, ёмон ҳам эмас. Бундайларни тез ислох қилса бўлур. Бундайларга ахлоқи ҳамидани ўргатиб, ёмон сифатларни маън қилса, бу тўрт сифат эътидолида бўлур. Ҳамма гўдақлар тугилганда, ибтидоий фитратда бу мартабададирлар. Ва лекин ота-

оналари дунёга ҳирс кўйгани учун бу саодатдан махрум кўярким, ота-онаси зоминдир. Чунончи, Ҳақ таоло хабар берур: “Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ўтинлари одамлар ва тошлардан бўлган дўзах ўтидан сақлангиз”. (“Тахрим”, б-оят)

Иккинчи даража улки, ёмон эътиқод кўнгилда барқарор бўлмагай. Аммо шаҳват за ғазабга асир, мубтало бўлгай. Ва лекин ўз феълининг ёмонлигига иқрор бўлгай. Бу нав кишини салоҳга келмаги икки ишга боғлиқ. Бири - хўйи фасод, ёмон хулқни йўқотгай. Яна бири тухми салоҳни, яъни яхшилик уруғини дили мазраъи даласига экиб, қалбига салоҳиятни жойласа, мақсадга мувофиқ бўлгуси, фасод, яъни ярамас одатни ботинидан мутлақо чиқариб ташлаши мумкин.

Учинчи даража улки, агар гуноҳ ишларга ва ёқимсиз одатларга ружуъ қилган бўлса ва бу одатларнинг ёмонлигини билса ҳам, лекин шу ишларни яхши кўрса, бундай ярамас хулқни тузатиш қийиндир.

Тўртинчи даража улки, баъзилар (ўзларининг) фисқу фасодларига фахр қилур. Чунончи айтурким, мунча кишини ўлдирдим ва мунча кишига шароб ичирдим. Бас, бу нав киши салоҳ топмас.

ФАСЛ

Ёмон хулқдан халос бўлмоқ иложида

Билгилки, ҳар ёмон феълки, агар нафсинг ёмонликни хоҳласа, унинг тескарисини қилгайсен, шундан ўзга ҳеч иложи йўқтур. Чунончи, ул касалки, иссиғликдан бўлса, то совуқлик дору етмагунча сихат топмас. Бас, ёмон феъл, одат ғазабнинг сабабидан пайдо бўлса, анинг иложи сабр-бардош, яъни бировларнинг оғирини (ёмон сўз ва қилиқларини) кўтармоқдир. Агар такаббурдин пайдо бўлса, анинг иложи тавозеъли (камтарин) бўлмоқдир. **Камтаринлик ҳар нечук ёмон феъл, ёмон хулқни зойил (йўқ) қилур.**

Билгилки, мусулмонликдан мақсад зохир ва ботинни шарият бирла ораста айлаб, дилда барқарор бўлган ёмон қилиқ ва ёмон хулқни йўқ қилиб, ахлоқи ҳамида (мақташга лойиқ яхши хулқ) ҳосил қилмоқ бирла саодати абадийга уланмоқдир.

Бас, инсон ҳар ишни тафаккур бирла лозим тутса, анга ул иш феъл ва одат бўлурки, одамзотнинг ишлари кўпинча одатга ботикдир. Масалан, бир одам шатранж ё қимор ўйнамокни одат қилса, дунёнинг ҳамма роҳати шунда, деб ўйлар.

Гўзал хулқ ва ёқимли сифатлар ҳосил қилиш савобдир. Ахлоқи ҳамида (гўзал хулқ) ҳосил қилмоққа уч сабаб бордур: **аввалги сабаб** фитратдирким, Оллоҳ таоло асл хилқатда инсонни хушфеъл ва мутавозеъ (камтарин) халқ қилибдир. Хушфеъллик азалийдир. Иккинчи сабаб улки, афъоли ҳамидани

такаллуф бирла (яхши уриниб) ўзига лозим тутгай. Токи анга одат бўлгай. Ва ё неку хисол (яхши хислатли) ва гўзал хулқли одамларнинг суҳбатида бўлмоқни лозим тутгайки, уларнинг суҳбати баракотидан яхши сифатлари бу киши кўнглига таъсир қилур, даражаи камолга етар. Инсон агар асли фитратда ноқисдир, бу саодатдан маҳрумдирки, ёмонлар суҳбатидан қабих феълларни одат қилиб, шақоват даражасини камолига еткургай.

ФАСЛ

Дил ва жисм (Вужуд ва рух)

Билгилки, агарчи зохирий ибодат зохир аъзодан содир бўлур ва лекин ибодатдан мақсуд дил ойнаи жахонига сайқал беришдир, токи баркамол сифатлар эгаси ҳазрати Вожиб таолонинг сифатларидан ўргангай. ***Билгилки, дил фаришта хилқати жинсидан ва тан зоҳири олам жумласидандир.*** Аммо агарчи дил ва тан бошқа бўлса-да, лекин иккови орасида муносабат тамом бордир. Яхши амалки, дилда вужудга келур, бас, унинг нури дилда пайдо бўлурким, ул нур саодати абадийнинг тухми ва моясидир. Ёмон, хунук амал зохир бадандан пайдо бўлур, ул зулмат шаҳовати азалийнинг тухми ва моясидирки, инсон зохирина (вужудини) такаллуф бирла яхши амалга машғул қилса, ботини ҳам гўзал ахлоқ бирла ораста бўлгусидир, Андин кейин дилнинг нури зохир баданда товланур. Токи савобли, хайрли ишларни қилишга хавас пайдо бўлгай.

ФАСЛ

Шаръи шарифнинг фойдаси

Билгилки, агар касал совуқлик бўлса, иссиқлик доруни ҳаддин зиёда емагайки, яна бир касалга йўлиқур. Бас, дору емакдин мақсад мизожни эътидолига келтурмақдирки, доруни меъёрида емак бирла мизож эътидолига келур. Аносири арбаъ (тўрт унсур) бир-бирига мухталиф бўлганга ўхшаш, тўрт сифати ботиний ҳам бир-бирига мухталифдирки, бу сифатларни ўз хоҳишидан маън қилиб, эътидолга келтиргай. Масалан, (устозлар) бахилни сахий қилмоқни лозим тутса, мол бермоққа буюрурлар ва лекин меъёри бирла бермақни буюргай. Андоғки, касалга илож қилмоқнинг иложи ва тарозуси тиб илмидадир.

Бас, бу тўрт сифатни эътидолига келтирмоқнинг тарозуси илми шариадурки, шаръи шарифнинг буюрганини бермак (хайр-эхсонда) осон ва энгилдир. Агар одам шаръи Шарифнинг буюрганини хайр-эхсон қилишни ўрганса, оҳиста-оҳиста бу иш унга яхши одат бўлур. Балки, яхши хулқ камоли улдурки, ихтиёр жilовини шаръи шарифнинг қўлига бергай. Токи бажариш осон ва ёмон сифатлари яксон бўлур.

Билгилки, одамийлик саодати фаришталар сифати бирла дилни безатишидир, одамзот асли фаришталар гуруҳидандир. Дил, кўнгил бу оламда ҳам фаришталар сифатини севиб ҳосил қилгайки, фаришталар Ҳақ таолонинг ишқ-мухаббатидин ўзга ҳеч нимарсага майл ва илтифот қилмаслар.

Бас, комил инсон имкони бўлса, кўнгилни дунёдан узиш ва дунё аҳлидан четланиш бирла поклик ва фаришталик сифатларини ҳосил қилгай. Баъзи дунёликдан ҳам кўнгил узмак мумкин бўлмас. Эътидолида тутгайки, ҳамма риёзат ва мужоҳадотдан мақсуд мартабаи тавҳидга етмакдир. Ҳақ таоло (ёдидан) ўзга нимарсани (ғамларни) ойнай дилдан йўқотгай.

Яхши инсон фақат Ҳақ таоло буюрган яхши ишларни кўришни ва эшитишни истайди. Инсон бу мартабага етса, яхши хулқи камолига етганидир. Балки, башарият оламидан ўтиб, ҳақиқати Ҳаққа восил бўлганидир.

ФАСЛ

Нафсни айблардан халос қилмоқ ва дилни покламоқ

Билгилки, риёзат - машаққатга чидамоқ қийиндир, ё тилаган матлуби талабида жон бермоқ ва ё лутфу эҳсон бирла жон топмакдир. Ва лекин пири комил топган бўлса, халол, пок яшаш йўлини билса, мушкулни осон қилар. Устоз, пир шогирдини аввал ҳолда тарбия қилгайки, енгилроқ риёзатни лозим тутгай.

Устоз шогирдларга ҳақорат назари бирла боқмагай. Ва риё бирла ҳеч ишни қилмагай. Вақтики, бу ишларни бажо келтирса, шогирд кўнглида кибр ва ғурур пайдо бўлур. Бас, устоз муриднинг ғурурини бу тариқа даф қилгайки, ул муридни бозорда гадолиғ қилмоққа буюргай. Бу тарифа даражама-даража хабардор бўлиб, тарбия қилмоқ бирла шогирдини камолга еткургай. Бас, яхши от чиқармоқ учун риё (мунофиқлик) бирла қилган ибодат ва риёзат учун гўрида илон ва чаён бўлур. Риёнинг мисоли аждахога ўхшашдирки, ҳамма фазилатларни ютиб нобуд қилур. Ушбудир муқаддамлар насихати ва сиддиқлар сифати.

Билгилки, Ҳақ таоло банданинг аъзоларидан ҳар узвини бир хизмат учун пайдо қилибдур. Шу жумладан, руҳ ва дилни Ҳақ таоло зоти ва сифатини севиб, мухаббатга тахт ва қароргоҳ бўлмоғи учун бино қилганидир. *Ҳақ таоло руҳ ва дилда ирода ва қудратни ҳосил қилибдур.* Бўлгайки, банда ҳамма ирода ва қудратини Ҳақ субҳонаҳу ва таоло даргоҳига мутаважжих қилгай. Андоғким, ҳеч нимарсани Ҳақ таоло дўстлигига алишмагайки, Ҳақ таоло маърифати дилнинг ғизосидир, таом баданнинг ғизоси бўлганга ўхшаш. Агар одам таомнинг мазасини билмай қолса, касал бўлибди деб, ҳукм қилурмиз. Мунга ўхшаш ул дилки, Ҳақ таолонинг ёдидан ғофилдир, саҳт

(қуриган) ва бемордир. Аммо иймон, виждон қудрати бўлса, Ҳақ субҳонаху ва таолонинг фармони хамма ишдан аъло билиб, рағбат бирла қабул қилгай. Бас, бу икки сифатда ўзида заифлик ва қоҳилликни мушоҳада қилса, анинг иложига машғул бўлгай.

Бас, инсон қудратини **тўрт тариқа** (йўл) бирла билгали бўлур.

Аввал улки, пири комил хизматида бўлгай. То бошлиқнинг айбларини кўриб айтгай. Бу замонда бу нав азизлар ғариб ва ноёбдир.

Иккинчи тариқа мушфиқ дўст ва содиқ ёр суҳбатида бўлгайки, айбларини юзига айтгай. Бу нав дўст хам камдир. Довуд Тоийга айтдиларки: “Не учун халқ орасида бўлмассан?” Айтди: “Нима ишим бор ул тоифалар бирлаки, айбимни юзимга айтмай, пинхон тутарлар”.

Учинчи тариқа улки, душман сўзига қулоқ солгай, чунки душман хамма айбни кўрар. Агарча душман муболаға бирла айтур ва лекин унинг сўзи рост бўлса, фойдалидир.

Тўртинчи тариқа улки, халойиқ ҳолига эътибор бергайки, агар бир кишида айб кўрса, андоғ ишни қилмоқдан ҳазар қилгай.

Ҳазрати Исодан: "Адабни кимдан ўргандингиз?" - деб сўрадилар. Айтдилар: “Ҳеч кишидан ўрганмадим. Аммо ҳар кишида бир ёмон феълни кўрсам, анинг зиддини қилдим”. **Билгилки, нодон ва аблаҳ ул кишидурки, ўзини яхши деб гумон қилур ва оқилу доно улдурки, ўзини ёмон деб билур.**

Ҳазрати Умар (р.а.) Ҳадичаи Кубро (р.а.)дан (Ҳузайфа ривояти) сўрадиларки: “Ҳазрати расул алайҳиссалом мунофиқлик аломати ва нишонасини сизга айтгандирлар? Ул аломатлардан манда бўлса айтгайсизки, ани тарк қилгайман”. Бас, ҳар киши ўз айбини шу тариқа тез-тез текшириб тургай. То касални аниқ билмагунча даво қилгали бўлмас. Жуда кўп айбларнинг давоси нафс хоҳишининг зиддини қилмоқдадир.

Чунончи, Ҳақ таоло хабар берур: “Иймон келтириб, яхши амаллар қилгувчи зотларга хушxabар беринги, улар учун остларидан дарёлар оқиб тургувчи боғлар бор”. (“Бақара”, 25-оят)

Ҳазрати расул алайҳиссалом ғазотдан қайтиб саҳобаларга айтдиларки: “Кичик ғазотдан қайтдик, улуғ ғазотга келдик”.

Саҳобалар сўрадиларки: “Ё расулуллоҳ, ул қайсидур?” Айтдиларки: “Ўз нафсимиз бирлан жанг қилмоқдир”. Ва яна айтибдурлар: “Нафсининг ранж ва аламини тортгил ва анинг ихтиёрини ўз қўлига бермагилки, тонгла қиёмат куни Ҳақ таолонинг ва хамма мўъминларнинг лаънатига гирифтор бўлурсан”. Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ айтур: “Нафсни жиловлаш жуда оғирдир”. Сари Сакотий раҳматуллоҳи алайҳ айтур: “Қирқ йилдирки, нафсим ёнғоқ бирла асални емакни хоҳиш қилур. Ҳануз уни муродига еткурмадим”. Иброҳим ҳаввос раҳматуллоҳи алайҳ айтур: “Кухи Лубнонга

бордим, анор бисёр пишиб турибдур. Нафсим анор емакни орзу қилди, эрса бир анорни еб боқдим, аччиғ экан. Тотлиғ анор излаб, бир неча кадам юрдим, кўрдимки, бир киши ётибдур, бисёр занбур-арилар ёпинибдурки, чакадур. “Ассалому алайка”, дедим. “Ва алайкум ассалом, Иброхим”, деди. Айтдимки: “Мани қайдин билурсен?” Айтди: “Ким Ҳақ таолони танибдур, унга ҳеч нимарса яширин эмасдур”. Айтдимки: “Худои таоло даргоҳида мунча қурбатинг бордур, нечун ари нишидан халос бўлмоқни талаб қилмассен?” Айтди: “Билурменким, талаб йўлида мунча ҳолинг бордур. Нима учун нафсингни анор хоҳишидан маън қилмассен?” Агарчи анор халолдур, аҳли маъно ўзини тийибдурлар. Чунки бу нафс хоҳишидир.

Ҳазрати Умар (р.а.) айтурлар: “Етти навбат халолдан ҳам қўл йиғдим, бу эҳтиёт бирлаки, ногоҳ ҳаромга мубтало бўлмай деб”.

Ва (нафсини жиловлагувчи одам) Оллоҳ, таолога муножот қилгай, токи дунёга ҳирс ва кўнгул боғламасликни ва кўнгулга зафлат золиб бўлмаслигини ва ўлим осон бўлмогини ва иймон саломатлигини ва Ҳақ таолонинг зикри ва фикри муҳаббатини сўрарким, дунё ва охирагининг сармоясидир.

Бас, нафсининг мисоли қарчиғайга ўхшашдурки, сайёд тутиб уйига келтирур ва кўзини ёпар ва гўштни кам-кам берур, токи қарчиғай бегоналикни ташлаб сайёдга ром бўлур. Мунга ўхшаш нафс ҳам оҳиста-оҳиста ром бўлур. Ҳақ субҳонаху ва таоло ибодатига унс - улфатлик пайдо қилур. Чунончи, сут эмадургон болага ҳеч нима она сутидан тотлироқ эмас. Аммо умр (кунлар) ўтиши бирла, бола сутдан айрилиб, ўзга неъматлардан лаззат олгандан кейин кўкрак сутини ҳаргиз ихтиёр қилмас. Бас, инсон риёзати улки, ўзи яхши кўрадурган нимарсани кам-кам истагай. Ҳазрати Ҳақ таоло Довуд алайҳиссаломга ваҳий юбордики: “Ё Довуд, мулозим бўлгил, яъни фармонимга хилоф (ишлар) қилмагил”.

Ҳазрати расул алайҳиссалом айтдилар: “Биродарим Жаброил айтдики: “Энг яхши дўстлик (сен учун) менинг дўстлигимдир ва албатта, дўстлар турлича бўлади”.

Хуллас, бу дунёда нималарни яхши кўрсанг, уларни тортиб олурлар. Бас, хушхулқлик ва саодатмандликнинг аломати ва нишонаси ҳақида Ҳақ таоло каломи мажидида неча ерда ёд қилибдур. Шу жумладан: "Улар (тавба қилгувчилар) Оллоҳнинг ўзигагина ибодат қилгувчилар, шукр қилгувчилар, рукуъ-сажда қилгувчилар, яхшиликка буюргувчи (амри маъруф) қилгувчилардир”. (“Тавба”, 112-оят)

Бадхулқлик, мунофиқлик ва шаҳоват (иймонсизлик)нинг аломати ҳақида расули акрам (с.а.в.) айтибдурлар: “Мунофиқларнинг ҳиммати чаҳор полардек (ҳайвонлардек) емак-ичмакдир”.

Билгилки, хушхулқ инсонлар аксари бардошли, яъни ўзгалар оғирини кўтарувчи, сабр ва андишали, уятчан бўлур. Чунончи, расули акрам (с.а.в.)га (Ухуд жангида) ранж ва озор еткурдилар, тишларини синдирдилар, лекин расул алайҳиссалом: “Эй бор Худоё, буларга раҳм қилгилки, билмасликдан ва нодонликдан бу ишни қилурлар”, деб уларни дуо қилдилар.

Бир куни Абу Усмоннинг бошига кул қўйдилар. Абу Усмон бошини гард-ғубордан пок қилиб, шукр ва санолар айтди. "Нима учун шукр ва сано айтурсан?" - дедилар. Айтдики: “Ўтда куйдирмакка лойиқ кишини кул бирла сулҳ қилсалар, жойи шукрдир”.

Абдуллоҳ (ибн Умар) раҳматуллоҳи алайҳ кўхна кийимни ямаб, овқат қилур эрдилар. Бир жухуд уларга ҳар бора кийим яматар эди, муздига ўтмас(сохта) танга берур эрди, олур эрдилар. Бир куни уйда йўқ эдилар. Жухуд яна ўтмас пул келтирди, шогирд ўтмас пулни олишга унамай, олмади. Абдуллоҳ уйга келиб айтдики: "Нима учун олмадинг, ҳар бора мундоқ қилур эрди, мен олур эдим, бу важҳ бирлаки, ул ўтмас танга ила яна бир мусулмонга панд бермагай, деб”.

Увайс Қароний раҳматуллоҳи алайҳ ўтиб борур эрдилар, кичик болалар тош отдилар. Айтдилар: “Ушоқроқ (кичикроқ) тош отинглар, оёғим синмагайки, туриб намоз ўқаёлмасман”.

Ахнаф раҳматуллоҳи алайҳ ўтиб борар эдилар, бир киши орқадан дашном қилиб турди. Ахнаф қабилага яқин етиб айтдики: “Қолган дашномларингни бу ерда тамом қилгил, агар қабила халқи англаса, сенга озор берурлар”.

Молик Динор раҳматуллоҳи алайҳни бир хотун не учундир: “Эй муройи, яъни риё бирла амал қилувчи”, деб чақирди. Айтдиларки: "Рост айтурсен мани отимни. Басра халқи фаромуш қилиб эрди, сен топдинг”. Бас, ушбудир хушфееъликнинг камоли.

Яхши сифатли, фазилатли бўлиш аҳлуллох, аломатидир. Бу қавм андоқ тоифадурки, ўзларини (одамга хос барча ёмонликлардан) пок қилган ва ҳамма ишларини Ҳақ таолога топширгандирлар.

ФАСЛ

Фарзанд тарбияси ҳақида

Билгилки, фарзанд ота-онасининг кўлида омонатдур. Дил гавҳари мисли пок ва соф мум янглиғ ҳар нақшни қабул қилмоққа сазовор ва лойиқ, баракали ердек ҳар зироат ундирмакка марғуб ва мувофиқдир, ҳар навъ уруғни ерга сочса, унар ва хайрли ишлари билан дунё ва охират шарофатини топар, ота-онаси ва устоди савобда шерик бўлар. Чунончи, Ҳақ таоло хабар

берур: “Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли оилаларингизни ўтинлари одамлар ва тошлардан бўлган дўзахдан сақлангиз...” (“Таҳрим”, 6-оят)

Фарзанд тарбия ва парвариш қилмоқнинг маъноси - унга илм, хунар, адаб ўргатмоқ ва яхши хулқдан таълим бермоқ ва ёмонлар суҳбатидан эҳтиёт қилмоқликдир. Зеро, ҳамма *фасоднинг асли ёмон бирла ҳамсуҳбат бўлмоқдан пайдо бўлур.*

Таомни кўп ва тўйиб емакдан офат келур. Бас, емак одобларини ўргатгай. Андоғки, ўнг кўли бирла егай ва аввалги лукмада “бисмиллоҳ” дегай. Валдираб таом емагай. Ва кўп емагай. Ўзгаларнинг лукмаларига кўз солмагай ва бир лукмани ютиб бўлмагунча, иккинчи лукмага кўл узатмагай. Ва кийимларини таомга олуда қилмагай.

Ота-она болага гоҳи куруқ нон бергайки, хамиша нонхурушга (ширинликка) одат қилмагай (яъни ширинхўр қилмай, болаларни гоҳида нон-чой билан кўниктириш ҳам керакдир). Кўп емакнинг зарарини тушунтиргай. Айтгайки, кўп емак ҳайвонлар ва нодонлар ишидир. Ўз фарзанди қошида беадаб болаларни айб қилгай ва одобли гўдакларни мактагай. Абришим (ипак) кийим кийдирмагай. Ёмонлар бирла ҳамсуҳбат бўлишдан асрагай. Ҳар гўдакким, ёмон бирла қўшилибдур, шўх ва ёлғончи ва бебош бўлурки, салоҳга келмоғи душвордур.

Вақтики, мактабга берса, (диний илмни ҳам) ўргатгай. Кейин порсо ва парҳезкорларнинг ахбор ва ҳикоятларига машғул қилгай. Зинҳор маънодан узоқ суюқ шеър ўқимоқ ва аёллар ишқ-муҳаббатига куйиш ва уларнинг мактовига машғул бўлмоқдан ҳазар қилгай.

Агар гўдак хато қилса, икки-уч навбат кўрмаслик ва билмасликка олгай, токи жавоб қилмоққа далер (даққи, шижоатли) бўлмасин. Вақтики, ёмон феълга одат қилса, маломат ва койиш қилгай ва айтгайки: “Зинҳор бу феълдан қайтгил, одамийликдан чиқарсан ва халқ орасида расво бўлурсан”. Ота фарзандига ўзини ҳайбатли ва инжиқ қилиб кўрсатгай. Онаси отасидин кўрқиб турсин. Кундузи ухламоқдан парҳез қилсинки, кундузги уйку одамни танбал, ялқов қилур.

Кечалари болани қалин, юмшоқ тушакда ётгирмасин. Бола қаттиқ жойда ётса, кучли бўлур. Ҳар куни бир соат ўйнағали қўйгай. Токи бола дили танг, бадхуй ва тийра бўлмагай. Гўдаклардан бир нима тилаб олмагай, балки уларга бергай. Отаси айтгайки, тилаб олмоқ беҳиммат ва гадолар ишидир. Кишидин ҳеч нима тамаъ қилдирмагай. Таълим бергайки, одамлар орасида туфламасин ва бурун қоқмасин ва агар ўтирса, кишига орқасини қилиб ўтирмасин. Ва энгагини таяниб ўтирмагайки, ялқовлик далилидир. Кўп сўзламасин ва қасам ичмасин. Сўрамаган сўзни демасин ва ўзидан улуғни ҳурмат қилсин ва тилини фаҳш ва ўйун сўздан асрасин. Устози сўкса, кўп

нола ва фарёд қилмасин - шафё (ҳимоячи) изламасин. Сабр қилсин, чунки нола ва фарёд хотинлар ва нодонлар ишидур.

Ҳаром емоқ ва ёлғон айтмоқдан эҳтиёт қилгай. Вақтики, фарзанд балоғатга етса, унга айтсинки, таом емакдан мақсад банданинг Ҳақ таолога тоат-ибодат қилмоғига қувват ҳосил қилиш учундир. Бас, савоб ва иқоб (жазо, азоб) сўзларини англаггай.

Вақтики, бошланишда адаб бирла парвариш қилса, тошга нақш қилгандек, бу сўз кўнгилда нақш боғлар ва агар беадаб катта бўлса, таомга тупроқ сочгандек, ўринли бўлмас. Зеро, кичик ёшда олинган билим - тошга уйилган нақш каби.

Саҳл Тустарий раҳматуллоҳи алайҳ айтур: “Уч ёшдан ҳар кечаларда Ҳақ таолони ёд қилурман. Воқеа буки, Муҳаммад ибн Асвад раҳматуллоҳи алайҳ менга деди: “Эй ўғил, сани Яратгувчи Парвардигорингни ёд қилгил”. Айтдимки: “Нечук ёд қилурман?” Айтди: “Ҳар кеча ухлар вақтда уч навбат кўнгилда дегилки: Худо менинг бирладир ва Худо мани ҳолимни билладир ва Худо мани кўрадир”. Бас, неча-неча муни айтдим. Андин кейин айтдики, ҳар кеча етти навбат айтгил.

Бу зикрни айтур эрдимки, анинг ҳаловати бирла масрур (шод) бўлдим. Бир куни ҳолам манга айтдики: “Ҳақ таоло ким бирла бўлса ва анинг ҳолидан огоҳ, ҳозир у нозир бўлса, ул киши ҳаргиз айбли иш қилмас. Зинҳор гуноҳ қилмагилки, Оллоҳ сенинг ҳолингни кўриб билгувчидир”.

Ўн учинчи йили менга масала мушкул бўлди. Басра шаҳрига бормоққа рухсат олиб, бордим. Уламолардан масалани сўрадим, ҳосил бўлмади. Обидлардан бир кишини нишон бердилар. Анга бордим, мушкулни ул ҳал қилди. Муддате анинг қошида бўлдум. Андин Тустарга қайтдим ва бир дирам кумушга арпа олдим, нон-хурушсиз анинг бирла рўза тутдим.

Бул хикоятни шунинг учун келтирдимки, (М.Ғаззолий сўзи) бу навъ ишларнинг сармоясини кичикликдан варзиш (машқ) қилмоқ бирла ҳосил бўлур.

ИККИНЧИ ФАСЛ

Бадан нафс - яъни қорин ва фаржнинг шарри (шаҳватпарастликнинг иложи) ҳақида

Билгилки, меъда кўнгилга ўхшашдир ва томирларки, меъдадан етти андомга (аъзога) тарқайдир, гўёки ариқлар мисолидир. Бас, меъда нафснинг ҳамма орзу, хоҳишларининг манбаъидирки, Одам алайҳиссалом нафснинг емак хоҳиши жиҳатидан жаннатдан қувилдилар.

Бас, нафснинг емак хоҳиши ҳамма шаҳват ва ҳавасларнинг аслидир. Андоқки, меъда сер (тўқ) бўлса, шаҳват, уйланмоқ хоҳиши пайдо бўлур ва бу

орзуни то мол-дунё ҳосил бўлмагунча қилгали бўлмас. Ночор дунё талаби балосига гирифтор бўлур.

Аммо бу фаслда гурусналик - очликнинг хосияти ва фазилатларини баён қилгумдир.

ФАСЛ

Очликнинг фазилатлари

Билгилки, ҳазрати расул алайҳиссалом айтибдурлар: “Ўз нафсингиз ила гурусналик ва ташналик бирла жиход қилинлар. Мўъминларнинг ҳеч амали Парвардигори олам даргоҳида гурусналик ва ташналикдан хўброк эмасдир”.

Расул алайҳиссалом айтибдурлар: “Кимки меъдасини таомдан сер (тўла) қилибдур, анга фаришталар осмонда йўл бермаслар”.

Саҳобапар арз қилдиларки: "Ё расулуллоҳ, фозилроқ (яхшироқ) амал қайсидур?" Айтдиларки: “Оз емаклик ва оз кийимга қаноат қилмоқдир”. Айтибдурлар: "Ҳамма яхши амаллар саййиди оч, гурусна яшашдир. Таом емак ва сув ичмоқда ярим-ёрти тўймоққа қаноат қилинларки, пайғамбарлар химмати жумласидандир.

Ҳазрати расули акрам айтибдурлар: “Сизлардан Ҳақ таоло даргоҳида дўстрок ва фозилроқ кимсаларнинг тафаккури теран ва гурусналиги узоқ бўлгай. Душманроғи улдурки, таомни тўла егай ва кўп ухлагай”. Яна айтибдурлар: “Кимки оз емакка қаноат қилиб, таомдан қўл йиғса, Ҳақ таоло фаришталарга фахрланиб айтурки: “Эй фаришталарим! Кўринлар, Одамни лаззат ва шаҳват балосига мубтало қилибдурман. Лекин улар менинг ризолигимни излаб, таомдан қўл йиғди. Гувоҳ бўлинларки, ҳар лукмани менинг учун тарк қилди, анга чандон даража бергумдир”.

Расулуллоҳ айтибдурларки: “Таомни тўла емак бирла дилларингизни ўлдирмангизлар ва одабийга ончалик таом кифоядирки, ибодат қилмоққа қаддин рост қила олгай”.

Ҳазрат Исо алайҳиссалом айтибдурлар: “Ўзингизни оз емакка ўргатинг, дил соф бўлиб, Ҳақни ботилдан фарқ қилурсиз”.

Хабарда келибдурки, Ҳазрати Мусо алайҳиссалом қирқ кун Ҳақ таоло бирла сирли суҳбат қурдилар. Ҳеч таом емадилар.

Билгилки, очлик-гурусналикнинг ўн фойдаси бордур:

Аввалги фойдаси улки, дилни соф ва равшан қилур. Ва кўп емак дилни тийра (қоронғи) қилур. Васваса ва андишаи ботил пайдо қилур. Ҳазрати расул алайҳиссалом айтибдурлар: “Кам овқатланиш бирла дилни соф ва равшан қилинлар. Кишиким ўзини гурусна тутса, дили зийрак ва андишаи Ҳақ пайдо бўлур”. Шиблий раҳматуллоҳи алайҳ айтур: “Гурусна бўлган куним дилимда тоза хикмат ва сабр топаман”.

Иккинчи фойда улки, кам таом еганда дил юмшоқ бўлур ва жон зикр ва муножот лаззатини топар. Кўп емакдан кўнгли қаттиғлик ва соғлиққа зиён пайдо бўлур.

Учинчи фойда улки, тўқлик ғафлат ва такаббурлик келтирар. Ва очлик дил шикасталик, яъни юмшоқлик, хилмлик ва камтарлик еткурар. Ғафлат ва таккаббурлик дўзах тарафга тортар. Ожизлик ва шикасталик (ўзини паст тутишлик) жаннат тарафга элтар. Бас, банда ўзини ожизлик ва шикасталик бирла кўргай. Ва Ҳақ таолонинг қудратларини мушоҳада қилгай. Чунончи, расул алайҳиссаломга руйи замин хазиналарини (бойлик тўла хазиналарини) кўрсатдилар ва олинг деб, таклиф қилдилар. Онҳазрат алайҳиссалом айтдиларким: “Буларни ҳаргиз хоҳиш қилмасман. Балки, бир кун оч, бир кун тўқ бўлмоқни дуруст тутарман. Вақтики гурусна бўлсам, сабр қилурман. Агар тўқ бўлсам, шукр қилурман”.

Тўртинчи фойда улки, агар одам тўқ бўлса, очларни эсдан чиқариб қўяр.

Ҳазрати Юсуф алайҳиссаломга айтдилар: “Мунча рўйи замин бойликлари сендадир. Нима учун оч - гурусна юурсен?” Юсуф алайҳиссалом айтдилар: “Агар тўқ бўлсам, дарвеш ва фақирларнинг очликларини эсдан чиқарурман”.

Бешинчи фойда улки, ҳамма саодатларнинг асли, аввало, ўз нафсининг балосидан қутилмоқдир. Андоқки, ҳамма гуноҳ-маъсиятлар нафсининг хоҳиш ва орзусини бажо келтирмақдандир. Нафс хоҳишлари кўп ва турли емакдан пайдо бўлур. Ҳазрати Зуннун раҳматуллоҳи алайҳ айтур: “Ҳар қачон тўйгунча таом едим, то мендан бир гуноҳ содир бўлмай қолмади”.

Ҳазрати Ойша (р.а.) айтурлар: “Аввал бидъатки, ҳазрати расули алайҳиссаломдан кейин пайдо бўлди, тўйгунча таом емакликдир. Вақтики, одамлар таомни кўп едилар, нафслари саркаш (итоатсиз) бўлди. Бас, одам таом бирла меъдасини тўла қилибдир, беҳуда сўзламак ва ғийбат қилмоққа, айб изламоққа мойил бўлур ва тақозойи шаҳват ғолиб бўлур. Агар нафсни ҳаромдан тўхтатса, назарини номаҳрамдан тухтата олмас. Аммо очлик - гурусналик бу балоларнинг ҳаммасини даф қилмоққа кифоятдир.

Бузурғлар айтибдурлар: “Гурусналик Ҳақ таолонинг хазинасидаги гавҳардир. Бу гавҳарни Ҳақ таоло дўстларига берур. Ҳар кишига бермас”.

Ҳукамолар айтибдурлар: “Ҳар муридки, бир нон емак одати бўлса, хилофи нафс қилиб, ярмисини еса, Ҳақ таоло анинг кўнглидан киши кўнглига озор еткурмак фикрини чиқарур.

Олтинчи фойда улки, ҳамма ибодатлар асли зикр ва фикрни очкусидир. Одам таомни кўп еса, уйқу анга ғолиб бўлур. Ўликдек ётмоқ бирла умрини зое қилур. Азизлардан бири нидо қилур эрди: “Эй муридлар, тўла емангларки, кўп ухламоқ кўп емакдан пайдо бўлур”. Одамнинг сармойеси

умрдир. Ҳар нафасинглар гавҳардурким, ул гавҳар бирла охират саодати нақдини келтургали бўлур ва уйқу бу гавҳарларни зое қилур”.

Еттинчи фойда улки, кам емакдан осонлик бирла умр ўткарур ва фарах (ором) насиб бўлур. Илм ва амал қилмоққа машғул бўлур. Кўп емакдан эса ухламоқ, олмоқ ва сотмоқ ва олам ишларига машғуллик ва пароканда хотирлик пайдо бўлур.

Саккизинчи фойда улки, кам емаклик тансихатлик боисидурким, касал бўлмоқ ва табиб нозин кўтармоқ, қон олмоқ ва ҳижомат (қон олдирмоқ) ва аччиқ дори емакдан, оғриқдан халос бўлур.

Ҳукамо ва табиблар иттифоқ қилибдурларки, ҳеч дору ва сизо йўқдурки, ҳамма баданга манфаати бўлмай, фақат оз емакки, тамоми баданга манфаатдир ва ҳеч зарари йўқдир.

Тўққизинчи фойда улки, одам кам овқат эса ҳаражати ҳам оз бўлур ва кўп дунёликқа ҳожати бўлмас. Ҳамма гуноҳ-маъсият ва офатлар баднафслиқдан пайдо бўлур. Ҳукамолардан бирлари айтибдурлар: “Агар кишидан қарз олмоқни хоҳласам, қорнимдан қарз олурман. Яъни кўп емакни хоҳласам, озроқ ерман. То яна бировдан қарзга таом олиб емакка ҳожат бўлмас”.

Ўнинчи фойда улки, инсон кам емакка, ўз нафсига қодир бўлса, садақа бермоқ ва халққа қарам ва эҳсон қилмоққа ҳам қодир бўлур.

ФАСЛ

Риёзат ва муҷоҳаданинг сири, пир ва муриднинг фойдаси

Билгилки, нафсни очликда тутмоқликдан мақсад, ўзни шикасталик ва камтарин қилмоқликдур. То нафс адаб бирла руҳнинг фармонида бўлмай. Пири комил муридни риёзатга буюришдан мақсуди шулки, таомни кўп ва тўла емакдан, меъдаси оғир бўлиб, тоат ва ибодатга тоқати етмай. Инсон ҳаддин зиёда очликни ҳам лозим тутмасинки, ҳар иккиси ҳам ҳузури дил бирла тоат ва ибодат қилишга монё бўлур. Балки, камол мартабаси улки, ўзини фаришталар сифатида тутмай, уларда очликнинг ранжи ва таомнинг оғирлиги йўқдур. Бу ишни аста-секин, риёзат бирла қилгали бўлур. Расули ақрам гоҳи рўза тутар эдилар. Саҳобалар гумон қилур эдиларки, асло рўза тутмагилар. Агар уйда таом бўлса, ер эдилар. Агар бўлмаса, рўза ниёт қилур эдилар.

Эр-хотин маҳрам ва номаҳрам орасидаги нафс хоҳиши баёнида

Билгилки, Ҳақ таоло Одам пуштида шаҳватни пайдо қилибдур. Тоқим, авлод ва аҳфод (набиралар) пайдо бўлмоқ бирла насл кесишиб, тўхтаб қолмасин ва шаҳватнинг лаззатларидан ҳам баҳраманд бўлмай. Бас, шаҳват

офати ҳаммадан улуғдир. Иблис ҳазрати Мусо алайҳиссаломга айтдики: “Хотинлар бирла хилватда ўлтирмагилки, ҳар киши хотинлар бирла хилватда ўтирса, албатта кўнглида фитна пайдо қилурман”. Билгилки, шаҳват ифрот (ҳаддан ошиш) ва тафрит (бепарволикдан келиб чиқадиган гуноҳ ишлар) ва ўртача ҳолдир. Ифрот улки, одамзот фаҳш ишлардан уялмас ва ҳамиша нафс хоҳишида бўлмай. Бу навъ кишига вожибдурки, кўпроқ рўза тутгай ва агар рўза кифоят қилмаса, хотин олгай. Тафрит улки, шаҳватни ўзидан зойил қилгай. Бу ҳам яхши эмаски, беҳамият ва бемурувватлик бўлур. Эътидоли (ўртачаси) улки, нафсни одоб ва ақл фармонида тутқай.

Шаҳватдаги офатлардан бири, ошиқлик дардига мубтало бўлмоқдир, бисёр гуноҳ-маъсиятларга сабабдир. Бўлмайки, ёшлиқдан (шаҳватпарастликдан) эҳтиёт юргай. Бас, ҳамма эҳтиётларнинг яхшироғи назарни асрамоқдир.

Закариё алайҳиссаломдан сўрадиларким: “Зинонинг ибтидоси (бошланиши) қайсидир?” Айтдилар: “Аёлга шаҳват бирла қарамоқлик”.

Ҳазрати расул алайҳиссалом айтдиларки: “Шаҳват бирла қарамоқлик – Иблиснинг заҳарли ўқидур”. Инсон Худо таолодан кўрқиб, назарини ҳаромдан сақласа, иймоннинг ҳаловати дилда барқарор бўлур.

Ҳазрати Расули акрам айтибдурлар: “Кўз зино қилур. Кўзнинг зиноси номаҳрамга қараганидир. Бўлмайки, бу офатни рўза тутмоқ ва риёзат бирла даф қилгай. Агар мунчалик кифоят қилмаса, хотин олгай”.

Солиҳлардан бири айтур: “Шаҳват онча толиб бўлдики, асло дафъига зорий ва тазарруъ бирла дуо қилдим. Эрса, бир кишини тушда кўрдим. Айтдики, нима бўлдинг? Воқеани анга айтдим, ул киши сийнамга қўлини қўйди. Уйғондимки, ул тақозо (истак, хоҳиш) паст бўлибдур. Бир йил муниг бирла ўтди. Яна ул тақозо пайдо бўлди. Дуо қилдим, яна ул кишини тушимда кўрдим. Айтдики, яна халос бўлмоқни хоҳларсенму? Айтдим, орий, бўйнимни узатдим. Шамшир бирла чопти, уйғондимки, ул ҳол пайдо бўлди. Яна ул кишини туш кўрдим. Айтдики, на вақтгача Ҳақ таоло даф қилмайдиган нарсани даф қилмоқни хоҳларсен”. Бас, андин кейин хотин олдим, ул ҳолдин халос бўлдим”.

Такрорлаш учун саволлар:

- 1. Имом Ғаззолий ўзининг “Кимийи саодат” асарида яхши хулқ ва хушфеллик ҳақида нималарни ёзади?*
- 2. Ғаззолий дил (руҳ) ва жисм (вужуд) ҳамда нафс ҳақида қандай фикрлайди?*
- 3. Юқоридаги асарида фарзанд тарбияси ҳақида нималарни таъкидлайди ва уларнинг аҳамияти нимада?*
- 4. Имом Ғаззолий очликнинг фазилати ҳақида нима дейди ва ҳозирги тиббиёт бу ҳақда қандай фикрда?*
- 5. Ғаззолий пир ва мурид (Устоз-шогирд)нинг фойдаси ҳақида нималар дейди?*



IV боб. Буюк мутасаввиф аллома, Улуғ Шайх Ибн ал-Арабийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти

Имом Ғаззолий таълимоти мусулмонларнинг теологик қарашларига, шунингдек, ўрта аср яҳудийларининг дунёқарашига кучли таъсир қилиб, жуда кенг тарқалган бўлса-да, XII-XIII аср оралиғида Эрон ва Ўрта Осиёда испан-араб алломаси Ибн ал-Арабийнинг пантеистик фалсафий тизими яна ҳам кўпроқ оммавийлашиб кетди. Таниқли олим, тасаввуфшунос Иброҳим Ҳаққул мутафаккир Ибн ал-Арабий ҳақида шундай ёзади: “Муҳийиддин Ибн Арабий шахсияти, илоҳий завқ ва кашфдан туғилган асарлари, мана, орадан неча асрлар ўтса ҳамки, ҳамон зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда”.

Буюк мутасаввиф, аллома Ибн ал-Арабий Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Муҳийиддин 1165 йил 25 июлда Испания (Андалусия) нинг Мурсия шаҳрида таваллуд топган. Бу улуғ зот мусулмон дунёси эътироф этган араб мутафаккири ва шоир, тасаввуф назарияси ва амалиётининг асосчиларидан бири, фалсафий дунёқарашда пантеистик йўналишнинг атоқли намояндасидир. Асосан, Испания ва Шимолий Африкада яшаган ва фаолият кўрсатган. Ибн ал-Арабий Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари каби Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига саёхатлар қилган, тасаввуф илмининг марказларидан бўлган Боғдод ва Дамашқнинг диний-исломий масжид-мадрасаларида, ўқув юртларида бўлган, ислом дини моҳияти, тасаввуф илмининг илмий-назарий қоидаларини, шарт ва услубларини ўрганган ва айни пайтда ўргатган ҳам. Ўзи яшаган даврдаёқ Ўрта асрлар мусулмон оламининг буюк мутафаккири сифатида танилган. “Улуғ мураббий”, “Буюк Шайх” (аш-Шайх ал-Акбар) фахрий унвонларига сазовор бўлган. Унинг яратган таълимоти ўз давридаёқ Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида, асосан, Миср, Сурия, Эрон, Ироқ, Туркия, Испания, Шимолий Африка шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларида кенг тарқалган ва машҳур бўлган.

Ибн ал-Арабийнинг шахсий ҳаёти тўғрисида деярли маълумотлар йўқ. У бошланғич таълимни Мурсияда олиб, кейинчалик Александрия (Шимолий Африка), Қоҳира, Дамашқ, Боғдод каби шаҳарларда ўз даврининг аллома мутасаввифларидан таълим-тарбия олганлиги ҳақида қисқа маълумотлар мавжуд. Унинг таълимоти эса Ўрта асрларда, айниқса, янги даврларда

Европанинг олий ва диний ўқув юртларида ўқитилган. Бу ҳақда янги даврнинг файласуф олимлари Спиноза, Толанд каби файласуфларнинг асарларида маълумотлар учрайди ва улар Ибн ал-Арабийнинг фалсафий қарашларини баҳолашга, унга тизим беришга ҳаракат қилганлар³⁹.

Улуғ шайх Ибн ал-Арабий барча мутасаввиф алломалар каби камтарона ҳаёт кечириб, бутун умрини, ақл-идроки ва ҳаётини фаолиятини ислом дини асосларини, Қуръони карим, шариат ва Ҳадисларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилишга бағишлаган. Бу улуғ зот дунёвий ва диний тасаввуфий илмларни пухта ва асосли билишига қарамай, кибру ҳавога берилмаган, подшолар, йирик амалдорлар ва мулкдорлар ҳадя-эҳсон қилган маблағларни камбағал бечораларга, масжид-мадраса талабаларига тарқатиб берарди. Бу ҳақда айрим ривоятлар ва ҳикоятлар пайдо бўлган. Айтишларича, Сурия подшоси уни ўз ҳузурида қабул қилиб, кўпдан-кўп инъомлар этиб, ҳатто қаср сифат қилиб уй-жой қуриб берган. У бу эҳсонни қабул қилиб, ўша заҳоти бир гадо эшигига савоб сўраб келганда, “ма ол, Оллоҳдан, унинг ўзидан бошқа илоҳ нарса йўқ”, - деб келган гадога бор мол-мулкни бериб юборган эканлар. Ибн ал-Арабий руҳий-дарвиший хислатларга берилмаган, у исломнинг барча руҳий-ирфоний хусусиятларини қабул қилган ҳолда, динийликни дунёвийлик билан кўшиб тушунтириб берган. Ибн ал-Арабий Оллоҳ, олам, одам ҳақида фикр юритар экан, уни битта маънода, ягона – якка бирлик, муқаддаслик, мутлақлик маъносида эътироф этган.

Буюк аллома ўзининг эътироф этишича, “Лаа илаҳа иллаллоҳ” (Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) тушунчасининг ўзи инсон вужуди, онги ва қалбини эгаллайди. Шу билан бирга, Ибн ал-Арабий назаридаги муқаддас Қуръон қоидасида чегараланиб қолмайди, ўз асарларида бу илоҳий ҳақиқатнинг инсон қалбидаги, руҳиятидаги томонларини таърифлашга киришади.

Ибн ал-Арабий таълимоти уни нафақат мусулмон илоҳийшунослигининг буюк намояндаси сифатида танитди, шу билан бирга, бутун ислом олами маънавий маданиятининг ривожланишида буюк ҳисса бўлди. Ибн ал-Арабийнинг фалсафий дунёқарашида борлиқ тушунчаси пантеистик руҳда талқин этилади. Унинг фикрича, барча нарсаларнинг моҳиятида мақсадга мувофиқлик мавжуд. Шундай экан, борлиқ, олам азалдан уйғун ва белгиланган тизимлар асосида яратилган ва шакллантирилган.

Ибн ал-Арабийнинг диний ва илмий дунёқараши ғоят кўп қиррали ҳамда муқомаллиги сабабли Европа ва Шарқ мутафаккирларининг диққат

³⁹ Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. – М.: “Наука”, 1980. С. 18-28.

марказида бўлиб келган. “Энг улуғ муаллим” мақомига эга бўлган бу зотни тасаввуфий таълимотини таърифлашда тадқиқотчилар 2 оқимга бўлинганлар: улар ўртасидаги мунозаралар, 2 хил фикр, 2 хил баҳолаш шаклланган. Алломанинг тарафдорлари “донишманд”, “файласуф”, муқаддас ва мўъжизавий авлиё деб таърифласа, бошқлари эса, бидъатчи, савдойи, худосиз, динни ўлдирувчи деб ҳисоблаганлар. Бундай қарашлар Шарқшунос, исломшунос олимлар томонидан асоссиз, деб қаралса-да, юқоридаги ақидапарастлар ўз ғояларидан чекинмайдилар. Ибн ал-Арабийни қоралашда давом этадилар. Ибн ал-Арабийнинг ҳаёти ва ижоди, таълимоти ва дунёқарашни тўғрисида маълумотлар турли-туман ва қизиқарли. Бу зот билимдон ва маърифатли оилада дунёга келганлиги адабиётларда хабар қилинади. Отаси Али ибн Муҳаммад юксак маънавиятли шахс бўлган. Ўша даврнинг машҳур алломаси Ибн Рушд (Европалик файласуф тарихчилар лотинча “Аверреос” деб атайдилар, аверроизм таълимотига асос солган) отасининг дўсти бўлгани боис Ибн ал-Арабий ҳали мўйлаби сабза урмаёк буюк файласуф билан учрашиб, мулоқот қилган. Ибн ал-Арабийнинг кейинги фалсафий қарашлари шаклланишига ана шу ижодий мулоқотлар ҳам таъсир кўрсатган бўлса ажаб эмас.

Ибн ал-Арабийнинг отаси Али ибн Муҳаммад унча кўп яшамаган. Ўғлининг хотираларидан англанишича, Али ибн Муҳаммад илоҳий ҳиссиёти ўткир, олий фазилатли ва ҳосиятли инсон бўлган экан. Ибн ал-Арабий шундай хотирлайди: “отам вафотидан 15 кун аввал ўлишини менга билдирди ва чоршанба куни жон таслим қилажагини айтди. Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлди”.

Бемор оламдан кўз юмгач, юзидан инжу каби порлайдиган бир нур таралибди⁴⁰.

Ибн ал-Арабий отаси тўғрисидаги ушбу воқеани нақл қилар экан, отасининг кашфу-каромат мақомига эриша олганига ишорат этгани, шубҳасиз. Унинг амакилари Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ҳамда Аҳмад ибн Муҳаммад ҳам маънавий ва моддий нуфузи баланд кишилар бўлган. Ибн ал-Арабий ҳадис илмини ва тасаввуфнинг қоида-манзилларини, дастлаб, амакиси Аҳмад ибн Муҳаммаддан ўрганган. Ушбу ўринда Ибн ал-Арабийнинг вояга етиши, илм олиши тўғрисидаги маълумотларга тўхталиб ўтиш ўринлидир. Бу улуғ зотнинг асли исми Муҳийиддин эмас, Муҳаммаддир, деб ҳисоблайди Иброҳим Ҳаққул. У “Футухот” да (ўзининг шу номли асарида) ўзини Муҳаммад ибн ан-Нур ва Абдулазиз Зудёр деб ҳам тилга олган. Аждодлари Ҳотами Той авлодларидан бўлиб, улар Андалусия

⁴⁰ Иброҳим Ҳаққул. Шайх Акбар. “Тафаккур” журнали №1, 2000. 93-бет.

(ҳозирги Испания) га Арабистондан бориб қолган. Баъзи тадқиқотчиларнинг изоҳлашича ўзини Зудёр деб аташдан мақсади мусофирлик ва азоб-ғурбат чекканига ишорадир. Яъни, бу калима ғариб-ғурбатда қолган, эл-юртидан ажралган каби маъноларни англатар экан.

Ибн ал-Арабийнинг фалсафа ва тасаввуф соҳаларидаги илоҳий-диний қарашларига ўша даврнинг буюк алломаларининг таълимотлари кучли таъсир ўтказганини айтиб ўтиш керак. Шу маънода Ибн ал-Арабийни Ибн Рушд билан бўлиб ўтган мулоқоти ҳақидаги ҳикоятга тўхталиш лозим. Фалсафа тарихидан маълумки, Ибн Рушд (1126-1198) тўла исми шарифи Ибн Рошд Абул Валид Муҳаммад ибн Аҳмад фалсафа, тиббиёт, адабиёт, фикҳ-қонуншунослик бобида беқиёс юксакликларга эришган энциклопедист олим бўлган. У Андалусия ҳукмдори Абу Ёқуб Юсуфнинг топшириғи билан Аристотел асарларига шарҳлар битган. Маълумот учун шуни қайд этиш керакки, Арасту асарларига мукамал шарҳларни Аристотелдан кейинги “иккинчи муаллим” номига сазовор бўлган буюк аллома Абу Наср Форобий ёзган ва улар араб, испан, лотин тилларига таржима қилинган⁴¹.

Ибн ал-Арабий ёшлигиданоқ бир қанча етук олимлардан сабоқ олган, уларнинг суҳбату мажлисларида қатнашган, ўткир зехнли, мантиқий мушоҳада ва мулоҳаза юритадиган шахс бўлиб етишган. Ибн Рушд билан қилган мулоқоти шундан далолат беради. Ибн ал-Арабийнинг Ибн Рушддай фикр савияси кенг, илми ўта теран мутафаккирга илк бор дуч келиши эди. Умрининг асосий қисмини яшаб қўйган кекса олим табиатан завқ ва кашфга мойил, билишга, англашга бениҳоя чанқоқ бундай толиби илмни деярли учратмаган эди. Ибн рушд бу йигитчанинг қўнгли фақат кашфи ҳақиқат ва илоҳий файзга иқрорлигини, юксак бир ирофондан маҳрум ҳар қандай китобий ва тақлидий илмни тан олмаслигини билиб турса-да, уни бир бор синовдан ўтказишни истайди. Бир гал эрталаб юзма-юз келган чоғда қўққисдан саволга тутади. Ўша савол-жавобни Ибн ал-Арабийнинг ўзи бундай баён этган:

- Ҳа (шундайми?), - деди.

- Ҳа (шундай?), - дедим.

Унинг ниятини фаҳмлаганимдан завқланиб кетди. Сўнг унга завқ бахшида этганим учун истиғфор қилдим ва дедим: -Йўқ!

Бу сўзни эшитибок сиқилди, ранги ўзгарди. Ва ўзининг билимидан алланечук шубҳага тушди, кейин деди:

- Кашф ва илоҳий файзга берилиб кетиб шундай дедингми?

⁴¹ М.М.Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Т.: “Фан”, 1971.

- Ҳа-йўқ! – дедим. Чунки “ха” билан “йўқ”нинг орасида рухлар моддалардан, бўйинлар вужуддан ажралур⁴².

Шунда унинг ранги бирданига сарғайиб кетди, титроқ тутиб, холсизлана бошлади. Негаки рамз ва ишорат ила тасаввуф таълимотининг Оллоҳга ва борлиққа бўлган муносабати ифодаланади. Юқорида келтирилган парчадан маълум бўладики, Ибн ал-Арабий Ибн Рушднинг шарқий арситотелизм ғоялари билан суғорилган пантеистик таълимотини яратди, ақл ва билиш тўғрисидаги рационалистик оқимни Ғаззолийнинг илоҳийшунослик таҳдидларидан ҳимоя қилди. Ибн ал-Арабийнинг тасаввуфий мероси жуда бой, улар Мадина, Макка, Дамашқ, Боғдод, Анатолия, Миср каби ислом марказларига қилган саёхатлари давомида ёзилган, кўп нусхада кўчирилиб, шогирдлари ва муридлари томонидан бутун мусулмон дунёсига тарқатилган. “Муҳийиддин Ибн ал-Арабий шахсияти, илоҳий завқ ва кашфдан туғилган асарлари мана орадан неча асрлар ўтса ҳамки ҳамон зўр қизиқиш ва катта эътиқод билан ўрганилмоқда”, - деб ёзган Саййид Муҳаммад Ҳотамий.

Ибн ал-Арабий аслзодалар насабидан келиб чиққан. Отаси, юқорида айтиб ўтилганидек, Султон Муҳаммад Ибн Мардон шоҳ хизматида бўлган. Буюк шайхнинг қариндош-уруғлари давлат арбоблари, вазирлар ўлка ва шаҳар ҳокимлари вазифасини бажарган, шунингдек, машҳур сўфий алломалар ҳам шу уруғ насабидан бўлган. Улуғ шайхнинг амакиларидан бири Ибн Йоган, мағриб ўлкасининг Тлемсен шаҳри ҳокими бўлиб турган вақтда маҳаллий авлиё Абу Абдуллоҳ ат-Тунисий билан учрашади, унинг ғояларидан таъсирланган бу шахс ўз тахтидан воз кечиб, ат-Тунисийга хизматкор бўлган⁴³.

Маълумотни Ибн ал-Арабий Андалусиянинг энг йирик диний ва маданий маркази Ишбилия (Севил) шаҳрида олади. Бу вақтда унинг оиласи (1172 й) шу ерга кўчиб келган эди. Мамлакат ҳокимият учун курашда ғалаба қилган, Алмоҳадлар династиясидан келиб чиққан Абу Якуб Йус қўлида бўлиб, келгуси сўфий мутафаккири Ибн ал-Арабийнинг отасига муҳим давлат мартабасини беради. Бу даврда Севил гуллаб-яшнади, Андалусияга энг яхши шоирлар, олимлар, табиблар ва мусиқачи-ижрочилар, мусулмон маданияти талантлари йиғилади. Аскетизм, тартибсизлик, бошбошдоқлик билан дабдабали маҳоват, қашшоқлик билан фаровонлик ёнма-ён ҳукм сурарди.

Ибн ал-Арабий Севилда яшаган вақтда муқаддас Қуръони Каримни жиддий ўрганади, мусулмонликни асосларидан бўлган ҳадисларни ёд олади ва бу машқлар унинг энг кекса ёшигача давом этади. Мусулмон дини учун

⁴² Иброҳим Ҳаққул. Шайх Акбар. “Тафаккур” журнали №1, 2000. 93-бет.

⁴³ Иброҳим Ҳаққул. Шайх Акбар. “Тафаккур” журнали №1, 2000. 12-13-бетлар.

мажбур бўлган бу асосларни ва фанларни ўзининг асарларида таҳлил қилиб беради. Айтиб бериш керакки, бу вақтда гуллаб-яшнаб фаровон яшайдиган Севил ва унга яқин шаҳарлар бостириб келаётган христиан реконкистларининг оловли тафтини сеза бошлаган эди. 1172 йилда Севил Португалия қироллигининг ҳужумига дуч келди, бу жангда Португалия қироли Алфанс Энрикес ғалаба қилади, мусулмонлар қўшини қаттиқ мағлубиятга учрайди. Бу мусулмон тасаввуфи ривожига салбий таъсир кўрсатди.

Ибн ал-Арабийнинг юқори мартабали уруғлари уни асосан давлат арбоби бўлиб етишишини кутган, уни аввал Алмоҳад султонларининг бирининг котиби хизматига беришган, аммо келгусидаги буюк тасаввуф олимини бу қониктирмайди, табиатан ақл-идрок ва фикр-хаёлларга чўмадиган хислатлари уни дарвешлик, Худо йўлида хизмат қилиш йўлини танлашга ва охир-оқибатда аскетик (тарки дунё) ҳаёт тарзига киришга олиб келган. Ибн ал-Арабийнинг гувоҳлик беришича, у 1184 йилда узил-кесил сўфиёна ҳаёт йўлига кирган, унинг биринчи устози авлиё ал-Урайби бўлган. Ундан бир оз олдин, 1180 йилга яқин Европа ва Шарқда донг таратган араб файласуфи Ибн Рушд билан учрашган. Бу ходиса Испаниянинг Кордова шаҳрида юз берган ва бўлажак сўфийда катта таассурот қолдирган. Ибн ал-Арабийнинг кейинги бутун ҳаёти Андалусияда мистик тасаввуф идеалларига сўзсиз хизмат қилишга бағишланган. У сўфийларнинг ҳаёт тарзи ва урф-одатларига монанд равишда доимо маънавий янгиланиш йўллариини излаган. Улар орасида илоҳийшунослик илмини чуқур эгаллаган сўфийлар билан бирга чала саводга эга бўлган, ёки умуман, саводсиз дарвешлар ҳам бўлган. Ёш сўфий уларни ажратмаган, аксинча, маънавий жиҳатдан соф, ярим бечора ҳолда кун кечирган сайёҳларни ўзига яқин олган. Ўзининг мураббийлари ва улар раҳбарлигида илм олганлиги ҳақидаги маълумотларни Ибн ал-Арабий кейинчалик “Муқаддас руҳ” асарида батафсил ёзади. Унда Андалусия ва Шимолий Африкада сўфийлар ҳаракати тўғрисида деярли тўлиқ ёзилган. Бу вақтда ёш бўлган, эндигина тасаввуф йўлини танлаган Ибн ал-Арабий IX-XII асрларнинг кўплаб машҳур сўфийлари ҳақида, мусулмон мистиклари ҳақида хабар беради: ал-Мухасиб (вафоти 857йил), ас-Сулами (вафоти 1021 йил), ал-Кушайри (вафоти 1072 йил), ал-Ғаззолий (вафоти 1111 йил), ўзининг ватандошлари Ибн Масарри (вафоти 931 йил), Ибн ал-Ариф (вафоти 1141 йил), Ибн Барраджон (вафоти 1141 йил) ва бошқаларнинг асарларини ўрганганлигини ёзади. Бу даврда ёш сўфий қадимги грек фалсафаси ва неоплатон фалсафаси тўғрисидагина эмас, араб мусулмон фалсафаси тўғрисида ҳам ғира-шира туманли тасаввурга эга бўлган. Унинг асарларида ўша даврнинг буюк файласуфлари ал-Киндий, ал-Форобий, Ибн Сино, Ибн Можжа, Ибн Туфайл номлари учрамайди. Унинг асарларида грек

файласуфларидан Платон ва Аристотел номлари жуда кам учрайди ва уларнинг асарларига шарҳлар юзаки берилган.

Ибн ал-Арабийнинг ғоявий-фалсафий таълимотининг асосий йўналишини кузатиш шуни кўрсатадики, унга кўпроқ ўша даврда ўзаро шиддатли кураш олиб борган икки илоҳийшунослик мактаблари – мўтазилийлар ва ашъарийлар намояндаларининг асарлари маълум бўлган. Мўтазилийлар (ажралиб чиққанлар) рационализм, ақлни биринчи ўринга қўйган бўлса, ашъарий (Ҳасан Ибн Ашъарий) лар, мутакаллимлар Калом илмини асосий деб билганлар. Ибн ал-Арабий ҳар икки мактабнинг қарашларини тўла қабул қила олмаган. Ҳар икки томон учун ҳам ақлни, ҳам ақлий далилни мутлоқлаштириш хос, аслида улар Оллоҳни ва борлиқни билишнинг таҳминий хулосаларига таянади, демак, ҳар икки илоҳийшунослик мактаби вакилларининг адашиши билим олишнинг рационалистик методини мутлоқлаштиришидадир, деб ҳисоблайди Ибн ал-Арабий.

1193 йилга келганда Ибн ал-Арабий учун Андалусия тор бўлиб қолади ва Гибралтар бўғози орқали Шимолий Африкага, Мағрибга қараб йўл олади. Шу вақтдан бошлаб, Буюк Шайх элма-эл, шаҳарма-шаҳар кеза бошлайди. Бу ерларда ўз билимларини янада тўлдириб боради, тасаввуф илмининг энг маҳаллий намояндалари раҳбарлигида ҳадислар, фикҳ илмини, сўфийлар билимини ўрганади. Бу йиллар унинг учун буюк мураббийлар билан учрашувларга, илоҳий воқеа ва ҳиссиётларга бой бўлганлигини улуғ муаллим ўзининг асарларида шарҳлаб беради. Уч маротаба “Ҳизр” билан учрашганлигини “Муқаддас рух” ва “Макка нозиллари” асарларида ёзади.

Ҳозирги Тунис худудларида саёҳат қилган вақтда у таниқли сўфий муаллими Абд ал-Азиз ал-Махдавий билан учрашади, у ҳақда кейинчалик ўз асарларида батафсил ёзади.

1195 йилда Андалусия ерлари яна христианлар таҳдиди остида қолади. Бу сафар Кастилия қироли Алфонс VIII қўшинлари юриш бошлайди. Мусулмонларга, яъни ўзининг диний қардошларига ёрдамга Мағрибдан Алмаҳад султон Абу Юсуф Якуб қўшинлари етиб келади. Аларкас яқинидаги жангда кастилияликлар тор-мор этилади. Шу вақтда Ибн ал-Арабий Мағрибда, Фес шаҳрида бўлади ва “худога яқин” сўфийлардан бирининг мусулмонлар ғалаба қилиши тўғрисидаги башоратини тинглаган эди. Мағриб каби йирик диний Марказда келажакдаги Буюк муаллим кўплаб шайх, машойихлар билан учрашади, жумладан, калом илмининг буюк назоратчиси Ибн ал-Катами (ваф. 1200 йил) билан учрашади ва илоҳий аломатлар тўғрисида мунозара қилади. Унинг онги ва қалбида яна ва яна моҳиятини ифодаловчи ҳаёлот, илоҳий шарпа кўринаверади ва мистик билишнинг,

Оллоҳга яқинликнинг юқори чўққисига эришади. Бутун билими ва руҳиятини қатъий равишда Оллоҳни қалбига сингдиришга, унга интилиш ва яқинлашишга бағишлайди. Мағриб султони саройга хизматга чақирган ва унинг яқинларини ўзининг ҳимоясига олиши тўғрисидаги таклифларини рад этган. Бунинг натижасида у сўфийлар ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўлади, унга хирқа – ўзига хос диплом кийдирилади ва у мустақил ваъз айтиш, хутба ўқиш ҳамда ўзининг ўқувчи-муридларини тарбиялаш ҳуқуқига эга бўлади. 1198 йили Фесда Муҳаммад (С.А.В.) каби етти коинотни четлаб ўтиб, Оллоҳ томон “тунги меърож”ни амалга оширади. Бу ҳақда у бир неча трактатлари, “Макка нозиллари”да ёзиб ўтган. Айнан шу вақтда Муҳаммад (С.А.В.)нинг муқаддас руҳини ўзида ҳис қилганлигини қайд этади, билим ва такомилнинг энг юқори чўққисига эришади, унинг муридлари тобора кўпайиб боради, тасаввуфий қарашлари сўфийлар ва тақводор-руҳоний мусулмонлар орасида кенг тарқалади. Унда ўқиш ва таълим олишни кўп сонли муридлари ўзлари учун фахр деб билдилар. “Донишманд чол” (старец) номини олган Ибн ал-Арабий ўқувчи муридлар учун тасаввуф илмидан қўлланмалар, тўпламлар яратади. Ундан таълим олган сўфийлар уни қаттиққўл ва талабчан маънавий устоз деб таъкидлаганлар. Саёҳатлардан Испанияга қайтган Ибн ал-Арабий, эҳтимол, узил-кесил Шарққа, икки буюк муқаддас зиёратгоҳга – Макка ва Мадинага сафар қилишни кўзлайди. Ўзининг энг яқин ўқувчилари ва хизматкорлари билан Баайни, худди умрбод ажралаётгандек Абдуллоҳ ал-Хабши (ваф. 1221 йил) ҳамроҳлигида андалусиялик ўқитувчилари ва сафдошлари ҳузурига ташриф буюради⁴⁴. 1199 йили яна Она Ватани Мурсияга келади ва тахминан ярим йил сўфийларнинг одатига кўра танҳоликда, узлатда яшайди. Шундан сўнг кўплаб Андалусия шаҳарлари ва қишлоқларига боради, 1200 йилда донишманд мағриб соҳилига етиб боради ва Андалусияни абадий тарк этади. У Алмоҳадлар пойтахти Марокаш шаҳрига келади. Бу ерда “гўзал қуш”, “илоҳий тахт” яқинида парвоз қилиб, унга Шарққа томон бориш вақти етганлигини нозил қилади ва ўзига ҳамроҳ қилиб Фес шаҳрилик Муҳаммад ал-Хассарни олиши лозимлигини айтади. Ҳақиқатан ҳам Фесда шундай номли одам борлиги аниқ бўлади ва уни кўпдан буён кутаётганлиги аён бўлади. Фесдан чиқиб Беджай (Бужа) томон йўл олади ва бу ерда туш кўради, унда Ибн ал-Арабий худди само юлдузлари ва алфавит ҳарфлари билан никоҳ муносабатларига киришаётган эмиш. Маҳаллий фолбин бу тушнинг таъбирини изоҳлаб, бу тушни кўрган инсонга буюк тақдир ҳукм қилинганлигини, қайсики юлдузларда ва ҳарфларда яширинган сирларни

⁴⁴ Ибн ал-Араби. Мекканские откровения. Перевод А.Д. Кныша. Санкт-Петербург, 1995. С.18.

билиш қобилиятига эга, бу унинг замондошларидан ҳеч бирига берилмаган, дейди⁴⁵. Беджайдан Ибн ал-Арабий Тунис томон, ўзининг севимли дўсти ва устози Абд ал-Азиз ал-Махди ҳузурига йўл олади. Унинг ҳузурида сайёҳ 9 ой вақт ўтказди. Айнан шу ерда “атроф-муҳитнинг тасвири” номли китобининг таҳририни яқунлайди.

Ва, ниҳоят, 1201йили ал-Махди билан хайрлашади ва Макка томон ҳаж сафарига йўл олади. Йўл-йўлакай у Қоҳирага келади, бу ерда унинг Андалусиядан келган сўфий дўстлари яшар эди. Бу вақтда Миср даҳшатли очарчиликни бошдан кечирмоқда эди. Шунинг учун Буюк Ўқитувчининг бу ердаги ҳаёти қисқа бўлди ва у саёҳатини давом эттирди. 1202 йилда Поластинга йўл олди ва Ҳеброн шаҳридаги Иброҳим пайғамбар қабрини зиёрат қилди, шундан сўнг ал-Қундуз (Ерусалим)га, бу ердан Мадинага – Муҳаммад (С.А.В.) қабри томон боради⁴⁶. Шу йилнинг ўзида Ибн ал-Арабий ўз саёҳатининг мақсадига эришади – “шаҳарлар онаси” (мусулмонлар бу муқаддас шаҳарни шундай атайдилар) Маккага етиб келади. Бу шаҳарда Ибн ал-Арабий 1204 йилгача яшайди. Буюк олим муқаддас манзилга бутун мусулмон мамлакатларидан ҳаж зиёратига келган олимлар билан учрашади, ўқитади, ўрганади, тафаккур қилади. Мусулмон оламининг маркази, ислом динининг бешиги Макка шаҳри Ибн ал-Арабийга жуда кучли эҳтиросли таъсир қилади. Ҳаётининг бу даври ўзига хос ҳиссиёт, башорат ва кароматлар кўриш билан бой бўлади: гоҳо у бутун борлиқни ўзида ифода этувчи ўсмирни кўради, гоҳо таъқиқланган ишларни назорат қилувчи ва ривоятлар билимдони Абу Шудж ал-Ирфахонийнинг қизи гўзал Низомни шоҳиди бўлади. Қизиғи шундаки, Низом Ибн ал-Арабий учун худди Ҳайй Ибн Яқзоннинг синглиси Беатриче тимсолида кўринади ва кейинчалик уни асарларида жўшқин тарзда куйлайди. Бу образларнинг моҳияти донишманд қалбида илоҳий комилликнинг символик талқини бўлган ва моҳиятан соф, покиза ва гўзал Оллоҳга нисбатан қайноқ муҳаббатни ифодалаган.

Улуғ Шайх Маккада бўлган биринчи даврида “Макка нозиллари” асарини ёзишни бошлаган ва вафотидан бир оз олдин тугаллаган. Шу ерда Ибн ал-Арабий Оллоҳнинг “Менинг қулларимга насиҳат қил”, деган сўзини эшитади. Шундан бошлаб, мураббийлик унинг Оллоҳ олдидаги шахсий мажбурияти эканини сезади. Бу муқаддас вазифани бажариш йўлида Буюк Ўқитувчи кўпроқ талабаларни қамраб олиш, уларни мусулмон қилиш йўлида бутун умри давомида жон куйдиради. 1204 ва 1220 йилларда улуғ Шайх Сурия, Фаластин, Миср, Ироқ, Ҳижоз, Анатолия мамлакатларида бўлади. Шу йиллар давомида элликка яқин асарларини ёзади. Уларнинг кўпчилиги

⁴⁵ Ибн ал-Араби. Мекканские откровения. Перевод А.Д. Кныша. Санкт-Петербург, 1995. С.14.

⁴⁶ Там же, С.19.

трактатлардан иборат бўлиб, асосий қисми “Макка нозиллари” га кирган. Буюк Ўқитувчининг тақдирида ва умуман, Шарқ мусулмон оламида сўфизм томон қатъий бурилиши уни салжуқийлар султони Кайхисрав (вафоти 1212 йили) ва кейинроқ унинг вориси Кайковусларнинг юқори мансабли амалдори Мажидиддин Исоқ Ибн Юсуф ар-Румий билан Маккада учрашувидан кейин юз берган⁴⁷. Мажидиддин ар-Румий Макка ҳаж зиёратига келган бўлади. У Ибн ал-Арабийнинг чуқур билимига қойил қолади ва ўзи билан ҳамроҳ бўлишга, қайтиш вақтида сафарда бирга бўлишга таклиф қилади. Карвон билан анатолиялик зиёратчилар Бағдод ва Мосул шаҳарларида бўлади ва Кони шаҳрига келади. 1205 йилда донишманд бу шаҳарда бўлган вақтида Мажидиддин билан дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланади, у вафот этганидан сўнг Ибн ал-Арабий давридаги удумга кўра, унинг бевасини хотинликка ва ўғли Садриддинни қарамоғига олади. Садриддин ал-Кунавий (вафоти 1224 йил) ўғай отаси Ибн ал-Арабий қарашларини тарғиб қилиш ва амалга оширишда жуда катта хизмат қилган.

Кони шаҳрида бўлган вақтида машхур сўфий Авходиддин Кирмоний билан танишади. Шайх Аҳводиддин Ҳомид Абулфахр Кирмоний (1168-1238 йил) Кирмон вилоятининг Бардаф мавзесида салжуқ подшалари хонадонидида туғилган. Бу зот ҳақида айрим манбаларда “тахт валиаҳди эди”, деб ҳам ёзишади. Ибн ал-Арабий ва Кирмонийларнинг учрашуви тарихда из қолдирган воқеаларга жуда бой бўлган. Кирмоний ўзининг сақлаб олган ўғлини Ибн ал-Арабий тарбиясига беради. Бунинг натижасида сўфизм тарихида буюк ҳодиса рўй беради, Садриддин сиймосида 2 буюк тасаввуф анъаналари Ғарбий ва Шарқий анъаналари ягона бирликка қўшилиб кетди. Буюк Ўқитувчи ва Кирмонийларнинг тариқат йўли кейинчалик ҳам бир неча бор кесишиб, ривожланган. Бу ҳол мусулмон сўфийлари учун маънавий озуқа бериб, тасаввуфий тафаккурини кенг тарқалишига олиб келган. Ибн ал-Арабийнинг Анатолияга келишининг яна бир муҳим сабаби салжуқий султон Кайковус билан қаттиқ дўстлиги бўлган. Кайковус 1212 йилда тахтга ўтирган. Бу буюк шахс ҳақида мусулмон Шарқ адабиётида кўплаб китоблар ёзилган.

XI асрнинг 82-83 йилларида Ғарбий Эрон подшоҳининг невараси Кайковус Ибн Искандар ўз ўғли Гилоншоҳга бағишлаб “Насихатнома” сени яратади ва ўша давр анъанасига кўра, унинг бобоси подшоҳ Шамсулмаолий шарафига “Қобуснома” деб атайди, Кайковус қаламига мансуб “Қобуснома” асари Шарқ халқлари орасида маълум ва машхур. Мўъжаз ривоятлар, ихчам хотиралар, кичик-кичик ҳикоятлар китобни янада жозибали бўлишини

⁴⁷ Ибн ал-Араби. Мекканские откровения. Перевод А.Д. Кныша. Санкт-Петербург, 1995. С. 20.

таъминлайди. Гап бунда эмас, гап Ибн ал-Арабийнинг бу асарга дахлдорлиги устида бормоқда. Масала шундаки, Улуғ Шайхнинг яшаган даври билан “Қобуснома” яратилган давр ўзаро мос тушади, демак, улар ўртасида муайян боғлиқлик мавжуд деган хулоса келиб чиқади. Шунинг учун ҳам бу ҳукмдорга Буюк Ўқитувчининг мактуби йўлланган бўлиб, унда соҳибқирон дўстини христиан фуқароларига нисбатан қатъийлик, ҳатто кескин муносабатда бўлишга даъват этади. Кўринишича, Ибн ал-Арабийнинг христианларга қарши завқ-шавқ билан тўлиб-тошган мактуби сўфий мутафаккирларнинг нафақат христианликка тоқат қилинмаслигидангина эмас, балки ислом тақдирига хавф-хатарнинг тобора кучайиб бораётгани билан боғлиқ эди. Христианларнинг аскарлари Ибн ал-Арабий ватанида ислом лашкарлари зарбидан бирин-кетин мағлубиятга учраётган эди ва салбчилар Андалусия ва кичик Осиёда ярим асрдан ортиқ вақтда ҳукмронлик қилмоқда, салб юришлари борган сари авж олиб бораётган эди. Кони шаҳридан Ибн ал-Арабий яна узоқ сафарларга отланади: у Сурия, Фаластин, Қоҳира, Бағдод шаҳарлари ва қишлоқларида бўлади ва яна Маккага келади, бу ерда яъни афсонавий гўзал Низом (1214-1215 йил) ни шарафловчи шеърлар ёзади. Қизиғи шундаки, бу шеърят художўй ақидапарастлар томонидан ҳиссий ва очикдан-очик севги лирикаси сифатида талқин этилади, яъни аниқ аёлга нисбатан ёзилган деб баҳоланади. Шунинг учун Ибн ал-Арабий 1215 йилда ўз шеърятининг ортида мажозий изоҳлар ва образлар борлигини кўрсатиб ёзишга мажбур бўлади. 1216-1218 йилларда Ибн ал-Арабий Кичик Осиёда яшайди ва Малатдаги хонадонидан бевосита Оллоҳ топшириғига жавобан ёзилган таълимотини, асосий асарларини ёзиб тугатади. Бу ерда унинг ўғли Саъд ад-Дин туғилади, у кейинчалик машҳур шоир бўлиб етишади. Кейин Ибн ал-Арабий беш йил Сурияда яшайди. Халаб шаҳрини ёқтиради, бу ерга ташрифи Ибн ал-Арабий ижодида унчалик аҳамиятга эга бўлмаса-да, кексалик пайтида барча диний қарашларини умумлаштириш ва китоб ҳолига келтириш учун қулай бўлган. Кексалик асоратларини ҳис қилган Ибн ал-Арабий Дамашқ шаҳрида муқим қолишга қарор қилади. Маълумотларга қараганда, у 1222-1223 йиллардан бошлаб, Суриядан ташқарига чиқмаган. Дамашқда унга диний арбоблар бошлиғи Бону Закий ҳомийлик қилади. Унга 30 дирҳам миқдорда нафақа тайинлайди. Бу Ибн ал-Арабийга қўл келади, чунки бу вақтга келиб, катта оилага, камида 2 та хотинга, икки ўғил, номаълум сондаги қизлар ва невараларга эга эди. Бундан ташқари, ўнлаб толиблар ҳам унинг қарамоғида бўлган⁴⁸. 1229 йилда улуғ устозга пайғамбарнинг ўзидан “донишмандлик” тўғрисида топшириқ

⁴⁸ Хамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Т.: “Шарқ”, 2004. 22-бет.

келади. Ибн ал-Арабийнинг энг оммалашган асарлари шу тарзда дунёга келади. Бу асарлар мазмунга ва ғояларга бойлиги билан замондошлари ва келажак авлодда катта таассурот ва қизиқиш уйғотади. Шунинг учун ҳам тасаввуф ҳақида маълумотга эга бўлган такводор ёки сўфийлар бу асар ҳақида билганлар.

Албатта, диний дунёқарашлар хилма-хил бўлган ва Ибн ал-Арабийнинг асарлари ҳам текис, курашсиз тарзда дин пешволари томонидан осон қабул қилинмаган. Бу асар мусулмон цивилизацияси тарихида шиддатли тортишувларга сабаб бўлди. Унга кўплаб шарҳлар ёзилган. Шунини таъкидлаш керакки, яқин вақтларга қадар сўфизм ижоди ва мероси билан шуғулланувчи Ғарб шақшуносларининг энг маҳсулдор объекти бўлиб келинган. Чунки унинг таълимотида дин ва эътиқоднинг моҳияти ғоя, ўткир зеҳн ва заковат билан очиқ берилган, уларнинг чуқур ички моҳияти лўнда ва аниқ таҳлил қилинган.

“Гемма” ёзилгандан бир-икки йил кейин Ибн ал-Арабий ўзининг йирик асари “Макка нозиллари” асарини якунлайди, у жуда катта кўп томли асар бўлиб, Ибн ал-Арабийнинг сон-саноксиз дунёқараши, диний ғоялари баёнига бағишланган. Ушбу асарда унинг мистик-илоҳий ҳиссиёти, қарашлари, ўзининг узоқ давом этган сафарларида Оллоҳни ва ўзини-ўзи билиш йўлида тўплаган билимлари умумлаштирилган. У ҳаётининг охириги йилларини иш устида ўтказган. У ёзар ва қайта кўчириб ёзар, дарс берар, асарларини мустақил ўқитиш учун рухсат берар эди.

Тасаввуф илмининг асосчиларидан бири буюк ўқитувчи Ибн ал-Арабий 1240 йил 8 ноябрда қариндош-уруғлари, дўстлари, яқинлари даврасида вафот этади. У Дамашқ яқинидаги шаҳарчалардан бири ас-Салихийга дафн этилган. Усманийлар империяси даврида унинг қабри устига маҳобатли мақбара қурилган. Ҳозиргача буюк устознинг ҳурмати бажо келтириб, руҳини шод этиб унинг мухлислари Шарқ ва Ғарб мамлакатларидан зиёратга келадилар.

Такрорлаш учун саволлар:

- 1. Буюк мутасаввиф, аллома Ибн ал-Арабий Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Муҳийиддин қачон ва қаерда тугилган?*
- 2. Ибн ал-Арабийнинг фалсафий қарашларини баҳолашга, унга тизим беришга ҳаракат қилганлар олимлардан кимларни биласиз?*
- 3. Ибн ал-Арабийнинг фалсафий дунёқарашида борлиқ тушунчаси қандай талқин этилади?*
- 4. Ибн ал-Арабийнинг буюк маънавият эгаси бўлиб етишида кимларнинг ҳиссалари бор деб ҳисоблайсиз?*

5. *Ибн ал-Арабий “Муқаддас рух” асарида нималарни ёзган?*
6. *Ибн ал-Арабийнинг қандай асарларини биласиз?*
7. *Ибн ал-Арабий қачон вафот этган ва қаерга дафн қилинган?*





Ибн ал-Арабийнинг сақланиб қолган асл қўлёзмалари
“Футуҳот ал-Маккийя” асаридан.

V боб. Ибн ал-Арабий тасаввуфий таълимотининг теологик моҳияти ва асосий қоидалари

Улуғ шайх Ибн ал-Арабий қаламига мансуб шеърлар, бадиий асарлар миқдори жуда катта. Мисрлик тадқиқотчи Усмон Юсхий буюк олимнинг 800 дан ортиқ асарларини санаб ўтади. Фикримизча, бу ҳаддан ошириб юбориш бўлса керак. Ибн ал-Арабийнинг ўзи тузиб чиққан рўйхатиغا кўра, улар 290-300 номдан иборат⁴⁹. Бу, албатта, ҳақиқатга анча яқин туради. Шуни таъкидлаш лозимки, муаллифнинг шоҳ асарлари: “Донишмандлик тамал тоши” (Гемма Мудростей), “Макка нозиллари (ҳиссиётлари)” кабилар ҳам юқоридаги рақамлар доирасида бўлса керак. Аммо, юқоридаги фундаментал асарларда келтирилган исмлар, воқеалар, илоҳий тафаккурга оид фикр-мулоҳазалар, назария ва исломий қоидаларни шарҳлаш учун инсон ҳаёти етарли бўлмайди. Улар шунчалик бой ва мураккаб, хилма-хил ва мураккаб, кўлами беқиёс кенг ва ўзаро боғлиқликдаки, уларни изоҳлаш, тушунтириш ва баён этиш кўплаб асарлар тузишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам буюк мураббий Ибн ал-Арабийнинг илмий, диний-тасаввуфий меросини ўрганувчи ва тадқиқ этувчи мутахассис олимлар “Макка нозиллари” (қадрияти) асарини бир неча трактатларини, яъни бобларини тадқиқот учун ажратиб олиб, шу билан кифояланадилар. Шу маънода қараганда ишда буюк мутафаккирнинг тасаввуф илмига оид фикрлари қисман баён этилади.

Муаллифнинг тасаввуфий таълимотининг бош йўналиши, ҳозирги фан тили билан изоҳлаганда антропология (инсонларнинг табиий тузилиши, табиий тузилиш тарихи) фанига яқин деб аташ мумкин. Аммо Ибн ал-Арабий талқинида бу табиий жараён илоҳият руҳида талқин этилади ва бошдан оёқ илоҳий рух сифатида баён этилади.

Бу ғояга кўра оламнинг барпо этилишининг асосий сабаби бу – инсон. Бу ғоя барча сўфийлар фикри ва руҳининг манбаи бўлиб келган. Буюк шайх Ибн ал-Арабий ҳам ушбу ғояга содиқ қолган ҳолда инсон ва унинг охириги мақсади коинот яратилишининг бош йўналиши, бўлган деган ғояни исботлашга интилади. Яъни, ҳозирги фан билан тушунганда Оллоҳ ва коинот антроформ тарзида, яъни Оллоҳ – худони одам шаклида намоён бўлишидан иборат, инсон бир вақтнинг ўзида Оллоҳга ва яратилган оламга ўхшайди, демак, инсон томонидан ўз-ўзини англаш жараёнида Оллоҳ ва коинотни билиб олиши мумкин, деган сўфизм таълимотини илгари суради.

Ўзининг “Муҳитни тасаввур этиш” номли асарида Ибн ал-Арабий мусулмон (умуман барча динларда бўлган каби) илоҳиётшунослигининг

⁴⁹ Ибн ал-Араби. Мекканские откровения. Перевод А.Д. Кныша. Санкт-Петербург, 1995. С. 24.

ақлий (мантикий) ва моддий оламнинг ўзаро муносабати масаласига жиддий тўхталади. Рухий ва моддий дунёнинг ўзаро муносабати масаласи Ўрта асрларда фалсафий тафаккурнинг қизғин мавзусига айланган эди. Ушбу масала юзасидан номиналистлар ва реалистлар ўртасида ғоявий кураш борар эди. Ибн ал-Арабий реалистлар томонида бўлиб, “нарсалар азал-бошдан Оллоҳ руҳи илмида мавжуд бўлган ва реал моҳият сифатида юзага чиққан“ деган фикрни тарафдори бўлган. Худонинг хоҳиши ва иродаси билан ақлий (сукут) ва воқеий ҳолатига ўтказилган ва асрлар давомида ўз хусусиятига эга бўлиб борган⁵⁰. Ушбу фикрлардан аён бўладикки, коинот азалдан Худо, илоҳий билим доирасида макон-у воқеликда намоён бўлган. Гарчи олам Оллоҳ, одам ҳақидаги қадимги Греklar ва христиан динида илгари сурилган ғоялар билан ўхшаш бўлса-да, Ибн ал-Арабий бу масалани “Муҳаммад моҳияти”, “Моҳиятларнинг моҳияти“, яъни “Ғояларнинг ғояси”, “Учинчи нарса”, “Буринги асос (субстансия)” каби тушунчалар воситасида ўз фикрини асослайди. Айрим ҳолатларда буюк шайх тўғридан тўғри “Оллоҳ сўзи” (каломи) иборасини қўллайди ва исломий мазмунни кучайтиради.

Хусусан, ўрта асрларда яшаб ижод қилган христиан ва мусулмон мутафаккирларини моҳиятан бир хил бўлган битта масала Оллоҳ ва Олам, Олам ва Одам ўртасидаги муносабат тўлқинлантириб келган. Шунингдек, Ибн ал-Арабий ҳам бу универсал муаммони ечишга ҳаракат қилади ва яратувчининг моҳиятини ифодалашга ва таҳлил қилишга киришади. Буюк устоз борлиқни “Учинчи нарса“ деб номлайди. Бу тушунча мусулмон илоҳиёти таълимотидан бирмунча фарқ қилади:

- а) нарса ўзида яшовчи, яъни ўз борлиғида ўзига етарли бўлган борлиқ;
- б) ўзида ўзи яшовчи борлиқ ўзидан ташқаридаги кучга эҳтиёжманд эканлиги, яъни Оллоҳга эҳтиёжи.

Бу тушунчанинг бир қисмига ўз-ўзи билан яшовчи борлиқ, демак нарса ўзида илоҳий абсолют (мутлоқлик)нинг ўзи. Иккинчи қисмига барча яратилган борлиқ киради, ўзини мавжудлигини таъминлашга эҳтиёж. Мавжуд бўлган нарса ўзида, демак Оллоҳга эҳтиёж, зарурият. Ибн ал-Арабийнинг бу қарашлари бир жиҳатдан Платоннинг мутлоқ ғоясига яқин келса, иккинчи жиҳатдан биринчи материяни ифодаласа, учинчи жиҳатдан илоҳий (айни бир вақтда инсоний) онг сифатида характерланади.

Эътиборлиси шундаки, мумтоз муаллим анча мураккаб ва қабул қилиш учун анча қийин бўлган юқоридаги фикрларини жадваллар ва чизмалар ёрдамида изоҳлашга ҳаракат қилади. Унинг фалсафий-мантикий усули метафизик – абстракт мантикий мулоқотдан сездирмаган ҳолда илоҳиётга

⁵⁰ Ибн ал-Араби. Мекканские откровения. Перевод А.Д. Кныша. Санкт-Петербург, 1995. С. 25.

ўтиш, шундан сўнг мифалогик шеърятга ўтади. Унинг кўплаб шеърлари айнан ана шу ҳодисани ажойиб мазмунда ифодалайди. Ибн ал-Арабийнинг пантеистик йўли худди шу ерда материяни метафизик тарзда тушуниш ва Оллоҳ яратувчи эканини эътироф этишда намоён бўлади. Бу жиҳатдан унинг “Атроф моҳиятининг тасаввури” номли асарида баён этилган фалсафий фикр-мулоҳазалари муҳим аҳамиятга эга. Бу асарда яратилган олам моҳияти ривоятлар ёрдамида тушунтирилади. Унинг ривоятига кўра, инсонни асровчи фаришталар ўзларига ишониб топширилган калит ёрдамида очиши мумкин бўлган эшикни излайди ва олам жумбоқларини ечишга уринади.

Худонинг азалий ва абсолют борлиғи онгдан ташқарида мавжудлиги, нариги дунё ва унинг айни моҳиятидан келиб чиқадиган илоҳоёт ғояларини турли хил ҳикоя ва ривоятлар ёрдамида баён қилади⁵¹. Демак, уларни шайх Ибн ал-Арабий таълимотида устувор йўналиш саналган Оллоҳ, Олам ва Инсоннинг бирлиги, ягона субстансияга, мутлоқ худога асосланганлиги тўғрисидаги ғоялар ташкил этади. Оллоҳнинг оламга олдин, трансидация тарзда вужудга келганлигини ҳеч қандай тажриба-синовсиз қабул қилиш тасаввуф таълимотининг асосини ташкил қилади. Бу ғоя Ибн ал-Арабий томонидан мусулмон илоҳиётида яхши ишлаб чиқилган “Илоҳий исмлар” доктринасини қўллаш орқали исботланади.

Муқаддас номлар ягона Оллоҳнинг моҳиятини намоён этиш, икки қарама-қарши томонларнинг (кун ва тун, ёруғ ва қоронғу дунё, жаннат ва дўзах ва б.) ўртасида воситачи ролини ўйнайди. Улар, яъни юқоридаги тушунчалар ёрдамида у яратилган оламни моҳиятан бирлиги ва кўп томонли эканлигини исботлайди. Ана шу асосий ғояни баён қилиш давомида илоҳиёт фанининг муҳим ҳаётий масалаларини ҳал қилишга интилади: сабаб-оқибатлар, оқибатларининг роли, яратилган коинотни такомилга эришганлигини исботлаш, инсон иродаси эркинлиги ва Оллоҳ томонидан тақдирни белгилаш ўртасидаги нисбий муносабат масаласини талқин этиш шулар жумласидандир. Шунга ўхшаш мавзулар кейинги асарларида ҳам, жумладан, унинг “Тайёрланмоққа чиқиш учун йўллар” номли асарида ўртага қўйилган ва ўз ечимини топган. Бу асарнинг асосига – инсоннинг Оллоҳга ўхшашлиги тўғрисидаги тезис қўйилган, Худони коинотга, инсонни коинотга тааллуқли экани ва бошқа диний-илоҳий муаммолар ечиб берилган. Ибн ал-Арабий таълимотига кўра, инсон борлиқни яратилишининг сабаби ва охириги мақсадидир, деган фикрни илгари сурган ҳолда Оллоҳ томонидан олдиндан ўйлаб қўйилган яратилишнинг амалга ошиши босқичларини бошидан охиригача кузатиб боришга жазм қилади. Ушбу олдиндан ўйланилган

⁵¹ Ибн ал-Араби. Мекканские откровения. Перевод А.Д. Кныша. Санкт-Петербург, 1995. С. 7.

фикрнинг моҳиятини очиб бериш учун мусулмон неоплатончилар, хусусан, “Мусаффо кадрдонлар”нинг қарашларига ўхшаб оламни кенг космогон ҳаритасини чизади: Азалий илоҳий мутлоқлик – Биринчи ақл – Илоҳий Рух – биринчи материя – Умумий жисм (вужуд) – бутун оламни тасарруфига олувчи осмон гумбази яратилган оламни ташкил этади ва унинг моҳиятини билдиради⁵². Ушбу космогоник ҳаритани моҳият-мазмунини тушуниб олиш учун абстракт-метафизик тасаввурлардан афсонавий қарашларга томон жадвални таклиф этади.

Ибн ал-Арабийнинг олам ҳақидаги тахмини ва ҳаёллари, айниқса, космогония тўғрисидаги қарашларида турли даражадаги фаришталар ва даҳолар муҳим ўрин эгаллайди. Улар коинотда “ҳаётий кучлар” бўлиб уни бошқаради. Худди шу тарзда бир қатор ўхшаш илоҳий номлар келтирилади, улар асосан, Қуръони Карим сура ва оятларидан олинган. Шунингдек, унинг “Биринчи ақл” асарини тадқиқотчилар Қуръондаги “Пир”, “Умумий рух” каби илоҳий тушунчалар билан ойдинлаштиради. Амалда, Ибн ал-Арабий ўзининг барча диний ва астрологик назарияларини Қуръони Карим ва ҳадислардан келтирилган далиллар билан мустаҳкамлаб боради. Бу ҳол улуғ шайхнинг Қуръон ва илоҳий нақлларни ўзига хос тарзда талқин этишини билдиради, уларда Оллоҳ томонидан киритилган барча маъно-моҳиятни очиб беришни кўзда тутди. Улуғ устознинг фикрича, Қуръон ва ўта нисбатан озроқ даражада бўлса-да афсона, нақл, ривоятлар, Оллоҳнинг нутқи, сўзи сифатида ҳақиқатни сўзларда қотиб қолган ифодаси, илоҳий билимлардан инсон тушунчасига олиб ташланганидир. Фақат ана шу ҳақиқатни тўла равишда англасагина инсон нарсаларнинг моҳиятига кириши ва кўринадиган ҳодисалардан узоқлашиши, руҳий қалб кўзлари билан кўриши мумкин. Аммо, бу авлиёлик нозил қилинган инсонгагина берилади.

Умуман, Ибн ал-Арабий асарларидаги илоҳий моҳият ва ҳисобсиз ҳақиқатлар ўртасидиги руҳ ва материя, бирламчи асос ва унинг унча муҳим бўлмаган хусусиятлари борлиқнинг турли даражалари ўртасидаги муносабатлар, яратилган оламни яшаши ва ҳаракатининг роли тўғрисидаги ғоялар акс этирилган. Коинотнинг яратилиши ва борлиғи координатасини афсонавий эмас, тўла воқелик тарзида тасвирлаши, у нафақат субъектив онг, балки объектив воқелик ва улар Ибн ал-Арабий ҳаёлотида доимо кўриниши тўғрисидаги фикрлар хайратга солади. Бу ўринда улуғ шайхнинг ҳаёлот, тасаввур тўғрисидаги фикрлари яна ҳам муҳим. Унинг улуғ тасаввури ҳиссий идрок этиш каби воқедир. Оллоҳ ва Пайғамбар ато этган олий руҳ, онг ва идрок этган кишигина атроф-муҳит, моддий дунёдан воз кечиши, қутилиши

⁵² Ибн ал-Араби. Мекканские откровения. Перевод А.Д. Кныша. Санкт-Петербург, 1995. С. 27.

мумкин. Тасаввур соҳасида рухий-маънавий моҳият, ҳиссиёт кўриниш моҳиятини олади, моддий нарсалар эса аксинча илоҳийлик касб этади.

Мазкур ишнинг юқоридаги фаслларида Улуғ Шайх Ибн ал-Арабийнинг тасаввуфий қарашлари тўғрисида, унинг антологик (борлик) моҳияти, асосий йўналишлари кўриб ўтилди. Унда асосий ғоя Оллоҳ, Одам, Олам бирлиги тасаввуф илмининг тамал тоши эканлиги баён этилди. Онтология борлик ҳақидаги таълимот: Ибн ал-Арабий уни ягона ҳақиқат, ягоналик, Илоҳий Рух, Мутлоқ борлик ва бошқа номлар билан таҳлил этиб тушунтириб берган. Шу билан бирга, ана шу Абсолют (мутлоқ) ҳақиқатнинг моҳиятини англаш ва билиш тўғрисидаги фалсафий қарашларни яратган. Буюк муаллимнинг таълимоти илоҳий мистик асосларга қурилган. Гносеологик таълимоти ҳам шу руҳда илоҳийлик назарияси заминида баён этилган. Юқорида айтилганидек, тасаввуф худди ҳиссий сезиш каби мавжуд реаллик. Шу туфайли рухий борлик, моҳият ҳақиқатдан кўриниш тусини олади, аксинча, сезиш, моддий нарсалар илоҳийлашади. Айнан шу ерда яратилган коинотнинг, ҳақиқатнинг моҳияти аниқ бўлади. Ғайритабиий қудратларни ақлга ва қудратли ҳиссиётга, уларни кўриш қобилиятига эга бўлган одам учун тасаввур бир вақтнинг ўзида объект ҳамда воситадир, деб ҳисоблайди Ибн ал-Арабий, зеро фақат шу ерда “ижодий” мистик (илоҳиётчи)нинг оддий одамлардан яширинган сирлари намоён бўлади. Тасаввур орқали Буюк Шайх ўзининг метафизик қарашларининг тасдиғини ҳамда Пайғамбар ва унинг издошларига олиб чиқувчи нақлларни аслига тўғри эканлигини кўради. Донишманднинг фикрича, инсон ана шу қобилияти туфайли дунё лаззатларидан, моддий бойликлардан, нафс балосидан холос бўлиши, дунёдаги барча кўплик ва ранг-баранг хилма-хилликдан воз кечиши мумкин бўлса-да, улар ортида кўринмай қолаётган ҳар нарсадан хабардор ягона (бирлик)ни Оллоҳни англаб олиши мумкин. Шунинг учун Улуғ Муаллимнинг бутун ҳаётини йўлида ҳиссиёт ва тасаввур қилинадиган ҳодисалар, илоҳий кўринишлар ҳамроҳ бўлиб борган⁵³. Бунда улар Улуғ Шайхни бирданига ўзгартириб юбориш қобилиятига эга бўлган, бундай воқеалар тўғрисида муаллиф кўплаб мисоллар келтирган.

Юқорида қайд этилганидек, Ибн ал-Арабийнинг онтологик тушунчалари билан бир қаторда унинг гносеологик (билиш ҳақидаги фан) қарашлари ҳам узвий боғлиқликда ривожланиб боради. Тасаввур воситасида атрофдаги оламни билиш натижасида инсон коинот илоҳий таассурот ва таълимот эканлигини билиб олади. Илоҳий ҳодиса худди коинот экранидаги каби макон ва замонда ўз тасвирини кўради, уларнинг аниқ ҳамда ҳиссий

⁵³ Ибн ал-Араби. Мекканские откровения. Перевод А.Д. Кныша. Санкт-Петербург, 1995. С. 29.

эришиш мумкин бўлган образлари ва шакллари ҳақида тасаввурга эга бўлади. Бошқача сўзлар билан айтганда, дунё, олам Худонинг ўзини-ўзи англаши ҳақидаги тасаввурларидир. Маълумки, билиш назарияси борлиқни, дунёни билиш, уни англаш, аниқлигини, манбаи, шакллари тўғрисидаги қадимий тарихга эга фалсафий фан бўлиб, Ибн ал-Арабийнинг диний-фалсафий таълимотида ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Абсолют (Худо), Қуръони Каримда ёзилишича, дунё, олам ва унинг яшовчилари учун муҳтожлик сезмаган коинотни нима учун яратишни ният қилган, деган саволга Ибн ал-Арабийнинг китобларида гарчи пардаланган тарзда бўлса-да жавоб мавжуд. Улуғ Шайхнинг фикрича, бу – Худо (абсолют мутлоқнинг) ўзини-ўзи англаш, билишга интилишининг ва Ўзида эмас, қандайдир бошқа ҳодисада кўринишнинг маҳсулидир⁵⁴.

Китобда ёзилишича, бу интилиш Оллоҳнинг ўзини-ўзига севгиси, муҳаббатидир, демак – Уни бошқача, ўзгача борлиқ, шакллари, образлари ва ҳодисаларда, ўзи яратган оламда кўришга нисбатан ошуфталигидир. Ушбу ўринда Оллоҳни илоҳий билиш билан моддий шаклда ҳис қилиш назарияси ифодаланган. Оллоҳ ўзи яратган оламга, жумладан, инсонга нисбатан меҳр-муҳаббат билан боқади. (Қуръони Каримда бу масалага кўплаб оятлар бағишланган). Шу муносабат билан Ибн ал-Арабий муҳаббати турли кўриниш-турларини таҳлил қилиб, шундай хулосага келади: уларнинг барчаси охир-оқибатда яратган билан маҳлуқ, жониворлар ўртасидаги муҳаббатга олиб келади, деб ҳисоблайди. Бунинг устига, инсондагина Оллоҳга бўлган муҳаббат англанилган садо, чақириқ сифатида юз беради, чунки бошқа жонзотларда уни англаш кўр-кўрона рўй беради, “табиий” муҳаббат тарзида намоён бўлади. Шу ерда алломанинг Оллоҳ инсонни барча мавжудод ва жонзотлардан аввал, мукаррам қилиб яратилганлиги тўғрисидаги Қуръони Карим ояти ифодаланади. Тасаввуф таълимотида инсон оламини, табиатни, ўзини қалб кўзи билан кўради, “кўзингни юм, кўзга айлансин кўнгил” деган нақл ҳамма вақт жўшиб туради. Ибн ал-Арабий учун ҳам билишнинг воситаси ақл эмас, балки сўфийнинг қалби (юраги), унда илоҳий воқеалар турли-туман тарзда тажаллий, яъни илоҳий нур тарзида намоён бўлади. Агар инсонда севги, муҳаббат чинакам бўлса, инсоннинг шахсини инкор этади, чунки унинг борлигини (фано) Оллоҳ борлиги (бақо)га қўшиб юборади. Улуғ Шайхнинг бу дунёқарашида: “севги коинот борлигининг сабаби ва ҳаракатлантирувчи кучи; агар у бўлмаганда, ҳеч нарса бўлмасди, деган диний-фалсафий тушунча илгари сурилади. Ушбу фикрни Шайх ул-Ақбар шеърида ғоят баркамол тарзда ифода этади:

⁵⁴ Ибн ал-Араби. Мекканские откровения. Перевод А.Д. Кныша. Санкт-Петербург, 1995. С. 30.

Олов ўртасида боз, оҳ бу мўъжиза (илоҳий ҳодиса)

Менинг юрагим севгида ёнди.

*Севги менинг дилим ва менинг эътиқодим*⁵⁵, деб ёзади мутафаккир шоир.

Гносеологик нуқтаи назардан қаралганда, Ибн ал-Арабий Оллоҳ моҳиятини англаш масаласига жуда эҳтиёткорона ва чуқур билим билан ёндашиши зарур эканлигини доимо уқтириб боради ва унинг меросини ўрганишга киришиш ҳам тадқиқотчидан одоб, хушмуомалаликни ва эҳтиёткорона ёндашишни талаб қилади. Унинг илоҳий маъноларда ёзган матнларини жўртага кўп маънили ва мантиқан мавҳум томонларини тушунмасдан унинг кучоғига тушиб, замон “хоҳиши”га монанд тарзда шарҳлаш мумкин эмас. Ҳақиқатан ҳам мусулмон Шарқи ва Ғарб христианлигида Муҳийиддин Ибн ал-Арабийнинг буюк меросини эркин шарҳловчилар жуда кўп. Албатта, бу шайх Акбар ал-Арабийнинг диний-исломий, диний-фалсафий, чуқур тасаввуфий мероси масъулиятининг бениҳоя бой, кўп қиррали эканлигидан далолат беради. Аммо унинг фалсафий дунёқараши гносеологик илдизларини ёритиш учун бунинг ўзи кифоя қилмайди. Буюк Муаллимнинг диний, илмий, тасаввуфий ғоя-назариялари ўзаро қоришиб кетганки, уларнинг ҳар бирини бирликда шарҳлаш талаб этилади.

Такрорлаш учун саволлар:

- 1. Ибн ал-Арабий талқинида инсоннинг табиий тузилиши қандай талқин этилади?*
- 2. Ибн ал-Арабий қандай сўфистик таълимотни илгари суради?*
- 3. Руҳий ва моддий дунёнинг ўзаро муносабати масаласи Ўрта асрларда фалсафий тафаккурнинг қизгин мавзусига айланган бўлиб, ушбу масала юзасидан кимлар ўртасида ғоявий кураш борар эди?*
- 4. “Муҳитни тасаввур этиши” номли асарида Ибн ал-Арабий қандай масалага тўхталиб ўтади?*
- 5. Ўрта асрларда яшаб ижод қилган христиан ва мусулмон мутафаккирларини моҳиятан бир хил бўлган қандай масала тўлқинлантириб келган?*
- 6. Ибн ал-Арабийнинг қайси асарида яратилган олам моҳияти ривоятлар ёрдамида тушунтирилади?*

⁵⁵ Ибн ал-Араби. Мекканские откровения. Перевод А.Д. Кныша. Санкт-Петербург, 1995. С. 31.

VI боб. Ибн ал-Арабий меросида теологик шакл ва дунёқарашнинг диний тасаввуфий ҳамда илмий – фалсафий хусусиятлари

Ибн ал-Арабий 1201 йилдан Маккада яшаб, шу ерда уни дунёга машҳур қилган шеърӣ-фалсафӣ тўпламини ва сўфӣйлик билимларининг кўп томли (жилдли) асарлар тўпламини ёзишга киришади.

1204 йилда яна саёҳатга чиқади ва кўплаб Шарқ шаҳарларида бўлади. Унинг ғояларида Абу Ҳомид Ғаззолий ва Шаҳобиддин Сухреварди каби ислом фалсафасининг йирик намояндаларининг таъсири сезилиб туради. Мутафаккир сўфӣйлик руҳида фикрлаб, Оллоҳ илоҳӣй эсга олиш асосида билиб олинади, бунда ҳиссиёт ақлий билимлардан устун туради. Ҳамма нарсада Худо ақли (онги) да ғоя тарзида туради, ундан вужудга келади ва яна аслига қайтади. Олам фақат ташқи кўриниш холос, Худо эса борлиқнинг ички томони, моҳияти, у бирор-бир йўлдошга эга эмас, ягона ва танҳо. Унинг таълимотига Шарқона теософия (илоҳӣйшунослик), мусулмон метафизикаси, калом ҳадисда исмоилийлар доктринаси омухта бўлиб қўшилиб кетган. Тасаввуфчи назоратчи сифатида нарса (Оллоҳни ҳам) билишда интуитив – ички ҳис ва Оллоҳ ато этган билимни ақлий билишдан юқори деган ғояни илгари сурган.

Ибн ал-Арабийнинг илмий-фалсафӣй ва тасаввуфӣй таълимоти ҳозирги адабиётларда рисола ва мақолаларда шарҳ этилганидан келиб чиқиб, асосан қуйидаги масалаларга бағишланган дейиш мумкин: барча нарсаларнинг асл моҳияти Оллоҳдир; Оллоҳдан ташқари ҳеч қандай мавжудод йўқ; барча нарсаларнинг асосий замири, негизи, субстансияси ягонадир, шунинг учун, оламнинг ҳар қандай қисми, зарраси шу яхлит олам кабидир. Айни шу муносабат билан Ибн ал-Арабий дунёвий воқеликка ўз муносабатини билдиради. Фақат шу оламнинг илоҳӣй субстансиясигина унинг бирлигини ҳақиқӣй воқеликни намоён қилади, ташқи эмпирик борлиқ эса мавҳумдир, аслида бу бир саробдир. Инсоният хусусий мавжудликда кўпчилик бўлса ҳам, ўз негизида (субстансиясида)дир, ягона яхлит⁵⁶.

Ибн ал-Арабий Қуръони Каримни маъно ва мазмунини ғоят теран изоҳлайди, у оддий қироат қилиш оятларни қуруқ ёдлаш тарбиялашгина эмас, дейди мутафаккир. “Қуръон соҳилсиз бир денгиздир, Қуръон денгизи чуқурдир”. Бинобарин, бу катта денгизда сузиш беҳад катта тайёргарликни фақат зоҳирӣй эмас, ботинӣй илмларни ҳам пухта эгаллашни талаб қилади. Шайхи Акбар бир ўринда Оллоҳ тўғрисида мулоҳаза юритиб, яратган олами хилма-хил эканлигини таъкидлаб шундай деб ёзган: “Ё Оллоҳ” араблар,

⁵⁶ Иброҳим Ҳаққул. Улуғ Шайх. “Тафаккур” журнали №1, 2000. 97-бет.

эронликлар “Эй худой” десалар, Румлар унга “Эй Сиё” деб мурожат қилади. Арманилар “Эй Асфож” дерлар. Турклар унга “Эй Тангри”, Франклар “Эй Критур” дея мурожат қилур. Ҳабашлар эса “Эй Воох” демишлар. Зеро, бу лафзларнинг барчаси ягона бир маъно учун хилма-хиллик касб этишдир”⁵⁷. Улуғ Шайх фалсафасига кўра, инсонинг кўнгли ана шу улуғ ягона маъно атрофида бирлашиши, бирлик ҳамфикрликка зид ҳеч бир кайфият ёки ақидага ён берилмаслиги керак. Ўзининг “Футуҳот” номли асарида “Оллоҳдан белги ва амр” олгани унга одамларга насиҳат ва таблиғ вазифаси юклатилгани шунингдек, оят қилгани хусусида сўзлаган. Ул зот диннинг меърожи тўғрисида ҳам атрофлича маълумот берган. Айни шулар пайғамбарлик даъвосини илгари суришда айбланишига асос бўлган. Аслида Шайх Акбар Нуббуват ва Рисолатдан сўзлар экан Ҳазрати Муҳаммаддан кейин пайғамбар пайдо бўлмаслигини қайта ва қайта таъкидлаган. “...Оллоҳнинг расулидан сўнг “Нуббуват мутлақ ўлароқ ман этилмишдир. Рисола ҳам худди шундай...”. Ёки: ... Ҳазрати Муҳаммаддан сўнгра шарият пайғамбарлигини даъво айлаган кимса мутлақ ёлғон демиш ва кофир бўлмишдир”. Бас шундай экан улуғ Шайх Арабий асосиз танқид ва таҳқирлашга қарши “Мен асло пайғамбар эмасман...” дейишига мажбурият сезишининг боиси нима эди? Гап шундаки тадқиқотчи олим Иброҳим Ҳаққулнинг таъкидлашича Ибн ал-Арабий ўз асарларида Пайғамбарликка даво қилмаган балки, пайғамбарликни нозил бўлиши ҳақида ёзган. Бу ҳақида профессор Н.Какликнинг ёзишича, Ибн ал-Арабий тушунчасида шарият (яъни, ислом дини) пайғамбарлиги ва пайғамбарлик мақоми бошқа. Пайғамбарлик эшиги беркитилган, аммо пайғамбарлик мақоми очик. Бу мақом ҳеч бўлмаганда бир “ворис” ўлароқ пайғамбарга эргашувчилар қиёфасида давом топади. Ибн ал-Арабийнинг асл мақсади ғояси “Ҳазрати Пайғамбарга ворис эканини айтиш, Оллоҳнинг Расули белгилаган йўлдан борувчиларга раҳбарлик қилиш орзусини амалга ошириш эди”⁵⁸. Айнан шу маънода Шайх Арабийнинг қуйидаги сўзлари ғоятда муҳимдир. “Билки, Оллоҳ Ҳазрати Одамдан Ҳазрати Муҳаммадгача яшаб ўтган расул ва набийларнинг айни собита оламидаги суратларини менга кўрсатди. Бу ҳодиса 1190 йилда Куртубода яшаган пайтларимда содир бўлади. Бу расул ва набийлар орасида Ҳуд алайҳиссалом мен билан суҳбатлашди. У менга йиғилишларининг сабабларини англатди. Мен уни пайғамбарлар орасида йирик жуссали, гўзал чехрали, ширин тилли энг нозик масалаларни билувчи ва кашф эта олувчи бир зот ўлароқ кўрдим”. Ўз даврларида ҳам бу гапларни инкор айлаган ва ёлғонга чиқаришга уринганлар кўп бўлган. Аммо ҳақиқат

⁵⁷ Иброҳим Ҳаққул. Улуғ Шайх. “Тафаккур” журнали №1, 2000. 97-бет.

⁵⁸ Каклик Н. Муҳийиддин Арабийнинг асарлари ва манбалари. Истанбул, 1974. 114-117-бетлар.

ёлгон ва бўхтонга ҳисоб бермаслиги, жаҳолат маърифат сирларини идрок этишга сира қодир эмаслигини билгани боис Ибн ал-Арабий илоҳий ишқ ва ҳаёлий сукунат оғушида яшаш, мушоҳада юритиш, ижод қилишга беҳад иштиёқманд эди. У ҳақиқат бирдир, ёлгон эса минг. Ҳақиқатнинг бир йўли бор, ёлгонники жуда кўп. Ҳақиқатни топиш жуда қийин, ёлгон эса ҳар қадамда учрайди, дея мушоҳада юритар, ҳатто энг баттол ва муросасиз ғанимларига ҳам шавқат назари билан қарар эди. Шайхи Акбарнинг асарлари ҳам кўтаринки руҳда ва фалсафий мулоҳазалар замирида тузилган. Унинг тафаккури Ҳаққа муҳаббат – инсонга, ижодга, яратишга муҳаббат демакдир.

Ибн ал-Арабийни энг йирик илоҳиятчи – файласуф эканлиги таъкидланади “Ислом энциклопедик луғатида”. У биринчи бўлиб борлиқликни ягона, бирдан бир (ваҳдат ул-вужуд) олам эканлиги тўғрисидаги таълимотни яратади. Унинг 500 та асаридан 150 таси араб тилида замонамизгача етиб келганлиги ҳақида маълумотлар бор. Асосий асари кўп жилдли “Футуҳот ал-Маккия” (“Макка нозиллари”), бўлиб 560 бобдан иборат, унинг иккинчи бир машхур асари “Фусус ал-Ҳикам” бўлиб, унга 150 дан ортиқ шарҳлар ёзилган. Шуниси эътиборга лойиқки мутафаккирнинг асарлари орасида, шунингдек, Қуръони Каримнинг аллегорик тафсири (маъжозий тафсири ва тасаввуф иборалари луғати), “Ал-истиҳолот ас-софиба” ҳам бор⁵⁹. Қуйида ана шу манбаларга таяниб Улуғ Шайхнинг тасаввуф таълимотидаги пантеистик йўналишларини ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тўхталамиз. Оламда барча нарса, инсоннинг руҳи (жони) ҳам илоҳий илк манба тажаллиси (эманацияси) дир. Шунинг учун, илоҳий қудрат бутун олам узра ёйилган, лекин Оллоҳ шахсий белгилардан, сифатлардан маҳрум эмас. У ўз шахсий онгига эга ва инсон руҳи билан мулоқотда бўлади. Айрим ривоятларга қараганда, Ибн ал-Арабий дастлабки сўфийларнинг меросига ҳурмат билан қараган ва ўзининг қарашларини, фарқли томонларини қуйидагича изоҳлаган. Тасаввуфий маслак ва сўфиёна ҳаётда икки буюк зот ибрат ва намуна бўлган. Булардан бири Боязид Бистомий, иккинчиси Мансур Ҳаллождир.

Нақл қилишларича, Бистомийдан “Саҳарни қандай ўтказдик?”, деб сўрабдилар. Ул зот эса, “Менинг саҳарим ҳам, оқшомим ҳам йўк. Саҳар ва оқшом Оллоҳга махсусдир, инсонга эмас. Чунки Оллоҳи таоло илоҳий сифатлар ила муқаддасдир. Ҳолбуки, моддага мансуб бўлган инсон сабоҳ ва оқшом тобе эрур. Бироқ сифатлари билан муқайяд эмас. Шу боис Бистомий сифатларни ўзидан соқит этиши ва “Менинг ҳеч сифатим йўкдир” демиш. Ана шу мақом тўғрисида билимга эга бўлмаганлар унинг сўзларидан

⁵⁹Академик Шарқшунос И.П.Петрушевский. Ислам в Иране в VII-XV веках . – Л. ЛГУ, 1966. С. 335.

ангирлик даъвосини топишга уринишмишлар. Дарҳақиқат, башарий сифатлардан ажралиб, илоҳий сифатларига эга бўлиш ҳеч маҳал улуҳият иддаосини илгари суриш мазмунига мувофиқ келмайди. Шунинг учун Бистомий ҳар нарсадан аввал башарий сифатлардан фориг бўлиб илоҳий сифатлар ила сифатланишни истаган ва бунга эришган ҳам. Унинг Ибн ал-Арабийни илоҳомлантирган ҳоли ва ҳол тажрибаси мана шунда эди. Улуғ Шайх сингари Ибн ал-Арабий ҳам маърифат наҳрига чўмган эди. Ибн ал-Арабий ёзади: ”Бистомий дедик, сиз билимингизни, бир ўликдан (яъни ўладиган мавжудотдан) ўлик олароқ олдингиз, аммо биз билимимизни ҳеч ўлмайдиган ва абадий тирик (Оллоҳдан) олдик. Мансур Ҳалложнинг “Анал-Ҳақ”и айна шундай билимнинг хотимаси эди. Ибн ал-Арабийнинг ”Футуҳот Маккия” ва “Фусус ал-Ҳикам”и бошдан охир худди шундай маърифат нури билан йўғирилган эди. Аллома асарларининг умумий сони 289 дан ортиқ, деб ҳисоблайди Суриялик тасаввуфшунос олим Юсуф Хаттор Муҳаммад, баъзи тадқиқотчилар эса, масалан, Аш-Шароний 400 дан ортиқ суфиёна шеърий китоблари маълум, деган маълумотни беради⁶⁰. Бу жиҳатдан, деб ёзади улар Ибн ал-Арабийни Ибн Сино ва Абу Ҳомид Ғазоллий билан тенглаштиради, ҳатто улардан ҳам маҳсулдор бўлган, деб ҳисоблайдилар.

Ибн ал-Арабийнинг асарлари ва уларда илгари сурилган ғоялар тўғрисида турли хил фикрлар билдирилади. Бир гуруҳ исломшунослар унинг асарлари мусулмон ақидасига бағишланган десалар, бошқалари, масалан, Ибн Хожар ал-Асқалоний уни ислом дини йўлини қаттиқ тутган, такводор эканлигини таъкидлайди.

Бу мутаффакир ўзининг билимлари, туриш-турмуши, хатти-ҳаракати, фаолияти билан тавҳиднинг мужассамлашуви тимсоли эди. Чуқур исломий билим ва қобилиятга эга бўлганлиги тўғрисида унинг замондошлари Ибн ан-Нажор, Ибн Нуқта, Ибн ал-Годим, ал-Заҳи ал-Мунзур кабилар ёзиб қолдирган. Масалан, Ибн ан-Нажор ўзининг хотираларида Ибн ал-Арабий бечора бўлиб яшашга ҳаракат қилганлиги, Макка ва Мадинага ҳаж сафарларини бир неча марта амалга оширганлигини ёзади. Ал-Камол Ибн аз-Замаконий уни “илоҳий билимларнинг денгизи” бўлган, дейди. Ибн ал-Мансур эса “Олимлар орасида тариқатнинг энг билимдони” деб, баҳолайди. Ал-Кашаш, аш-Шароний, ал-Маънавий ва ал-Набахонийлар ўзларининг асарларида Ибн ал-Арабийни турли хил кароматлар намойиш этиб, мўъжизалар кўрсатган, бўладиган ҳодисаларни олдиндан билиб хабар берган, деб таърифлаганлар.

⁶⁰ Юсуф Хаттор Муҳаммад. Энциклопедия суфизма. – М.:”Ансар”, 2005. С. 32.

Ибн ал-Арабийнинг илмий-дунёвий ва диний-исломий меросига кўплаб олимлар мурожаат этган. Унинг асарларини синчиклаб, объектив ўрганган олим шариат тақводори билан дуч келганлигига ишонч ҳосил қилади. Айрим тадқиқотчилар камчилик сифатида ёки диний исломга тўғри келмайди деган жойлари, бу ҳолатлар мутафаккирларда экстаз жазавага тушиш, ўзини йўқотиш доирасида завқланиш пайтларида рўй берган. Айтиш лозимки, бундай жазавага тушиш ҳоллари сўфи – диндорлар учун одатий тус бўлган, улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, ҳолдан тойигунча ўйинга тушганлар, улар завқ-шавқдан маст бўлганлигини, қаттиқ хаяжонга тушганлигини, илоҳий нур ёрдамида Оллоҳ даргоҳига кўшилиб кетганлигини ифодалаганлар.

Юқорида номи қайд этилган Юсуф Хаттор Муҳаммад сўфий олимларни бундай ҳолатларини тўғри, обектив талқин этиш лозимлигини таъкидлайди. Ибн ал-Арабий китобларининг бирида: ”Оллоҳдан бошқа ҳеч нарса йўқ, яъни ўз-ўзидан мавжудлик йўқ, Оллоҳ бирдан-бир мавжудликнинг ўзи” деган фикрларни илгари суради, бу ўз даврида урф бўлган худо фақат руҳда бўлади деган қарашларга бир мунча зид келар эди. “Оллоҳдан бошқа нарсалар ёлғон”. Аммо Ибн ал-Арабий бу фикрлари билан Оллоҳнинг яратувчилигини, олами ижодкори эканлигини инкор этаётгани йўқ балки Оллоҳдан бошқа олами бунёд этувчи куч йўқ эканлигини таъкидламоқда. Демак олам Оллоҳнинг ўзи бўлмаса, у яратувчи ижодкор мутлақ бўлмас эди.

Ибн ал-Арабийнинг пайғамбар ва пайғамбарлар тўғрисидаги қарашлари ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Одамлар, деб ёзади у, - пайғамбарлар учун башорат қилиш муҳимми? ёки таббарруклик, шаҳидлик муҳимми? деган масала устида ажрашдилар. Мен пайғамбарларнинг муқаддаслиги муҳумроқ, чунки уларнинг вафотидан кейин ҳам муқаддаслиги сақланиб қолади. Унинг бошқа сифатларига қараганда устунроқ. Пайғамбарнинг табаррук сифати Оллоҳ билан унинг қули ўртасидаги алоҳида муносабатини билдиради. Уни ўз қулига муносабатини ифодалайди, пайғамбарлик эса ўша одам бўйнига, зиммасига юклатилган мажбуриятдир⁶¹.

Мабодо у ёки бу пайғамбарга башорат қилиш вазифаси юклатилмаган тақдирда ҳам, аммо унинг тақводорлиги, Оллоҳ томонидан танлаб олинган бахти кулганлик сифатлари сақланиб қолади. Аммо пайғамбар айтиб буюк руҳоний тақводордир, уларнинг энг улуғи Муҳаммад (С.А.В.) дир. Шайх Абул Ҳасан аш-Шозилийдан: “Тақводор руҳоний зиммасидан шариат юклари олиб ташланса, у табарруклик даражасига эриша оладими?”, деб сўраганларида, у Пайғамбар ҳадисларида: “Эй, Билол⁶² бизга ибодат (намоз) қилиш ҳузур-ҳаловат бағишлаган” деб жавоб берган эканлар.

⁶¹ Юсуф Хаттор Муҳаммад. Энциклопедия суфизма. – М.:”Ансар”, 2005. С. 321.

⁶² Ҳазрати Билол Ҳабаший илк азон чақирган муаззин бўлган.

Ибн ал-Арабийнинг улуғвор мутафаккир ва ислом таълимотини олға сурувчи аллома сифатида дунёга келишини ундан олдин яшаб ижод этган нуфузли тариқат асосчиларидан бири Абдулқодир Жилоний ҳазратлари башорат қилган экан: “Мендан кейин Мағриб диёридан бир зот зуҳур этажакдир, менинг ҳирқамни унга етказингиз”, дея васият қилган эканлар. Аллома назарда тутган азиз ва шарафли зот Ибн ал-Арабий эди деб ёзади Иброҳим Ҳаққул, ҳақиқатдан ҳам, у кейинчалик ўша хирқа (сўфилик шарафига кийдириладиган чопон)ни кийиш саодатига мушарраф бўлади. Шу ўринда назаримизда, деб давом этади Иброҳим Ҳаққул, бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим, Ибн ал-Арабий бутун борлиғи билан тасаввуфнинг ошиғи эди. Тасаввуфни ўрганиш унинг ботиний ва зоҳирий ҳақиқатларини тадқиқ этишда ул зот беназр эди. Шундай бу улуғ Шайхнинг фалсафий-тасаввуфий қарашлари ҳақида қуйидаги хулосаларни келтириш мақсадга мувофиқ.

Аввало, тасаввуф Оллоҳ яратган энг муборак мавжудот инсоннинг олий мартабасининг, ақл-онгининг маҳсулоти эканлигини, уни ҳам Оллоҳнинг ўзига, ҳам у яратган барча нарсаларга ҳолисона муносабати, ҳам ўзини-ўзи англашга қараши энг муҳими чуқур ҳис-туйғу, қувонч ва изтироб билан яшашнинг диний-фалсафий тафаккурдаги баёнидир. Сўз аллома Ибн ал-Арабийнинг бизга қолдирган илмий-фалсафий мероси ҳақида борар экан, ул буюк зотнинг энг теран қарашларига эътибор бериш керак, ахир алломанинг ўзи айтганидек, уни келажак авлод ёзиб қолдираётган асарлари орқали хотирлайдир.

Бу улуғ зотнинг дунёқараши пантеистик руҳда эди, яъни Оллоҳ, табиат, борлиқ, модда-материя, одамнинг ягона бирлиги тўғрисидаги таълимотни ислом тафаккурида биринчилардан бўлиб илгари сурди. Борлиқ моҳияти тўғрисидаги сўфиёна тасаввурни таҳлил қилиш ва бу мураккаб фалсафий муаммонинг ечимини топишда унинг қаламига мансуб “ваҳдат ул-вужуд” концепцияси яратилди. Унда энг таъсирли ва объектив ғоя – борлиқнинг бирлиги, ягоналиги – “Ваҳдат ул-вужуд ғоясидир”. Ислом тафаккури тарихи ва бутун дунё илмий ҳамда диний дунёқараш тизими эътироф этганидек, бу ғоя тасаввуф таълимоти, тараққиётидаги энг олий босқичдир. Маълумки, тасаввуфнинг борлиқ, олам тўғрисидаги таълимоти, унинг асосий қоидалари диний мистик мазмунда бўлиб, аниқроқ теологик (илоҳий) моҳияти Ибн ал-Арабийнинг асарларида очиб берилган. Дикқатга сазовори шундаки, борлиқнинг бирлиги (монотеистик, асоси материя ёки руҳ), асоси тўғрисида Ибн ал-Арабий ўз замондошларидан, ҳатто устози Ибн Рушддан ҳам фарқли равишда фикр юритади. Унинг таълимотига кўра, Борлиқнинг бирлиги уч сатҳда – Мутлақда (Абсолют), Номларда – (архетипларда) ва феноминал-фавкулотда (камдан-кам учрайдиган ҳодисаларда) намоён бўлади. Бу ўринда

Улуғ Шайх Оллоҳнинг бирдан-бир борлиқ ва уни яратувчиси эканлигини таъкидламоқда. Чунки мутафаккир уч сатҳни бир-биридан ажратмайди. Унда онтологик (борлиқ) ва теологик (илоҳий) тизим бир бутун: “Билгилки, барча мавжудотни уч сатҳ ташкил этади ва борлиқнинг уларга қўшимча сатҳи бўлмайди”. Мен шуни таъкидлайманки, бу уч сатҳдан биринчиси ўз-ўзидан мавжудликни эътироф этади, мавжудлик йўқликдан пайдо бўлмайди, аксинча, у ўзидан ташқари манбага эга бўлмаган мутлақ борлиқдир. Қисқаси бу ҳеч қандай чегарасиз, бепаён, шартсиз, мутлақ борлиқдир. “Унга шон-шарафлар бўлсин! У тирик, Абадий, қудратли Оллоҳдир”.

Оллоҳ борлиқнинг сабабидир. У замонда (фазода) ва маконда мавжудликни яратади, билади ва назорат қилади. Ҳамма нарса ва ҳодисалар унинг куллий (универсал) хоҳиши, буйруғи, билими ва иродасига биноан рўй беради. У мунтазам равишда воқеликдаги оламни яратилганлигини, уни илоҳий борлиққа тобелигини таъкидлаб борган. Айни бир вақтда, инсон Оллоҳнинг “севимли” сифати – ижодий руҳга эга эканлигини, ўзини-ўзи намоён этишнинг ифодаси эканлигини кўп бор қайд этади. Инсон орқали “Оллоҳ ўз қудрати билан хира ойна каби руҳсиз оламга мавжудлик ато этади”, дейди Ибн ал-Арабий. Унинг учун Оллоҳ бир вақтнинг ўзида трансцендент (олий борлиқ, моҳият), ҳам иммонент (ҳар қандай воқеликка, мавжудликка хос ҳодиса), Оллоҳни унинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди, аммо унинг ўзи ҳамма нарсани билади, яратади ҳамда тақдир-қисматини белгилайди. Шунинг учун Оллоҳни тўлиқ билиш мумкин эмас, сабаб у кўпчиликка таалукли. У хиссий ва интеллектуал билимлардан юқори, уни ақлий мунавварлик ёрдамидагина билинади. Ибн ал-Арабий ўзининг “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотига содиқ қолган ҳолда барча нарсалар, авваламбор, Оллоҳнинг ақлида, руҳида ғоя сифатида мавжуд бўлади, у ерда пайдо бўлади ва яна унга қайтади, деган ҳақиқатни таъкидлайди.

Аллома ўзининг “Фусус ал-Ҳикам” номли асарида илоҳий борлиқ намоён бўлишининг икки хил кўринишини яққол ва яширин шакллари таърифлаб беради. Яширин кўриниш инсоннинг қалби билан боғлиқ, қалб худди кўз каби воқеликнинг қалби билан боғлиқ. Қалб худуди кўз каби воқеликнинг илоҳий моҳиятини ифодалайди, демак Оллоҳни фақат қалб кўзи билангина кўриш мумкин, очик, кўринадиган (Тажалли ал-Шахода)ни эса одам жисмоний ҳолати билан мос келадиган шакл (тимсол) тарзида англайди.

Тасаввуф назариялари ва ғояларини яратишда, ривожлантиришда ҳамда мусулмон олами ичра ёйишда “Улуғ Шайх,” буюк муаллим Имом Ибн ал-Арабийнинг хизматлари беҳад катта бўлган.

Такрорлаш учун саволлар:

- 1. Ибн ал-Арабий дунёга машҳур қилган шеърий-фалсафий тўпламлари ва сўфийлик билимларининг кўп томли (жилдли) асарлар тўпламларини қаерда ёзишга киришган?*
- 2. Ибн ал-Арабий зояларида кимларнинг таъсири сезилиб туради?*
- 3. Ибн ал-Арабийнинг “Футуҳот ал-Маккия” (“Макка нозиллари”) асари ҳақида нималарни биласиз?*
- 4. Ибн ал-Арабийнинг асарлари ва уларда илгари сурилган зоялар тўғрисида қандай фикрлар билдирилган?*
- 5. Замондошлари Ибн ан-Нажор, Ибн Нуқта, Ибн ал-Годим, ал-Заҳи ал-Мунзур кабилар томонидан Ибн ал-Арабий қандай таърифланган?*
- 6. Ибн ал-Арабийнинг пайгамбар ва пайгамбарлар тўғрисидаги қарашлари ҳақида нималарни биласиз?*
- 7. Абдулқодир Жилоний ҳазратлари алломанинг дунёга келиши тўғрисида қандай башорат қилган?*
- 8. Борлиқнинг бирлиги тўғрисида қандай фикр юритилган?*
- 9. Аллома ўзининг “Фусус ал-Ҳикам” номли асарида илоҳий борлиқ намоён бўлиши ҳақида қандай мулоҳаза юритган?*



Ибн ал-Арабийнинг ўша давр хаттотлари томонидан нақшлар билан безатилган асл қўлёзмаларидан бири.

VII боб. Ибн ал-Арабий таълимотининг гносеологик илдизлари, “Ваҳдат ул-вужуд” тасаввуфнинг юксак ғояси

Бу иборанинг луғавий маъноси борлиқни бирлиги, танҳолиги, ягоналиги тўғрисидаги таълимотни англатади. Бу таълимотни Ибн ал-Арабий исми билан боғлаб тушунтирилади. Аммо бу иборани Улуғ Шайхнинг ўзи китобларида ишлатмаган. Шунинг учун “Ваҳдат ул-Вужуд” термини келиб чиқиши тўғрисидаги масала очик ҳолда қолмоқда. Тадқиқотчилар уни неоплатончиларнинг (мил.авв II аср) тажалли ғояси билан бир хил тарзда деб тушунтиради, гностицизм (билиш назарияси), христиан фалсафаси сифатида ҳам талқин қилади. “Ваҳдат ул-Вужуд” нинг бевосита асосини сўфийларнинг метафизик ва илоҳийшунослик таълимотлари, шунингдек калом ва фалсафа ташкил этади.

“Ваҳдат ул-вужуд” таълимотига кўра, борлиқни яратилишининг сабаби қандайдир Олам устида турадиган ва ўзи мустақил бўлган Мутлакнинг(худо) ҳаракати, амрининг маҳсули, бошқача айтганда ўзини-ўзи англаш ва ўзини-ўзи билиш, Мобият (ал-аҳадия), яратилган борлиқнинг (ал-халқ) бирлиги. Бундай таҳлил чексиз, бепоён Мутлак (Оллоҳ)қа интилиш ва мавҳум тасаввурни уйғотади, оламнинг бирлиги, “Оллоҳнинг намоён бўлиши (тажжали)” тарзида талқин этилади. Юқоридагилардан келиб чиқиб Буюк Шайх Оллоҳнинг моҳиятини тўлиқ билиш мумкин эмас, чунки кўплик оламига тааллуқли, деб ҳисоблайди. Яратувчи (Оллоҳ) тимсоли – унинг таълимотига кўра бизнинг тасаввурларимизда пайдо бўлади: “Уни биз яратамиз”, “У ўзини биз учун, бизнинг воситамизда тасвирлайди”, -деб уқтиради⁶³. Тасаввуф таълимоти руҳида фикр юритиб, Оллоҳ ҳиссий ва интеллектуал билимлардан юқорироқ турадиган мистик тажалли, ақлий мунавварлик ёрдамида билиб олинади, “Якка худолик” тўғрисидаги “Ваҳдат ул-вужуд” концепциясига суяниб, у барча нарсалар авваламбор, Оллоҳнинг ақлида руҳ ва ғоя сифатида мавжуд бўлади ва у ерда пайдо бўлади ва унга қайтади деб ҳисоблайди. Олам ўша ягона борлиқнинг ташқи томони, Оллоҳ эса ички томони. Худо ҳар қандай белгилардан, аъзолардан мутлак ҳоли, у фақат бутун борлиқнинг асосидир. Ибн ал-Арабийнинг таълимотида “Ваҳдат ул-вужуд” асосий ўринни эгаллайди.

Ислом дини ҳукмрон бўлган ўрта асрларда Шарқда соф дунёвий мутафаккир бўлишнинг имкони йўқ эди. Ҳатто ҳурфикрли файласуф ҳам ўзининг дунёвий, аксилақидавий, асл руҳоний фикри ва ҳис-туйғуларини ифодалаш ва баён қилишда диний шаклдан, тафаккурдан, қарашлардан кенг

⁶³ Қаранг: Суфизм в контексте мусулманской культуры. – М., 1989. С. 30.

фойдаланар эди. (Масалан: Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний ва бошқалар). Табиий илмий соҳалар билан шуғулланувчи мутафаккирлар ҳам ўз ғояларини, кашфиётларини илоҳий (теологик) қобикқа ўраб баён қиларди. Чунки ўрта асрлардаги маънавий-диний муҳит илмий фикр-мулоҳазалардан ёки теизмга содиқ бўлган фалсафани, ёки динга тўғридан-тўғри хос бўлмаса-да, теологиянинг қалин ниқоби остидаги тасаввуфни қабул қилар эди, ҳолос. Ислоом теологиясини ва мистицизминини, умуман, тасаввуфни тадқиқ қилиш, аввало, борлиқ (коинот) тўғрисидаги сўфиёна тасаввуфни таҳлил қилиш заруратини билдирар эди. Бу мураккаб жараёнда борлиқнинг онтологик жиҳатлари марказий ўринда турадики, тасаввуф алломалари унинг моҳиятини тушунтириш мақсадида турли хил концепцияларни илгари сурганлар. Улардан энг муҳим ва таъсирли ғоя-борлиқнинг ягона бирлиги – Ваҳдат ул-вужуд ғоясидир. Бу ғоя тасаввуф тафаккури тараққиётида энг олий нуқтадир. Бу яхлит таълимотнинг, яъни тасаввуфнинг борлиқ тўғрисидаги фундаментал ғояси, унинг диний-мистик ғояларининг моҳияти буюк мутасаввиф файласуф Ибн ал-Арабий асарларида атрофлича очиб берилган.

Борлиқнинг бирлиги концепциясининг монистик (борлиқнинг асоси битта – материя ёки руҳ деб, ҳисобловчи фалсафий таълимот) принципи тўғрисидаги қарашни Ибн ал-Арабий нуқтаи назаридан шартли равишда “космик” ва “феноменал” ларга ажратиш мумкин. Бу таълимотга биноан, Борлиқнинг бирлиги уч сатҳда “Абсолют (Мутлақ) да, “Номлар”да ва феноменал оламда намоён бўлади”⁶⁴.

Ибн ал-Арабийнинг бу машҳур транстдентал (ўз-ўзидан мавжуд) – монизмининг концепцияси – Ваҳдат ул-вужуд таълимотида асослаб берилади. Унга кўра таъкидланадики, ҳар қандай воқеа-ҳодиса қачонки у бевосита ягона илоҳий моҳиятдан келиб чиқсагина, У (Худо) билан қўшилиб кетишга олиб келади.

Борлиқнинг биринчи сатҳини Ибн ал-Арабий Мутлақ, Оллоҳ, Ҳақ деб атади. Бу тушунчаларнинг моҳиятан бирлигини Оллоҳ, Олам, Одамнинг бирлигида кўради. У агар, барча нарса худо бўлса, унда биз яшаётган олам нима? деган савол қўяди. Бунга жавобан, у шундай деб ёзади: У – Оллоҳнинг сояси: унинг пайдо бўлиши – Оллоҳнинг ўзини – ўзи намоён қилишга, шу билан бирга, ўзининг моҳиятини ўзи кўришга интилиши мевасидир. Бу хоҳиш унинг ёлғизлик олами, уни ҳеч ким билмаслиги, Номини айтмаслиги сабабли азоби билан боғлиқ. Олам – худонинг “ўзини билдиришга” „намоён қилиш”га интилиши натижасидир. Худо борлиқнинг сабабидир. Арабий

⁶⁴ Ибн ал-Араби. Мекканские откровения. Перевод А.Д. Кныша. Санкт-Петербург, 1995. С. 36.

таъкидлаган Оллоҳнинг номлари фақат илоҳий сифатларни ифодаловчи теологик категориялар эмас, балки фалсафий универсиаликлардир (ал-улум ал-қулия). Ҳамма нарса ва ҳодисалар унинг куллий (универсал) хоҳиши, буйруғи, билими ва иродасига асосан рўй беради.

Ваҳдат ул-вужуд тушунчасини биринчи бўлиб ишлаб чиққан тасаввуфчилар қаторида Ибн ал-Арабийнинг бу тўғридаги қарашлари муҳим ўрин тутди. Бу ғоянинг негизини ўз-ўзидан мавжуд ва Мутлақ Абсолютни, ўз-ўзидан ривожланиши, ҳамма борлиқ устидан назорат қилиши ва бошқариши тўғрисидаги ғоя ташкил қилади. Бу таълимот оламнинг бирлиги ва унинг ҳар хил даражаларга бўлиниши (табоқат), борлиқ Оллоҳ томонидан ҳар лаҳзада тадрижий йўқ қилиниб ва қайта пайдо қилиниб туриши тўғрисидаги ғоядан келиб чиқадиган араб-мусумон фалсафий таълимотидир. Ушбу тушунчага мувофиқ худо ва жисм (арабча-ҳаёла, юнонча-субстансия ҳам материал, модда) объектив воқеликнинг икки қутбидир, фақат ўз-ўзига мавжуд худо икки ақлни, самовий руҳларни шакл ва бошқаларни ўзидан пайдо қилади. Ваҳдат ул-вужуд таълимоти ана шу илоҳий ғояни тасдиқлашга қаратилган. Ибн ал-Арабий ва унинг издошлари, оламнинг яратилганини, унинг илоҳий борлиққа тобелигини мунтазам таъкидлаб келдилар. Шу билан бирга, улар оламни илоҳий моҳият – Мутлақликнинг намоён бўлиш шакли сифатидаги мавжудлик эканлигини ҳам таъкидлайди, бунда заруратнинг ўзини имкониятда рўёбга чиқиши деб ҳисоблайдилар: „Оллоҳ ўз кудрати билан хира ойна каби руҳсиз оламга мавжудлик ато этди“... Оллоҳнинг ўзини намоён этиш имкониятлари беҳаддир. Шунинг учун оламимиз хилма-хиллигининг чегараси йўқ. Илоҳий борлиқнинг намоён бўлиш шакллари чексизлиги намоёиш жараёнининг узлуксизлиги, доимийлиги билан боғлиқ. Тўхтовсиз ҳаракат – илоҳий тартиб (аз-амир)дир, “намоёнсизлик ҳолатидан („соф” имконият ҳолати) намоёнлик ҳолатига ўтишдир”. Ваҳдат ул-вужуд тизимида на номи, на бирон-бир белгиси бўлган, феноменал оламдагина пайдо бўладиган илоҳий олам мунтазам равишда ўзининг илк ҳолатига „қайтиш” га уружга интилади. Бутун борлиқ, мавжудод (жумладан, инсон ҳам) ўз ибтидосидан – интиҳосигача Оллоҳдан келиб чиқади ва унга қайта интилади.⁶⁵ Ибн ал-Арабийнинг фалсафасида инсон муаммоси жуз ва кулп сифатида ўрганилади. Инсон оламнинг энг мукамал борлиғи, ҳар қандай бошқа борлиқ Мутлақнинг чексиз хислатлари ва белгиларидан бирининг инъикосидир. У эса илоҳий тажаллининг барча шаклларини мужассамлаштиради. Унда бутун мавжудот бир-бири билан киришиб, мувофиқлашиб кетади. У оламнинг моҳиятли воқелигини – ҳақойиқни ўзида

⁶⁵ Комилов Нажмиддин. “Тавҳид асрори”. Иккинчи китоб. 1999. 21-22-бетлар.

бирлаштиради. Бутун олам макрокосм (олами кубро) бўлса одам микрокосм (олами суғро)дир⁶⁶.

Ваҳдат ул-вужуд фалсафий тизимида инсон нафақат ташқи олам – макрокосмининг мезони сифатида тушуниладиган микрокосмгина эмас, у анча кенгроқ тушунча: у Оллоҳ ва олам ўртасидаги восита сифатидаги бўғин, у ўзида илоҳий руҳнинг, иймоннинг ҳам, нафснинг(хайвоний ҳислатнинг) ҳам соҳиби бўлганлиги функосмик борлиқнинг ва феноменал воқеликнинг бирлигини таъминлайди. Оллоҳни табиатга сингдириб юборадиган, ”Худо-бутун борлиқдир” деган илоҳий-мистик тасаввурларни олдинга сурадиган, натурал(табиий) понтеизмдан фарқли ўлароқ, мистик понтеизм табиатни Оллоҳга сингдириб, „Бутун борлиқ худодир” - деган тамойилни олға суради. Замонавий тарихий-фалсафий адабиётларда шуни кузатиш мумкинки, Ибн ал-Арабий ва унинг издошларининг тасаввуфий қарашларини понтеистик деб баҳолашларига эътирозлар билдирилмоқда. Патеизм – дейди улар фалсафий тизимдир, сўфийлар таълимоти эса, айниқса, Ибн ал- Арабий тасаввуфи эса, асло фалсафа эмас; уни „Ислом эзотеризми”, гностик билиш деб тушуниш мумкин. Аммо бундай эмас, Ибн ал-Арабийда худо ҳар қандай категорияга, шу жумладан, субстансияга нисбатан ҳам Мутлақ трансценденталдир (фақат ақл-идроқка асосланган билишдир) нарсаларда мавжуд бўлса ҳам, олам таркибида худо йўқ. Гарчи файласуфнинг пантеистик ғояларида баъзи салбий ёки ожиз томонлар кузатилса-да, "Фусус" рисоласида креотсион (борлиқни худо томонидан йўқликдан яратгани тўғрисидаги диний таълимот) ғоялари бироз сусайганига қарамай, бундай ғоялар мавжуд эди. Унинг фикрича Оллоҳ аввал бутун дунёни яратган, олам доимо барҳаёт, абадий, Мутлақ Худо томонидан яратилган борлиқдир.⁶⁷

Муҳийиддин Ибн ал-Арабийнинг тасаввуфий таълимотида "Ваҳдат ал-вужуд" концепцияси энг муҳим ўринни эгаллайди. Бу таълимотга кўра, ҳамма нарса ва воқеаларнинг ягона асоси бу Оллоҳ қолган барча нарсалар, шу жумладан инсон ҳам унинг шуъласи (эмоцияси), нури деб ҳисобланади. Ваҳдат ал-вужуд моҳиятан пантсистик, яъни икки асосни - илоҳий ҳамда моддий оламни эътироф этишдир. Ибн ал-Арабий талқинида борлиқ ва инсон бирлиги ваҳдат ул-вужудни иродаси, ҳамма нарсалар бу дунёга келишига қадар ғоя сифатида Оллоҳнинг дилида мавжуд бўлади. Ҳамма нарсалар Оллоҳдан пайдо бўладилар ва унга қайтадилар. Дунё – бу борлиқнинг фақат ташқи томони, Худо эса ана шу борлиқнинг ички томонидир. Оллоҳ

⁶⁶ Степенянц М.Т. Философские аспекты суфизма. – М., 1987. С. 21.

⁶⁷ Степенянц М.Т. Философские аспекты суфизма. – М., 1987. С. 21.

қандайдир кўринишлардан бутунлай ҳоли. У Ягона ва Мутлақ, ҳамма нарсаларнинг яккаю-ягона асосидир⁶⁸

Юқорида таъкидланганидек Худо, борлиқ ва инсон бирлиги тўғрисидаги ваҳдат ул-вужуд назарияси тасаввуфнинг ривожланишида яна бир дадил олға қадам бўлган эди. Ўша даврларда расмий ислом, айниқса, мутакаллим оқими (калом тарафдорлари) Оллоҳ, борлиқ ва одамнинг бирлиги тўғрисидаги қарашларни инкор этар, бундай ғояларни қувғин остига олар эди. Ибн ал-Арабий каби илғор фикрловчи (масалан ақлпараст, рационалист-мўътазилийлар каби) мутафаккирлар Худо, Олам ва Инсонни бирлиги, Худо билан кўшилиб кетиши каби илоҳий қарашлар инсонни, унинг ақл-заковатини улуғлаш, маълум даражада ҳурфикрлаш имконини яратди. Абдурахмон Жомий Улуғ Шайх Ибн ал-Арабийнинг оламини бирлиги тўғрисидаги ваҳдат ул-вужуд назариясини назарда тутиб, бу зотни тасаввуфни жуда йирик билимдони ва шарҳловчиси деб таърифлаган. Мутафаккир ваҳдат ул-вужудни моҳиятини шарҳлаш жараёнида тасаввуф фалсафасининг билиш назариясини ҳам ривожлантирди. Тасаввуф илоҳиётини яхши ҳаққоний англаши учун инсон, аввало, илму маърифатни эгаллаши зарур, деб ҳисоблайди. Илм эса Оламини билиш демакдир

Ибн ал-Арабийнинг буюк фасофий меросида комил инсон тушунчаси ваҳдат ул-вужуд масаласининг сўфийлик мафкурасидан марказий ўрин эгаллашида ўрни ва рўли беқиёс. Ибн ал-Арабий тасаввуфга нечоғлик берилмасин исломий фалсафий таълимот тарихига чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан қараган, ўрганган, тадқиқ этган. Ўз даврининг баъзи тақводорлари каби фалсафага менсимай қарамаган, файласуфларни динсизликда айбламаган, аксинча фалсафа илмсизлик ва зулматни бадарға қилувчи маърифат деб ҳисоблаган. Унинг уқтиришича фалсафанинг маъноси – ҳикматни севишдир. Бундай севги шукуҳини илк бор Ибн Рушд сиймосида кўрган ва ҳар бир ақл соҳиби фалсафани севиши кераклигига тўла иқдор бўлган. Шунинг учундирки донишманд файласуф Ибн Рушднинг вафот этганини эшитиб, дарҳол устозини охирги манзилга кузатиш учун Марокаш томон йўл олган.⁶⁹

Ибн ал-Арабий ваҳдат ул-вужуд таълимотини илк бор ўзига хос низомга солган (системалаштирган) олим сифатида тарих саҳифасида қолган. Ундан кейинги даврларда ваҳдат ул-вужуд мавзусида асарлар ёзган тадқиқотчилар унинг қарашларидан таъсирланиб, кўпларини қабул қилиб, фикр-мулоҳазаларини ривожлантирганлар. Айни бир вақтда Ибн ал-Арабийнинг таълимотига қарши турган олимлар, ҳатто оқимлар ҳам кўп бўлган. Кўпдан-

⁶⁸ Қаранг: Философский энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия. 1983. С.193.

⁶⁹ Иброҳим Ҳаққул. Шайхи Акбар. “Тафаккур” журнали №1, 2000. 94-бет.

кўп олиму-уламолар ваҳдат ул-вужуд маслаги ислом динига жиддий зарар етказди деб ҳисоблаб унга қарши махсус рисоалар ва шарҳлар ёзганлар. Ҳолбуки ваҳдат ул-вужуд диннинг асосини бузадиган таълимот эмас, балки ҳақиқий таҳвид эканини талқин қилувчи асарлар беҳисоб. Масалан, биргина Ибн ал-Арабийнинг „Фусуси ҳикоя“ асарининг ўзига қирқдан зиёд машҳур олимлар томонидан шарҳлар, тақризлар битилган. Унинг серқирра ижодида ишқ-илоҳий иш мавзуси алоҳида ўрин тутди. „Муҳаққиқларга кўра, борлиқда Оллоҳдан бошқасининг йўқлиги собит бўлди – деган мутафаккир – Биз мавжуд бўлсакда, борлиғимиз ундадир“, - деб ёзган.

Ибн ал-Арабий комил инсон тўғрисидаги фикр ва қарашларига ушбу нуқтаи назарни асос қилиб олган. Ибн ал-Арабийнинг фикрича бу ёруғ оламда олти жинс мавжудлик бордур: биринчиси малох; иккинчиси жон; учинчиси мадон; тўртинчиси ўсимлик; бешинчиси ҳайвон; мулк олами охирига етгач, олтинчиси жинс ўлароқ инсон яратилган. Инсоний жисмлар орасида илк зоҳир бўлган мавжудлик Ҳазрати Одам эди. Шу муносабат билан, одам-инсон тушунчасига алоҳида эътибор қаратади. Хўш инсон сўзининг ўзи нима ва у қандай маънони англатади, деган жумбоқни ғоят теран тушунтириб беради. Баъзилар инсонни бир латифа – гўзал ёқимли – латифлик десалар, бошқалари бир жисмдир деган. Айримлар эса, инсон шуларнинг мажмуидир, деган фикрда қатъий турган. Ибн ал-Арабий мана шу охирги қарашни энг тўғри деб ҳисоблаган. Донишманднинг фикрига кўра, инсон оламда энг сўнгги мавжуд (туғилган) бўлсада, Оллоҳ уни оламнинг барча ҳақиқатларини ўзига мужассамлаштиришга қодир бир борлиқ этиб яратган. Шу боис “Олам инсон ила камолга етишмиш, лекин инсон олам ила камолга эришган эмасдир”. Олам одам олдида эмас, одам олам олдида масъул эрур. Худди вужуд мукаммалиги ҳам инсон билан. Инсон дунёга келар экан, Оллоҳ унга илоҳ бўлганидек, у ҳам оламга илоҳ эканини албатта билмоғи керак. Бу мақомга кўтарилишнинг бош йўли эса битта – комиллик саодатига етишиш. Шунга эришилмаса, қолгани ҳеч нимага арзимаёди. Чунки Оллоҳни фақат комил инсон билур. Оллоҳнинг оламдаги ҳукми комил инсон орқали зоҳир бўлгандир. Комиллик йўлига кирмаган ва комилга етишмаганлари деган муаммони кўяди Ибн ал-Арабий. Улар бир ҳайвоний нотикдирлар (сўзлашувчи ҳайвон), бундайларнинг инсонлик нисбати бир ўликни инсонликка бўлган нисбати кабидир. Комилликнинг туб маъноси ва асосий сирлари эса ишқнинг замирида яширинган. Ишқ бир тан ила иккинчи бир танни, бир жон ила иккинчи жонни қовуштиради. Бундай бирлашув ишқнинг энг гўзал, энг илоҳий ҳусусиятидир.

Фалсафий тушунишда трансепдентал монизмнинг сўфиёна концепцияси – “Ваҳдат ул-вужуд” таъкидлайдики, ҳар қандай воқеа, ходиса, қачонки у

бевосита ягона илоҳий моҳиятдан келиб чиқсагина, у (Оллоҳ) билан қўшилиб кетишга унга сингиб кетишга олиб боради. Борлиқнинг биринчи сатҳини Ибн ал-Арабий Мутлақ Оллоҳ, Ҳақ деб атайди. Шу билан бирга ўз даврининг мутафаккири сифатида ўзи яшаган даврда Ғарб ва Шарқда тарқалган навафлотунчилик (неоплотонизм I-II асрларда Рим империясида мавжуд бўлган диний-мистик оқим, аммо бундай фалсафий қараш унга қадар қадимги Ҳиндистон ва Эронда ҳам мавжуд бўлган) ғоялари руҳида борлиқни моҳиятини таърифлайди. Ушбу ўринда унинг ғоят муаммоли ва муҳим фикрларига эътибор бериш зарур. Ибн ал-Арабий таҳлилида “Илоҳий номлар” алоҳида маънога эга бўлиб, улар фақат илоҳий ҳислатларни ифодаловчи тушунчаларнигина эмас, балки фалсафий универсалиялар (ал-умр ал-қулийё) ҳамдир. Ушбу тушунчанинг асл моҳияти инсонийликдан иборат эканлигини Улуғ Шайх шундай ифодалайди: “Бу универсалиялар инсонга таъсир этувчи тафовутсиз, фарқларсиз, саноксиз ва ўзининг соф интеллектуал мавжудлигини йўқотмаган ҳолда, жонзотнинг хусусий бирлиги ва борлиғида ўзаро уйғун ҳолда иштирок этади⁷⁰. Донишманднинг бу фикрларининг маъно-мазмунига эътибор берилса, оламнинг бирлиги ва бир пайтда турли-туманлиги, аммо улар ўзаро бир-бирини тақозо этган ҳолда яшай олиши мумкинлиги тўғрисидаги диалектик фалсафани кўриш мумкин.

Тасаввуф гарчи диний-исломий таълимот бўлсада, ундаги концепсида илм-билим концепцияси муболағасиз айтиш мумкинки, илоҳий нуқтаи-назардан ҳам бош ўринни эгаллайди. Илм ибораси Қуръони Каримда 750 марта, ақл эса 50 марта ёд этилади. Ибн ал-Арабий забардаст мусулмон файласуфлари Ибн Рушд, Шаҳобиддин ал-Сухравордий, Фахриддин ар-Розий, Ибн ал-Фарид ва бошқалар билан бевосита таниш эди. Шунингдек ўз замондошлари каби буюк аллома ат-Термизийнинг “Китоб баён ал-илм” (Илмни тушуниш) асарини атрофлича ўрганган ва тарғиб қилган. Ўз асарларида пайғамбар (С.А.В) айтган “Илм 3 та нарсадан – аниқ, тушунарли шеър (Қуръон) дан, тан олинган суннатдан ва олий диний бурчдан иборат” деган нақлни тез-тез таъкидлаб борган. У ҳам барча содиқ мутасаввифлар қаторида тасаввуфни ислом тафаккуридаги ягона илмий ғоя деб исботлашга интилган. Уларнинг яқдиллик билан таъкидлашларича, тасаввуф бу ягона, ҳақиқий фан, мусулмонлар уни бутун ақл ва қалб кучи билан ўрганишларига арзийди. Улар тасаввуфни қалб нурига таққослайди, уни фан сифатида шарҳлайди: Ибн ал-Арабийда “гностик”, “гносис” инсоннинг қалбига жойлашган ҳол, ҳол бўлганда ҳам бутун вужудига таъсир ўтказувчи, ўзининг

⁷⁰ Иброҳим Ҳаққул. Шайхи Акбар. “Тафаккур” журнали №1, 2000. 18-19-бетлар.

чексиз оламига бутунлай жалб этувчи мистик илоҳий ҳол сифатида таъкидланади.

Улуғ шайх ал-Арабийнинг илоҳий фалсафасининг қадриятлар тизимида гносис ва билим тушунчалари нақадар равон баён этиладики, унда илоҳий намоиш “Билимлар ҳазинасидан бошланади” деган хулоса аксланади: ”Билим бу – ҳақиқат”, ”билим – Оллоҳни англаш”, ”Ҳақиқат билим”, ”китоб (Қуръон) унинг билими”, “Оллоҳнинг ягона моҳияти бу – билимдир; сўнг эса бу – мақомат ва яна билим”⁷¹. Бу улуғ зот билимнинг мавжуд турларини шундай баён қилади: ақлнинг (рационал) билими, (мистик) илоҳий ҳолат билими, фақат ширин, лаззатланишни ҳис этиш билими, сўнггиси аввалги икки ҳолатни бирлаштириб оламдаги сир-асрорларни ўзида бирлаштирувчи бўлгани учун улар илоҳий олам тўғрисидаги тасаввурларни ўзида акс эттиради. Шундай билимлар тасаввуф илмида ифодаланган бўлади.

Буюк муаллимни қолдирган исломий-диний ва дунёвий илмий меросини муҳум хусусиятларидан яна бири шундаки, унда Ғарб теологияси (илоҳийшунослиги) ва Шарқ христианлигига айна бир вақтда исломий устуворлик ўзаро уйғунлашиб кетган.

Айтиш мумкунки, Ибн ал-Арабий учун бундай мураккаб ва мазмунли ислом тафаккури-фалсафасини яратиш учун мусулмон теологияси, мусулмон метофизикаси, “Калом” ақидаси, шунингдек у яшаган даврда кенг тарқалган исмоилийлик доктринаси бевосита манба бўлиб хизмат қилди десак, тўғри бўлади. Илоҳий мистик мутафаккир сифатида Ибн ал-Арабий фалсафий онтологияда рационализм ва сҳоластикадан кўра интуитцияни, яъни бевосита тажриба талаб қилмайдиган, Оллоҳ ато этган билимни афзал кўрди. Бунда фалсафий таффакурга эришишнинг услубий алоқасини Қуръон ва Суннани аллегорик (рамзий, мажозий) талқини ва идрок этишда кенг қамровли синкретизм, (насроний дастлабки, бир-бирдан ажралмаган, қоришиқ ҳолати) биринчи ўринда Оллоҳнинг ягоналиги ғояси устуворликни эгаллайди. Улуғ шайх Қуръондаги рамзийлик ва устуворликни талқин қилган ҳолда, илоҳий меҳрибонлик (ар-Роҳман) ва теофания (тажалли) нинг яратилишидаги ўрни инсоннинг кичик олам (олами суғро) ҳақиқатда Оллоҳ тимсоли, уни яратилишининг сабаби (ал-инсон ал-комил) тўғрисидаги тасаввуфнинг мукамал космогоник (илоҳиёт) таълимотини яратди, мақоматлар ва мистик йўл – аҳвол мақоми, унинг бошланиши – “мистик кутби”, пайғамбарлик ҳолати – нубувва ва авлиёлик – вилоя ҳамда бошқа диний қарашлар ва сўфиёна тасаввурларни маълум бир тизимга солди ҳамда тўлдирди.

⁷¹ Қаранг: Франц Роузентал. “Торжество знания”. Концепция знания в средневековом исламе. –М.:“Наука”, 1978. С. 187.

Ибн ал-Арабий илми Оллоҳни билиш билан тенглаштирар экан, оламини-борлиқни ўзига хос тарзда шарҳлайди. Унинг таълимотига кўра коинотда “оралиқ олам” мавжуд, у ал-барвах бўлса, “олам” ал-мисол мавжуд ва улар илоҳий Мутлақнинг бир-бирига қарама-қарши икки томони – трансценденталлик ва моддийликдир, ана шу ҳаракатдаги ходисаларни Оллоҳ тушунчасида изоҳлаб бериш зарур.

Ушбу ўринда мутафаккир бу олийжаноб ва мураккаб оламини билишда Сўфийнинг ўрни ва роли беқиёс катта эканлигини таъкидлашни қайд этиш лозим. Унинг фикрича оддий ақл бовар қилмайдиган бу муаммони англаш ва ечимини топишда Сўфийнинг “ижодий тасаввури” борлиқнинг кўпчиликка маълум бўлмайдиган сир-асрорларини қалб орқали айтиб ёзишга хизмат қилади, чунки у илмга эга. Бағоят, яна таъкидлаш зарурки илм концепцияси воситасида Ибн ал-Арабий Оллоҳ, Олам ва Одамнинг бирлиги уларнинг ягоналиги тўғрисидаги таълимотни асослайди, чунки уларга диққат, ақл ва илм орқали эришиши мумкин деган хулоса якуний ҳисобланади.

Дарвоқе улуғ шоир нафақат ислом диний тасаввуфига асос солди, балки фалсафий тасаввурни ҳам яратдики, бу ҳиссаси кўплаб қаршилиқларга, эътироз ва танбехларга дуч келди. Аммо буюк мутафаккирнинг яратган тасаввуф таълимоти юзлаб тасаввуфий қарашлар ўрнида ўзига хос бўлиб, бу илм-маърифат йўлида йирик, бебаҳо ва юқори мавқега эга. Бу улуғ зот ислом-араб алломаси бўлиб, ислом фалсафий таффаққури тарихининг ривожига катта ўрин эгаллаган. Унинг тақдири, ҳаёт йўли, яртган тасаввуфий таълимотининг инсоният тарихидаги ўрни ва ролини умумлаштирар экан, Иброҳим Ҳаққул шундай сўзлар билан якунлайди: “Жаҳонда Ибн ал-Арабий каби илм аҳлининг олқиш ва мақтовига сазовор бўлган ва унингдек олуму уламоларнинг танқид ва таҳқирларига дучор этилган яна бир ориф зот бормикан! Унинг ижодиёти эътироф ва эътироз, иқрор ва инкор, мадҳ этиш ва камситиш, қоралаш ва оқлаш сингари ниҳоятда зиддиятли қутблар оралиғида қолган бир олам эди. Тасаввуф донишмандлари, ориф ва муҳиблар учун у Шайх Акбар, Улуғ Шайх бўлса маърифатнинг шавқ-завқидан бегона, илоҳий ишқ завқига ёт муаллифлар назарида у Шайхи Акбар энг тубан кофир шайх ҳисобланар эди. Қанчадан-қанча фозил ва ҳақшунос-илоҳийшунос олимлар қиёфасида ислом динига жон бағишлаган қодир алломани кўриб уни бир овоздан Муҳийиддин деб атаган бўлса, бошқа гуруҳ ва тоифа вакиллари уни Мадия (динни ўлдирувчи) деб таҳқирлашган. Шомда уни ўлдирилишини талаб қилган бўлсалар, кунда уни зиёрат этиш олий шарафга айланган, Маккаи Мукаррамада беҳисоб кишилар ундан таҳсил олган⁷²”.

⁷² Иброҳим Ҳаққул. Шайхи Акбар. “Тафаккур” журнали №1, 2000. 95-бет.

Оллоҳни билиш учун унинг муқаддас китоби Қуръони Каримни билиши даркор. Бу муқаддас китоб Оллоҳни билиш манбаи, унинг қалбидир. Бу мавзу бениҳоя кенг, чексиз ва ғоят эътиборлидир. Оллоҳни билиш коинотни, олами билишдан бошланиши зарур деб ҳисоблайди тасаввуф таълимоти. Зеро, олам (одам ҳам) унинг, яратганнинг ижоди. Ибн ал-Арабий таълимотича, Оллоҳ ҳақида ақл тили билан ўйлаш, фикр юритиш мумкин, лекин олий мутлақо ҳақиқат тарзида англаш учун ақл ожизлик қилади. Ақл, дунёвий, илмий билимлар, далиллар, қарашлар, одамнинг шахсий ва ижтимоий тажрибаларига асосланиб, маълум хулосаларга эришилади. Бундай омилларга асосланиб, фикр юритувчи ақл ёрдамида Оллоҳнинг зоти ва сифатларини англаш ва билиш ғоят мушкул. Ўз тасаввуфий таълимотига содиқ ҳолда Ибн ал-Арабий тангри ҳиссий ва интеллектуал (ақлий) билимлардан юқори турувчи ички нурланиш воситасида билиб олинади, деб уқтиради. Бошқача айтганда, уни билишга кўнгил (дил) ни поклаш орқали эришилади⁷³. Шундай экан бу даражага (мартабага) эришиш учун маърифат (билим) Ҳақ (Оллоҳ) томонидан юборилади. Инсон Оллоҳ висолига эришишининг машаққатли йўлини илм билан изохлайди. “Ибн ал-Арабий инсон билимларини 3 га бўлган: биринчиси – ақлий – ҳиссий билимлар, иккинчиси – ҳол илми, учинчиси – сиру асрор илми. Биринчи илм зоҳирий фанлар билан шуғулланадиган кишилар илми бўлса, иккинчи илм ҳол мартабасига кўтарилган сўфийлар илми ҳисобланади, яъни важд ҳолатида кашф этилган илм. Учинчи илм авлиёлар илми. Бу илм муқаддас руҳлар орқали келади, шуъла – нур кўринишида қалбга киради”, - деб тушунтиради Улуғ Шайх билиш назариясини⁷⁴. Ибн ал-Арабий ўзининг билиш назариясида билиш жараёнини тасниф (классификация) қилиб уни шу тарзда баён этиб, илоҳий билишни атрофлича таърифлаб беради: Ҳақ (Оллоҳ) ни тасаввуф йўли билан, қалб ва руҳ билан, ҳиссий билишда жазва (важд, зикр), яъни илоҳий ишқ-муҳаббат муҳим ўринни эгаллайди. Сўфийлар худо билан қўшилишининг, уни қалб билан билишга эришишининг фақат бирдан бир усули жазва деб ҳисоблайдилар. Бу жазва ҳолатига зикру само дейилади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. *“Ваҳдат ул-вужуд”нинг маъноси нима?*
2. *“Ваҳдат ул-вужуд” таълимоти қандай тамойилларни илгари суради?*
3. *Худо, борлиқ ва инсон бирлиги тўғрисидаги таълимот - “Ваҳдат ул-вужуд” қайси таълимотнинг ривожига ҳисса қўшган?*

⁷³Бўронов Қ.Б. Тасаввуф фалсафаси хусусида. –Т.: “Ёзувчи”, 2000. 23-бет.

⁷⁴ Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. К1. – Т.: “Ёзувчи”, 1983. 38-бет.

4. Абдурахмон Жомий Ибн ал-Арабий таълимотига қандай муносабат билдирган?

5. “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотига биноан тасаввуфни англаш учун инсон энг аввало нимани эгаллаши зарур?

6. “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотига қарши кўплаб рисолалар нима сабабдан вужудга келган?

7. Ибн ал-Арабий комил инсон тўғрисида қандай фикрларни билдирган?

8. Арабий таҳлилида “Илоҳий номлар” қандай мазмунга эга эди?

9. “Гностик” ва “гносис” тушунчалари нимани англатади?

10. Арабий оламни билишда сўфийнинг ўрни ва роли хусусида қандай фикрларни билдирган?

11. Иброҳим Ҳаққул Ибн ал-Арабий ҳақида қандай фикрларни билдирган эди?

12. Ибн ал-Арабийни “Мадия” ва “Муҳийиддин” деб атаганларининг сабаби нимада?

13. Ибн ал-Арабий инсон билимларини қандай гуруҳларга ажратган?





Ибн ал-Арабийнинг сақланиб қолган қўлёзма асар ва дарсликларидан нусхалар.

**VIII боб. Кейинги мусулмон анъанавийлигида
Ибн ал-Арабий таълимоти**

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек мусулмон тафаккури тарихида Ибн ал-Арабий (1165-1240) ва унинг диний-фалсафий мероси муҳим ўрин эгаллайди. Унинг шахсияти афсона ва ривоятларга бурканган. Ўз даврида Шайх Акбар (аш-Шайх ал-Акбар- Улуғ Устоз) каби фахрли номга сазовар бўлган Ибн ал-Арабий сиймоси атрофидаги тортишувлар унинг вафотидан кейин янада жадаллашди ва вақтлар ўтиши билан тинчланиш ўрнига янада кескинлашди. Кўп ҳолларда бу тортишувлар иймон-эътиқодсизликдаги айбловлар билан якунланар эди. Ибн ал-Арабий тарафдорлари ёки унинг таълимотига қарши чиқувчилар баъзан сиёсий қурбонларга ҳам айланар эдилар. Ўрта асрлар

тарихчилари унинг қабрини вайрон қилиш ва таҳқирлашга уринишлар бўлганлигини бир неча бор кўрсатиб ўтишган⁷⁵.

Ибн ал-Арабий мероси атрофидаги кўп асрлар давом этган тортишувлар ҳозирги замон мусулмон олим ва уламоларининг ҳам Улуғ Шайх таълимоти ҳақидаги қарашларида акс этади. Улар ҳам тарафдорлар ва қарши чиқувчиларга бўлинадилар. Бундай қарашларда асосий масала ўтган юз йилликлардагидек Шайхнинг эътиқоди тўғри ёки нотўғри эканлигини исботлаш бўлиб, охир-оқибатда изланувчиларни Ибн ал-Арабий таълимотига у ёки бу тарафдан объектив ёндошишига ҳалақит берди.⁷⁶

XX асрнинг биринчи чорагида Ибн ал-Арабий таълимоти Ғарбий Европа Шарқшунос олимларининг диққат эътиборини тортиб, илмий изланишларининг мавзусига айланди.

Баъзи бир олимлар буюк мутасаввиф олимнинг қарашларини таҳлил қилишда шошма-шошарликка ҳам йўл қўйишди. Масалан, М.Асин Паласиос Ибн ал-Арабий таълимотини бутунлай бошқа фалсафа, маданият ва анъана билан боғлаб христиан таълимотидан келиб чиққан дейди ва “Христианлашган ислом” деб талқин этади.

Бошқа томондан унга “неоплотонизм” ва “герметизмнинг” ислом асосидаги давомчиси деб баҳо беришди. Бундай ёндашувларда Ибн ал-Арабий тўла файласуфга айланиб унинг асосий муҳим теософик ва теологик дунёқарашлари четда қолади. Фақат А.Корбен ва япон олими Т.Изутцу изланишларида Улуғ Шайх таълимоти меросини ўрганишга янгича ёндошиш йўлга қўйилди⁷⁷. Лекин афсуски, тарихга феноменал ёндошяпмиз деб ўзларини ишонтирган бу тадқиқотчилар ҳам маълум бирёқламалик ва методологик янглишишларни четлаб ўтолмадилар.

Йилдан йилга Ибн ал-Арабий ҳақидаги адабиётлар оқими кўпайиб бормоқда. Улар ичида кўпроқ ўқувчиларнинг қизиқишларини тортувчилари француз тадқиқотчилари – Д.Грил, Ш.А.Жилис, М.Ходкевич ҳамда Англия, Америка тадқиқотчилари – Р.Остин, У.Читтика, М.Селдларнинг ишлари ҳисобланади. Шуниси қизиқки 1977 йилдан Буюк Британияда унинг таълимоти ва ғояларини Ғарбда ёйиш мақсадида “Мухйи ад-дин Ибн ал-Араби” уюшмаси фаолият олиб боради. Уюшманинг Стамбул ва АҚШда филиаллари бўлиб, ўзининг журнаliga ҳам эга. Уюшма аъзолари томонидан Шайхи Акбар таълимоти универсаллик нуқтаи назаридан ўрганилади ва

⁷⁵ Аш-Шаъроний Абу ал-Ваххоб. Ат-Табокат ал-кубра. Т.1. Ал-Қоҳира, 1317.

⁷⁶ Муборак Заки. Ат-Тасаввуф ал-Ислам фи-л-адаб ва л-ахлоқ. Т.1. Бейрут, 327-336 бетлар.

⁷⁷ Corbin H. L'imagination creatrice dans le soufisme d'Ibn 'Arabi. 1958.

теософфик характерга эга бўлиб, ҳеч бир динга тўлиқ мансуб бўлмаган руҳий қудрат хазинаси сифатида ўрганилади⁷⁸.

Ибн ал-Арабий шахси ва таълимотини ўрганиш ва таҳлил қилишга қанчалик эътибор берилмасин, бугунги кунда унинг баъзи бир қарашлари ҳали очилмаган ва тушинарсиз бўлиб қолмоқда. Ибн ал-Арабий таълимотини таҳлил қилиш аввало, унинг шахсан ўзининг ва ундан кейинги сўфийлар, мусулмон улламаоларининг унинг таълимоти тўғрисидаги қарашларини аниқ фарқлаб олишни тақозо этади. Шу билан бирга ҳар иккисини ҳам “вахдат ал-вужуд” тушунчаси боғлаб туради ва бу тушунча ҳар хил таржима қилиниб: “Борлиқ бирликдалиги”, “Бирборлиқлик”, “Борлиқнинг бирлиги” ёки оддий “пантеизм” деб юритилади. “Ваҳдат ал-вужуд” терминини ишлатилиши ҳам бир қанча тушинмовчиликлар туғдирди. Замонавий араб фалсафий лексикасида, айтиш мумкинки, “вахдат ал-вужуд” кўпроқ Спинозага хос пантеизмни англатади. Мана шу ердан асосида терминларни нотўғри англаш ва анахронизм ётган Ибн ал-Арабий ва Спиноза паралеллиги келиб чиқади.

Ҳозирги кунгача ким ва қачон биринчи бўлиб, “вахдат ал-вужуд” атамасини ишлатганини аниқлаш қийин. Ваҳоланки, бизгача етиб келган Улуғ Шайхнинг асл қўлёзмалари ичида бу атама ҳали учрамаган. Албатта, бу ғояни Ибн ал-Арабий ишлаб чиққанлиги аниқ. Демак, ўз ўқувчиларига бундай қарашларини оғзаки баён этган. Ундай бўлса Шайхнинг тингловчилари дарс давомида конспект тутишиб устозининг оғзаки маърузаларини ёзиб боришган. Масалан: Бадр ал-Ҳабший ва Ибн Саудакин⁷⁹. Лекин уларнинг ишларида ҳам бу атама учрамайди. Англашиладики бу термин Шайхнинг вафотидан кейин (1240) унинг Садр ад-дин ал Қанавий бошчилигидаги издошлари ва унинг ғояларининг тарғиботчилари томонидан ишлатилган. Яна бир таҳмин борки “вахдат ал-вужуд” атамаси биринчи бор Шайх таълимотига қарши чиқувчилар, кўпроқ таниқли уламо Ибн Таймияга тегишли деб кўрсатилади. У Ибн ал-Арабий ҳақида “мутлақ борлиқ (ал-вужуд ал-мутлақ) тарғиботчиси” деб айтган.

Албатта, асосий масала терминни ким ва қачон биринчи бўлиб ишлатганида эмас, балки, Улуғ Шайх илмий меросининг характеридадир. Унинг қарашлари хилма-хил ва кўп қиррали бўлиб, бунга сабаб биргина дунёни қабул қилишининг ўзига хослиги эмас, балки, унинг назариясининг ўзагида ётган турли режали материаллардир. Тадқиқотчиларнинг, “Ибн ал-Арабий беш асрлик тасаввуф анъаналарини жамлади, таҳлил қилди ва системалаштирди”⁸⁰, деган фикрларига қўшилмасдан бўлмайди. Исло

⁷⁸ Кныш А.Д. Учение ибн Араби в поздней мусульманской традиции. – М., 1986.

⁷⁹ Gril D. “Kitob al-inbah ‘ala tariq Allah” Abdallah Badr al-Habasi. 1979. T.15. - P. 97-164.

⁸⁰ Schimmel A. Mystical Dimensions of Islam. North Carolina, 1975. – P. 263.

доирасидан ташқарисидаги қарашларини қўшмай туриб айтишимиз мумкинки, Улуғ Шайх Ибн ал-Арабий мусулмон сўфийлари дунёсининг ал-Ҳасан ал-Басрий (VIII аср) дан бошлаб ўзининг замондошларигача (XII-XIII аср) яшаб ўтган зоҳидлар ва сўфийларнинг нима деганларини, жазвадаги ҳолатларини, ёзганларини ва ўқитганларини барчасини бир жойга жамлаган. Бундан ташқари сўфий мутафаккири ўз ғоявий изланишларида Сунна ислом доирасида чегараланиб қолмай, Шиа оқимидаги баъзи бир эзотерик ҳолатларидан фойдаланди. Масалан исмоилийлардан.

Унинг системалаштириш фаолиятининг якуни бўлиб ҳақиқий “мусулмон эзотеризми энциклопедияси” яратилди ва унга Калом (ал-Калом), фалсафа (ал-фалосифа) ва мусулмон анъанавийлигининг турли томонлари киртилди. Мусулмон руҳий олами маданиятида Улуғ Шайх асарларида ўз аксини топа олмаган бирор бир йўналишни, оқимни топиш мушкул. Айниқса “Макка нозиллари” (“ал-Футухот ал-маккийя”) номли йирик асари кўп тармоқли бўлиб, шеъриятни ҳам, грамматикани ҳам, математика ва ўша даврнинг табиий илмий қарашларини ҳам ўз ичига қамраб олган.

Кўпчилик мусулмон ва ғарбий европалик тадқиқотчилар Ибн ал-Арабий ғояларининг келиб чиқишида ноисломий таълимотларнинг ўрнини топишга интилганлар ва интилмоқдалар. Бир қарашда бу қийин эмасдек: унинг ғояларининг неоплатонизмга, герметик ва гностик таълимотга, каббалага, Шарқ христиан фалсафасига ва мистикага яқинлиги кузатилади. Аммо, Ибн ал-Арабийда бу диний-фалсафий таълимотлар шунчалик ойдин ва ўзига хос равишда қайта тадқиқ этилганки, бирор бир жиддий ўзгартириш киритишга ханузгача эришилгани йўқ. Шуниси маълумки, Улуғ Шайх ўз қарашларида асрлар давомида шаклланган Яқин Шарқдаги турли хил маданият ва динларнинг ўзаро муносабатларидан келиб чиққан эзотерик-фалсафий анъаналарга таянган.

Ибн ал-Арабий таълимотининг мувофаққияти сирини унинг хилма-хиллиги ва кўпқирралигидадир. Ҳар хил даврларда ҳам маданий, ҳам масофавий жиҳатдан узоқ бўлган мусулмонлар Улуғ Устоз таълимотидан ақлий ҳамда маънавий-руҳий саволларига жавоб топа олганлар. Ибн ал-Арабий таълимотидаги “ранг-баранглик” унинг кўп яшаб қолишини англатади.

Албатта бу биргина сабаб эмас. Ибн ал-Арабий таълимотининг узоқ вақтлар ақллар ва қалбларга таъсир этишининг яна бир сирини бу мусулмон уламою – мутафаккирларининг бир қанча авлодларини ўйлантириб келган борлиқ ва билиш масалаларига ишончли жавоблар топишга эришганлигидадир.

Ибн ал-Арабий қарашларида ўзидан олдин яшаб ўтган, тасаввуфда ўзига хос йўли билан ажралиб турган ал-Бистомий, Мансур ал-Халлож (922 йилда қатл этилган.), Абу Саид Майхоний (вафоти. 1049 йил), ал-Харроқоний (вафоти 1033 йил)ларга яқинлик сезилади. Уларнинг экстатик сўфизми йўлини инкор этмаган ҳолда, бу анъанавийликни янада ривожлантиради ва бу жараён тасаввуф таълимотини фалсафийлаштиришга катта ҳаракатлар бўлиб турган даврда амалга оширилди. Ўз қарашларидаги бундай кескин билишда метофизик қарашлари билан парадокс ва антимолийлар ёрдамида ўзининг қалби ичидагиларни етказиб беришга ҳаракат қилади. Бу билан у эзотерик ислом таълимотига тескари ва мусулмон диний уламоларининг танқидига йўл очиб беради. Бундан ташқари замонавий тадқиқотчиларни ҳам Ибн ал-Арабий таълимотини ўрганишида иккиланишга олиб келади. Масалан, қуйидаги “муҳаббатли, исён руҳидаги” (“пантеистик”) деб таҳлил қилса бўладиган шеърини ёндошишига эътибор берайлик:

У (Мутлақ) мақтайди мени, ва мен – Уни ,

У менга сажда қилади, ва мен – Унга .

Фано (мистик) ҳолатда бўлиб, мен Уни тан оламан,

Аммо яна мен Унинг аниқ кўринишидаги нарсалардаги Борлигини рад этаман.

У мени танийди, мен эса Уни рад этаман,

(Бир пайтнинг ўзида) Уни танийман ва унинг борлигига гувоҳлик бераман.

Хўш, қаерда Унинг мукамаллиги?!

Мен Унга ёрдам берсам ва мен Унга ҳузур-ҳаловат ато этсам⁸¹.

Бундай шеърини талқинларни биз Ибн ал-Арабийда ва унинг издошларида, айниқса, шоирларда кўпроқ учратамиз. Худди шуларга нисбатан мусулмон дин пешволари ва баъзи бир сўфийлар ҳам танқидини кучайтиришган. Ўйлаймизки, юқоридагидек ишқий-исёнли, эркин истилоҳлар кейинчалик турк, форсий ва шимолий ҳинд халқлари сўфийлик шеъриятида кўпдан-кўп жаранглай бошлади. Булар ўз навбатида шеърларга илоҳий-руҳий кудрат бағишлади. Сўфийларнинг қарашлари кўпчилик шоирларни илҳомлантиргани аниқ. Масалан, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Бедил, Бобораҳим Машраб ва бошқаларнинг ўзлари ҳам маълум даражада сўфий бўлишган.

Ибн ал-Арабий илмий меросига нисбатан мусулмон оламининг ёндошиши юқорида айтиб ўтганимиздек турлича бўлган. Мусулмон

⁸¹ Ибн Араби Мухйи ад-дин. “Фусус ал-хикам”. Ат-Таъликат алайхи ли-калом Абу Ала Афифи. 4-1. Бейрут, 1400/1980. С.83.

дунёсининг Ғарбида Шайхи Акбар ғояларига қарши чиқувчи кучлар кўпроқ ва Анатолий, Эрон ва Ҳиндистонда эса озроқ бўлган.

Яманда унинг таълимоти атрофидаги тортишувлар узоқ вақтлар давом этиб, мусулмон уламолари ичида кўпдан-кўп тарафдорлар ва улардан оз эмас қарши чиқувчиларни келтириб чиқарди. Айниқса, жанубий Арабистоннинг йирик диний маркази бўлмиш Забид шаҳрида бу ёрқин кузатилди⁸². Шу ерлик йирик мусулмон руҳонийси Ибн ал-Аҳдал (вафоти 1451 йил) Ибн ал-Арабий ғояларини ва унинг издошларини қоралаб бир неча асар яратди. У Шайхни “исломнинг ашаддий душмани” деб ҳисоблади⁸³.

Миср ва Сурияда ҳам бу кураш давом этди. Мисрлик тарихчи ас-Сахавий (вафоти 1497 йил) Шайх таълимоти устидан “ёлғон”, “эътиқодсизлик”, “хавфли”, “шубҳали” деб берилган ва унинг асарларини йўқ қилишни талаб қилувчи 300 га яқин фатволарни ўрганиб чиққан.

Эрон ва Ҳинду-Покистонда Ибн ал-Арабий илмий мероси атрофидаги тортишувлар “вахдат ал-вужуд” ва “вахдат аш-шухуд” тарафдорлари ўртасида кузатилди.

“Вахдат аш-шухуд” – (“мушоҳада бирлиги”) таълимотининг йирик назариётчилари ва тарғиботчилари Эронда Ала ад-доула Симноний (вафоти 1336 йил) ва Ҳиндистонда Аҳмад Сирҳиндий (вафоти 1624 йил) бўлган. Улар ҳуддики “исломнинг софлиги” учун курашувчилар бўлиб, универсаллик ва абстракт-теософик тенденцияли “вахдат ал-вужуд”ийларга қарши чиққан. Аслида бу икки мутафаккир ғояни Ибн ал-Арабийнинг оригинал, асл таълимотидан олишган ва ўзлари ўйлаганларидек унга душман бўлишмаган⁸⁴.

Тахминан XVIII аср бошларидан Ибн ал-Арабий номи атрофидаги шов-шувлар аста-секин пасайиб борди. Умуман олганда унинг кўп сонли танқидчилари ишида бу таълимотни чуқур ва жиддий анализ қилинишини топмадик. Бундай асарлар кўпроқ ўша даврнинг диний-руҳий ҳаётини ўрганишда фойда беради. Кўпроқ Шайхни Қуръонни ўзига хос рамзий-аллегорик шарҳлашида ёки юқоридаги каби шеърини парчаларни алоҳида куйлашида айблар эдилар. Баъзи бир ваъзхон, руҳоний уламолар унинг асарлари доимий аскетик машғулотлар натижасида хиралашган онгининг мевасидир, деб унга осонгина баҳо бериб қўйишади⁸⁵.

⁸² Ал-Хабшиэ Абд Аллах Мухаммад. Ас-Суфийа ва л-фукаҳаэ фи-л-Йаман.

⁸³ Ибн ал-Аҳдал ал-Хусайн. Кашф ал-Гитаэ ан хақа’ик ат-таухид ва р-рдд ‘ала Ибн Араби ал-файласуф ал-мутасаввиф. Нашараху Аҳмад Бакир Махмуд. Тунис, 1964.

⁸⁴ Schimmel A. Mystical Dimensions of Islam. North Carolina, 1975. – P. 257.

⁸⁵ Муборак Зака. Ат-Тасаввуф ал-ислами фи-л-адаб ва –л-ахлак. Т.1. Бейрут. С.123-124.

Ибн ал-Арабийнинг мурасасиз, ашаддий ғоявий душмани таниқли мусулмон уламози Ибн Таймия (вафоти 1328 йил) бўлган. У кўплаб ўзининг қарашлари ва асарларида унинг онтологик ва гносеологик назарияларини қоралайди⁸⁶. Яна бир таниқли араб тарихчиси Ибн Ҳолдун (вафоти 1405 йил) ҳам Шайх ва унинг шогирди, шоир Афиф ад-дин ат-Тилимсани (вафоти 1291 йил)га қарши чиқади. У жамоа назоратсиз қолган экстатик сўфизмни ва Шайх таълимотининг исмоилий эзотеризми ҳамда шиа оқими билан алоқасини ижтимоий хавф туғдиради деб белгилайди.

Ибн Ҳолдун Ибн ал-Арабий ва унинг издошларини салкам ниқобланмаган исмоилийлар оқими даъватчилари деб ҳисоблаб, аҳли суннага хавф солади дейди⁸⁷. Ибн Ҳолдуннинг бундай ёндошиши туфайли ҳали ханузгача Ибн ал-Арабийни исмоилийлик ва ажралган шиаликка алоқаси борлигида гумон қилишади⁸⁸, ваҳоланки у ўз асарларида ҳақиқий, чин аҳли сунна бўлиб гавдаланади.

Ибн ал-Арабийнинг шиалик билан алоқаси бор дейилишининг сабабини унинг ғояларининг кейинги шиа мутафаккирлари орасида кенг тарқалишида деб биламиз. Масалан, Хайдар Амули (вафоти XIV аср охири)дан бошлаб Мир Домад (вафоти. 1631/32 йил) ва Мулла Садр (вафоти 1640 йил) гача Шайхи Акбарнинг метофизик ва теологик қарашларини ҳамда “комил инсон” (ал-инсон ал-камил) таълимотини ўзгаришларсиз қабул қилишган. Бироқ булар ва бошқа шиа уламолари Ибн ал-Арабий таълимотидан ўзларига мослаб амалий хулосалар чиқаришди. Уларнинг “валийлик” (ал-вилайа) таълимотида кўринмас “валийлар” кетма-кетлигини ҳамда “комил инсон” ни бошқариб турувчи “илоҳий қутб” (ал-қутб) ўрнини - “Яшириш Имом” эгаллайди. У “Муҳаммадийлар валийлигининг охиргиси” (“хотам ал вилайя ал-Муҳаммадийа”) деб эълон қилинган. Ибн ал-Арабий эса бу ўринда мукамал сўфий-гностикини кўради. Балки, у шахсан ўзини бу ўринда кўрган бўлиши ҳам мумкин.

Умуман олганда, XIII асрдан кейин Ибн ал-Арабий таълимотини ўрганмаган ва ўз мунсабатини белгилаб олмаган сўфий Шайхни топиш қийин. Бу мусулмон оламининг ҳам Ғарбига ҳам Шарқига бирдек таалуқлидир.

Унинг асарларидаги терминлар, тушунчалар, тимсоллар ва қиёфаларни биз кейинги сўфий, мутасаввиф олимларнинг шеърлятида ҳамда насрий асарларида учратамиз. Ибн ал-Арабий кўп йиллар яшаб, муаллимлик қилган Анатолия шахрида ҳақиқий афсонавий шахсга айланди.

⁸⁶ Хилми Мустафо. Ибн Таймия ва-т-тасаввуф. Ал-Искандарийа, 1982. С. 322-349.

⁸⁷ Prolegomens d'Ebn-Khaldoun. Texte arabe, publie par M.Quatremere.

⁸⁸ Corbin H. L'imagination creatrice dans le soufism d'Ibn 'Arabi. 1958. –P. 22-28, 62-80.

Ибн ал-Арабий ғоялари тасаввуф тариқатлари аъзолари ичида анча кенг тарқалди. Ўзига хос тариқат йўлларининг адабиётлари ва оғзаки таълимотларидан жой олган, ярим афсонавий Улуғ Устоз сиймоси кўп ҳолларда унинг ижодига Европаликларнинг қизиқишини уйғотди. Бир қарашда у кароматгўй ва ҳимоя қилувчи бўлиб, яна бирида фақат шунга лойиқ бўлган, алоҳида танланган кишиларга ё тушида, ё ўнгида пайдо бўлиб ҳақиқатлар сирини очиб берувчи бўлиб тасвирланади.

Шу билан бирга унинг ижодий меросига фақат сўфий биродарлигининг юқори қатлами, мутасаввиф элитасигина эътибор қаратганлар. Улар Ибн ал-Арабий таълимотининг асосини, мағзини билишда етарли тажрибага эга эдилар. Аш-Шазилия, ал-Қодирия, Нақшбандия ва Бектошиа каби таъсирли тариқатлар аъзоларидан бўлган муаллифлар Ибн ал-Арабий шахси ва ғояларига бағишланган асарлар қолдирганлар. Шайхнинг бир қатор назарий тизими юқоридаги ва бошқа сўфийлик тариқатларининг бир-бирига ғоявий жиҳатдан мослигини белгилаб берди. Унинг амалий тавсиялари эса, яъни “ал-Футуҳот ал-Маккийа”да қайд қилинганлари муридлар тайёрлашда манба бўлди. Нақшбандийлик тариқатининг кўзга кўринган мутасаввиф олимлари ўзини ғоявий, анъанавий жиҳатдан Ибн ал-Арабийга тегишлилигининг белгиси сифатида, ўз исмларига “ал-Акбари”, “Актарий” фахрий номини қўшиб айтиб келишган⁸⁹.

Қизиқ, XVIII-XIX асрларда яшаб ўтган, маълум бир таъсирчан сўфий биродарлигининг аосчиси Аҳмад ат-Таджоний (вафоти 1815 йил) ўзининг обрўсини мустаҳкамлаш учун бу фахрий номдан фойдаланди⁹⁰. Ўзининг даъвогарлик қарашларини “Фусус ал ҳикам” ва “ал-Футуҳот ал-Маккийа” билан асослади.

Бир пайтнинг ўзида, сўфийлар ичида Улуғ Устоз меросига яқдиллик билан ёндошиш бўлмаган. Бирлари, яъни мутакаллимларга яқинроқлари унинг асарларини ўрганишни таъқиқлаб ёки бутунлай йўқ қилиб ташлашни талаб қилишган бўлса, бошқалари эса, уларни ўрганиш истечносиз барча сўфийларга тегишли бўлиши керак, деб чиқишди. Ва ниҳоят учинчи, кўпчиликни ташкил қилувчи сўфийлар Ибн ал-Арабий даҳосини тан олган ҳолда, унинг асарларини кенг жамоа ўқишини таъқиқлаш керак деган хулосага келишди.

Агар Усманийлар султони Салим I Ибн ал-Арабий таълимотини қўллаб-қувватламаганида, мусулмон оламининг марказий вилоятларида бу таълимотнинг тақдири қандай бўлиши бизга номаълум. Султон Салим I

⁸⁹ Ат-Тафтазани Абул-л-Вафъа. Ат-Тарика ал-акбарийа. Ал-Китоб, ат-тизқари: Мухйи ад-дин Ибн-Араби. “Ал-Кахира”, 1969. С. 338-353.

⁹⁰ Abun-Nasr J. The Tijaniyya. A.Sufi. Order in the Modern World. L., 1965.

нафақат унинг Дамашқдаги қабри устига ҳашаматли мақбара ва мадраса қурдирди, балки, йирик, обрўли рухоний Камол Пашшо (вафоти 1533 йил) га Шайхи Акбар шахси ва таълимотини танқид қилиш ҳамда таҳқирлашга уринганларга қаттиқ жазо белгиланади, деб фатво беришини тайинлади⁹¹.

Ибн ал-Арабий мероси атрофидаги тортишувларнинг охириги учқуни 1975-1976 йилларда, Миср таҳририяти саҳифаларида О.Йаҳйонинг “Футуҳот” мавзусини танқид қилиб ёзганлигига қарши компания бошланишида кузатилди. Илмий қарашларда ҳам мусулмон маданияти тарихида унинг таълимотининг ролига баҳо бериш бўйича тортишувлар тугагани йўқ. Бу яна бир бор Улуғ Шайх илмий меросини ҳам илмий томондан, ҳам унинг илоҳий издошлари авлодлари томонидан ўрганилиши ҳали ҳануз долзарб аҳамият касб этишини тасдиқлайди.

Такрорлаш учун саволлар:

1. *Ибн ал-Арабий таълимоти қачондан Ғарбий Европа Шарқшунос олимларининг диққат эътиборини тортган?*

2. *Ибн ал-Арабий таълимотини христиан таълимотидан келиб чиққан дея “Христианлашган ислом” деб талқин этган киши?*

3. *Ибн ал-Арабийнинг қайси асари ўзида шеърятни ҳам, грамматикани ҳам, математика ва ўша даврнинг табиий илмий қарашларини ҳам қамраб олган?*

4. *Улуғ Шайх ўз қарашларида асрлар давомида шаклланган Яқин Шарқдаги турли хил маданият ва динларнинг ўзаро муносабатларидан келиб чиққан қандай анъаналарга таянган.*

5. *Ким Ибн ал-Арабий гоёларини ва унинг издошларини қоралаб бир неча асар яратиб, Шайхни “исломнинг ашаддий душмани” деб ҳисоблаган?*

6. *Ким кўплаб ўзининг қарашлари ва асарларида Ибн ал-Арабийнинг онтологик ва гносеологик назарияларини қоралайди?*

7. *Ким Улуғ Шайхнинг Дамашқдаги қабри устига ҳашаматли мақбара ва мадраса қурдирган?*

⁹¹ Кньш А.Д. Учение ибн Араби в поздней мусульманской традиции. – Москва, 1986. С. 17.



**Усманий султон Салим I нинг Ибн ал-Арабийга қурдирган мақбараси.
Дамашқ, Салиҳий шаҳарчаси, Сурия**



**Усманий султон Салим I нинг Ибн ал-Арабий қабри устига қурдирган
мақбаранинг ички кўриниш**

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ал-Ашъарийнинг давомчиси, Каломнинг энг йирик вакилларидадан бирига айланган Имом Ғаззолий исломни тиклади, мустаҳкамлади ва абадийлаштиришга буюк ҳисса қўшди. “Исломнинг исботи”, “дин зийнати”, “умманинг фахри” деган фахрли номларга эга бўлди. Ислом илоҳиёти, тасаввуф таълимотини янада ривожлантирди. Бу буюк аллома тасаввуф таълимоти тарихида бурилиш палласини бошлаб берди. Аз-Заҳобий, ас-Суютий, ан-Нававий, Ибн Асокир каби йирик ислом уламолари уни V аср (хижрий)да динни тиклаган, деб тан олишган. Ғаззолий таълимотининг кўп маънолиги ва кўп қирралигидан мусулмон уламолари, илоҳиётчилар уни бир вақтнинг ўзида ҳам танқид қилиб, ҳам “исломнинг исботи” деб улуғлаганлар.

Замонавий дунёда Имом Ғаззолий ислом илоҳиётининг йирик вакилларидадан бири ҳисобланади. “Исломни том маънода сақлаб қолди”, деб ёзади Ғаззолий ҳақида Шайх Ҳамза Юсуф.

Умуман олганда, мусулмон оламида мистика, зуҳд йўналиишарининг кучайиб бориши араб киборларининг очкўзлигига, уларнинг зеб-зийнатга ружуларига, илк таълимот идеалларини аста-секин йўқотиб бораётганларига, ахлоқнинг тубанлашиб бораётганига қарши эзилган синфлар қаршилигининг шакли ҳам эди.

Шу билан бирга, халифаликдаги ижтимоий-сиёсий ҳолат расмий диний докторинани тасаввуф билан “яраштириш” заруриятини талаб қилар эди. Бунга Абу Ҳомид Имом ал-Ғаззолий фаолияти сезиларли даражада таъсир қилди. Унинг мақсади пировард натижада, тасаввуфнинг “софлиги” ни, унинг ислом руҳига мослигинигина эмас, “суннанинг сўфиёна янгилашини” ҳам исботлаш эди.

Имом Ғаззолий тасаввуф тушунчалари ва шариат қонунларини бирлашишида жуда катта роль ўйнади. У калом, фикҳ, фалсафа, исмоилий ҳамда сунний ақидавий илмларни чуқур, изчил ўрганиб чиқиб, бундай эътиқод ҳаётини эмаслиги ҳақида хулоса чиқарди ва тасаввуфга юзланди.

Имом Ғаззолийнинг саъй-ҳаракати билан “сўфизм мистик ҳаёт ҳақидаги фан” даражасига кўтарилди. Шу билан бирга, Ғаззолий мусулмонча диний эътиқодга, исломий маросимларга амал қилишга чақириб, айна бир пайтда сўфиёна пантеизм ғояларини инкор этди. Имом Ғаззолийнинг тасаввуфни ўша вақтда ҳукмрон мавқеда бўлган ордоксал суннийлар билан ҳам назарий, ҳам назарий-ташкилий яраштиришга қаратилган ҳаракатлари сўфийликнинг

янада кенгроқ ёйилишига ва ташкилий мустаҳкамланишига олиб келди. Шу вақтгача сўфийлар дарбадар сайёҳ дарвешлардан иборат эди. Кейинчалик сўфийларнинг биринчи диний уюшмалари вужудга келди.

Имом Ғаззолий ислом тизимига тасаввуф ва фалсафани киритди, исломни мустаҳкамлашда восита сифатида, фалсафадан фойдаланди. Бу вазифани ҳатто ўша давр мутакаллимлари ҳам урдасидан чиқа олмаган эди. Маълумки, Форобий, Ибн Сино, Умар Ҳайём даврида мусулмон Шарқда файласуфлар ва Калом аҳли ўртасида қажатқич кураш давом этиб келарди. Лекин, дунёвий фалсафа хавф туғдириб тургани учун, диний таълимотнинг барча масалалари ҳам аниқ белгилаб олинмаган эди. Фалсафа ва теологиянинг ўрнини аниқ белгилаб олиш учун бу соҳаларда чуқур билим талаб қилинарди. Имом Ғаззолий айнан шу билимлар соҳиби бўлди. У “Файласуфларнинг ихтилофлари” асарида фалсафанинг динга нисбатан хавф туғдирадиган масалаларини ойдинлаштирди. Бу билан у ўзларининг ғоявий душманлари – моддиончиларни ўрганишда идеалист файласуфларга ва Калом илми вакилларига катта хизмат кўрсатди.

Сабабийлик фалсафий категорияси тўғрисида Имом Ғаззолий доимо бир нуқтаи назарда бўлган: сабаб қонуниятдан, табиат тараққиётидан эмас Оллоҳнинг иродасидан келиб чиқсагина, ҳақиқий бўлади, дейди у.

Француз файласуфи Рене Декартдан 600 йил илгариёқ, Имом Ғаззолий “Шубҳа ҳақиқат сари йўлдир, кимки шубҳаланмаса, у кўрмайди, кўрмаган тушунмайди, тушунмаган кўрлигича, адашганича қолаверади”, — деб таъкидлаган. Дин пешволари Ғаззолий агар билиш назариясида скептицизм йўлидан кетишни давом эттирса, худонинг мавжудлигига ҳам шубҳа уйғотиши мумкин, деб доимо унга писанда қилар эдилар. Тасаввуф соҳасида у бир неча ислоҳот ўтказди. Тасаввудан диний урф-одатларга бепарволик ғоясини чиқариб ташлади. Тушунчаларни зарарсизлантириб, тасаввуфни эътиқодга хизмат қиладиган қилди.

Ғаззолий исломнинг йирик мутафаккири бўлиб, унинг борликни билиш мумкинлигига “шубҳа” билан ёндошиши унинг фалсафий нуқтаи назардан қарашларини ёрқин ифодалаб берди. Ғаззолий шубҳани Ҳаққа элтувчи йўл деб ҳисоблади. Шу сабабли баъзи тадқиқотчилар Ғаззолийни ўрганиб, уни барча фалсафий скептицизмларнинг асосчиси дейишади. “Диний илмларнинг тирилиши”да Ғаззолий ҳодисанинг сабабий боғланишини рад этади. Борликни яратувчиси ва сабабчиси ҳам Оллоҳдир. Оллоҳ шундай тартиб яратганки, бирор-бир сабаб иккинчи бир сабабсиз содир бўлмайди, дейди у.

Ғаззолий Оллоҳни билиш – демак, Уни албатта кўз билан кўриш эмас, балки, Уни англаб бўлмасликни билишдир, дейди. “Диний илмларнинг тирилиши”да Ғаззолий инсоннинг турли қобилиятларини, яъни илоҳий

билиш йўлидаги ички ботиний қобилият, ақл ва ўта юқори ҳис-ҳаяжон, жазба, фано ҳолатларини кўрсатиб ўтади. Назарий уламоларнинг илмидан сўфийларнинг тутган йўлини тўла фарқлаб, бу илм ва амалнинг омухталигидир, дейди у. Аввало, ўрганилиши керак бўлгани эса аждодлар томонидан ўрганилган билимлардир. Кейин эса илоҳият соҳасидаги олимларнинг тадқиқотлари билан ўрганилмаган ҳақиқатларга интилишда ҳеч бир тўсиқ бўлмайди. Зеро, хануз инсонлар учун номаълум бўлган нарсалар кўп. Иккала томон ўртасидаги фарқ ҳам мана шудир. Бу асарида мусулмон фикрининг учта асосий йўналиши: мутакаллим (ақида тарафдорлари), муътазилий (ақл тарафдорлари), сўфийлик (мистицизм) бирлашди. Имом Ғаззолий ишлаб чиққан таълимот ўзининг кўпқирралиги, танқидий ва турли хил қарама-қарши мулоҳазалари билан ажралиб туради. Шунинг учун баъзи бир олимлар унинг асарларини ўрганиб, унда кетма-кетлик ва тартиб йўқ, қарашларида тўқнаш фикрлар кўп, деб изоҳлашади. Лекин, Ғаззолий таълимоти чуқур таҳлил қилинса, унда бир-бирига зид фикрлар кузатилмайди, у умрининг охиригача ўз позициясида қаттиқ турган илоҳиётчи файласуф, фақиҳ, мутасаввиф олим эди.

“Диний илмларнинг тирилиши” асарида бир томондан мантиқ, амалиёт, шубҳа ва объективликни ўз ичига олган, билиш учун зарур бўлган ақлни юқори деб билса, иккинчи томондан Оллоҳга яқинлашиш йўлидаги сўфийларнинг биргаликда, коллектив ибодат қилиш масалаларини, “фано” ҳолатларини ва мукамалликка эришишнинг даражаларини белгилайди. Сўфийларнинг “хилват”га киришини тартибга солиб, агарда, оиласига ва фарзандларига зиён етгудек бўлса, у киши хилватга кирмасин, деб белгилайди.

Ғаззолий Ашъарий метофизик таълимотини охирига етказган, охириги буюк мутакаллим файласуф ҳамдир. Шу билан бирга, мутасаввиф илоҳиётчидир. Унинг шахсияти ўз билимларини бошқаларга беришдан қизғонмайдиган, айтганлари билан қилган ишлари мос тушадиган, мол-дунё, мансаб ва ҳокимиятга интилмайдиган ҳақиқий мусулмон, сўфий мутафаккири эди. Алломанинг шу жиҳатлари ҳозирги давримизда ҳам тез-тез учраб турадиган диндан фақат моддий бойлик орттириш мақсадида фойдаланаётган ёки аввалбошданок сиёсийлашган бўлиб, ҳокимиятга интилишни кўзлаб, ғоявий-мафкуравий мақсадларда ислом динини, имло ва муқаддас оятларни ҳарфма-ҳарф, мукамал ўрганишни мақсад қилганлар учун ибрат бўлса арзийди.

Имом Ғаззолий Қуръондаги “жиход” тушунчасига ўзгача ёндашувни киритди. Ғаззолий “Аль-Васит филь мазҳаб” (“Ислом фикҳининг асослари”, 6-жилд) китобида “Ан-Нисо” (Аёллар”) сурасининг 95-оятини жанг

майдонидаги уруш ҳақида эмас, балки, ўз нафсингиз билан курашишда, деб тафсир қилди.

Ғаззолий одамларни билиш даражаларига кўра икки категорияга: “Кенг омма” ва “Танланганлар” га бўлган. Биринчи категорияга оддий тақводорларни, кўр-кўрона диний анъаналарни бажарувчиларни киритади. Бундай одамлар олдида муқаддас матнларга символик-аллегорик шарҳлар бериб бўлмайди. Бу категорияга исломда ҳар қандай янгиликка қарши чикувчи ва уни бидъат деб билувчи мутакаллимларни ҳам киритди. Иккинчи категорияга биринчи бўлиб файласуфлар ва сўфийларни киритди. Улар борлиқ ҳақидаги тасаввурларга ички ёғду, илҳом орқали етишади, дейди. Ибодат масаласида фикр юритиб, ҳеч қачон дин арконларини бажаришга мажбур қилмаслик керак, бу томирига болта урган билан баровардир, унинг қонида бор, берилган нарсани қуритиб қўйиш мумкин, у нарса ўзи кўкаради, куртак очади ва яшнайти. Шунда эътиқод мустаҳкам бўлади.

Ғаззолий борлиқни уч даражага ажратган.

1. Олий даражани Оллоҳ эгаллаган. Ўзининг мутлақлиги билан.

2. Энг куйи даражани Оллоҳ томонидан тақсимланган моддий олам ташкил қилади.

3. Бу икки даража ўртасида руҳий эркинликка эга бўлган одамлар дунёси мавжуд. Оллоҳ томонидан уларга ғоялар берилади, аммо ҳар бир амал фақат одамларнинг иродаси билан қилинади, деб кўрсатади.

XII-XIII асрларда араб Андалусия (Испания)сининг яҳудий аҳолиси араб тилини яхши билган ва яҳудий олимлар араб адабиётини тўғридан-тўғри мутолаа қилишган. Иехуда Галеви ўзининг Аристотелга нисбатан танқидий қарашларида ал-Ғаззолий йўлини тутиб фалсафани математика ва мантиқ каби аниқ эмаслигини кўрсатади.

Кейинчалик ал-Ғаззолий асарлари кўп маротаба яҳудий тилига таржима қилинган. Биринчи таржимонлардан Исаак Альбалаг бўлган. Лекин унинг ишида кўпол хатолар кўзга ташланган.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ғарбий Европадаги кўпчилик таржимонлар тасаввуфга доир асарлар таржимасида билиб ё билмасдан энг муҳим истилоҳларни хато ўгирганлар. Масалан, улар фақир сўзини “духовная нищета” тарзида ҳарфма-ҳарф, “руҳ бойлиги” маъносини руҳ “қашшоқлиги”, деб тесқари таржима қилдилар. Абул Ҳасан Ҳужвирий “Кашф ул-Маҳжуб”да “ғино ар-руҳ”, яъни “руҳ бойлиги”, деб тўғри изох берган. Шу маънода Ғарб тадқиқотчиларининг таржималарига кўпроқ танқидий қараш зарур.

Имом Ғаззолий таълимоти мусулмонларнинг теологик қарашларига, шунингдек, ўрта аср яҳудийларининг дунёқарашига кучли таъсир қилиб, жуда кенг тарқалган бўлса-да, XII-XIII аср оралиғида Эрон ва Ўрта Осиёда

испан – араб алломаси Ибн Арабийнинг пантеистик фалсафий тизими яна ҳам кўпроқ оммавийлашиб кетди. Таниқли олим, тасаввуфшунос Иброҳим Ҳаққул мутафаккир Ибн Арабий ҳақида шундай ёзади: “Муҳийиддин Ибн Арабий шахсияти, илоҳий завқ ва кашфдан туғилган асарлари, мана, орадан неча асрлар ўтса ҳамки, ҳамон зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда”.

Улуғ Шайх Ибн ал-Арабийнинг диний фалсафий қарашларининг исломий-илоҳий тизимида комил инсон ғояси алоҳида ўрин тутди. Ибн ал-Арабий деб ёзади таниқли олим Нажмиддин Комилов бошқа тасаввуф алломалари қатори комил инсонни ҳаётдан ташқари бўлган, ердаги одамларнинг хислатларига ўхшамайдиган қандайдир мавҳум (абстракт), Оллоҳга маънавий яқинлашиб борадиган сирли зот шаклида таърифлаган. Унинг тасавури ва фикрида комил инсон одамларни эгаллаган, оламларга барча жонзотлар ва инсонларга таъсир эта оладиган, инсониятни бошқарадиган бир Буюк рухдир. Маънавий ахлоқий қудратдир. Шу маънода уни (инсонни) Оллоҳнинг Халифаси – ўринбосари дейиш мумкин⁹². Донишманд Ибн ал-Арабийнинг комил инсон тўғрисидаги ғояларини кўра олмаган жоҳил ва чала мулла диндорлар ўта ғазаб билан қарар, ҳар жиҳатдан қоралашга интилишар эдилар. Аммо Ибн ал-Арабийнинг илоҳий нур билан суғорилган илм маърифати доимо ғалаба қилар, ғанимларнинг хуружларидан ҳимоя қилар, борган сари кўплаб мухлисларига эга бўлар, суфийлар қароргоҳларидан янада мустаҳкам ўрин олар эди. Унинг “Ал Футуҳот ал-Маккия” ва “Фусус ал-Ҳикам” номли кўп томли асарлари бутун ислом оламида машҳур-у олам бўлди. Ўша даврларнинг ўзидаёқ сўфиёна мактаб, мадраса ва бошқа илмий даргоҳларда тасаввуф илми фанидан энг сеvimли дарслик қўлланма мавқеини эгаллаган. Ибн ал-Арабийнинг исломий фалсафий қарашларига ҳозирги мавжуд адабиётларда берилган фикр-мулоҳазаларга асосланиб қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

Улуғ шайх қалби ва ғоясининг асосини Оллоҳ, Унинг нури, моҳиятини англаш ва Унга етишиш учун интилиш ташкил қилади. Оллоҳдан бошқа, ундан ташқари ҳеч нарса йўқ, барча нарсаларни моҳияти Оллоҳдадир; фақат шу илоҳий субстанциянинг Оламий (Коинот) бирлиги – ягоналигигина ҳуқуқий воқеаликка намоён этади. Инсон ва бутун инсониятнинг кўнгли (қалби) ана шу улуғ, ягона моҳият (Оллоҳ) атрофида бирлашиши бирлик, ҳамфикрликка зид бўлган кайфият ва ақидага берилмаслиги керак; улуғ шайх борлиқнинг бирлиги ва ягоналиги – “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотини ёритиб ўзига абадий ҳайкал қўйиб кетади. Унинг асарларида илгари сурилган таълимотида Шарқ ва Ғарб тасаввуфий анъаналари мужассамлашиб кетган

⁹² Комилов.Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. – Т.: ”Ёзувчи”, 1996. 146-бет.

эди, шунинг учун фалсафа, исломшунослик, сўфизм билан шуғулланувчи зиёли маърифатпарвар олимлар зўр қизиқиш билан кутиб олди ва қабул қилдилар; унинг илмий услубида рационализм (ақлпарастлик) ҳамда схоластика (сафсатавозлик)га нисбатан илоҳий, интуитив ботиний (важдий) билимни узвий равишда боғлаб талқин этиш ташкил этарди; алломанинг тадқиқот услубиётининг асосини Қуръон, суннани аллегорик (мажозий) тадқиқ этиш қамровлилик ва яхлитлилик ташкил қилади; улуғ шайх Куръони Каримдаги рамзлар ва мифологиялардан фойдаланиб тасаввуф космогониясини яратишда раҳмдиллик (арроҳма) теософия (Оллоҳни илоҳий билиш) оламий суғро Оллоҳ тимсоли эканлигини асослаш, манзиллар томон илоҳий йўлнинг ҳолатлари, сўфиёна авлиёлик даражалари, унинг кутблари, пайғамбарлик ва авлиёлик муносабатлари ва бошқа масалалар юзасидан сўфиёна тасаввурларни тартибга солди ва тўлдирди⁹³. Ваҳдат ул-вужуд концепциясини илгари сурди ва барча нарсалар авваламбор ғоя кўринишида Оллоҳ онгида мавжуд бўлади, ундан келиб чиқади ва унга қайтиб боради; олам, борлик, жумладан, одам ҳам ўша ягонанинг ташки, зоҳирий томони, Оллоҳ эса, ички-ботиний томонидир. Оллоҳ ҳар қандай сифатлардан мутлақ озод-эркин, У фақат бутун коинотнинг борлиғи, яратувчи борлиқнинг моҳиятидир”, деган идеалистик формуласи ваҳдат ул-вужуднинг моҳиятини очиб берди; Ибн ал-Арабийнинг қуйидаги қарашлари бугунги ижтимоий диний-сиёсий муҳитни, моҳиятини тушуниш ва хулосалар чиқариш учун ҳам аҳамиятлидир. У эътиқод эркинлигини оқлаб чиқди, унинг учун дин шаклининг аҳамияти йўқ. Масжидда ҳам, черковда ҳам, монастырда ҳам, яҳудий синагогисида ҳам, оташпарастлар тўпланадиган идол қаршисида ҳам ибодат қилиш мумкин, агар сажда қилувчи Оллоҳга мурожаат қилаётганлигига ишонса, “Оллоҳга ибодат қилувчи уни (Худони) нур кўринишида тасаввур қилади”. Мутафаккир дин шакллари ва мазҳабларига нисбатан бефарқлик, бағрикенглик, толерантлик муносабатларида бўлган; шу билан бирга, ислом динининг энг маъкул ва манзур тариқат йўлини тасаввуф деб ҳисоблайди ва ислом фалсафасининг негизи деб қарайди.

Улуғ шайхнинг бой тасаввуфий меъроси унинг жуда кўплаб мухлисларига асрлар давомида фалсафий, исломий-диний, дуохонлик-ваъзхонлик билимларини олиши учун манбага айланган. Бундан кейинги барча асрлар менинг номим ила хотирланажак⁹⁴, деб башорат этган экан буюк шайх. Ушбу мухтасар илмий-оммавий рисола ҳам унинг башоратига жавобдир, зеро унинг ажойиб асарлари туфайли тасаввуф ўзининг чўққисига кўтарилди.

⁹³ Қаранг: Суфийская мудрость. Составитель В.В. Ловский. – Москва, 2007. С.112.

⁹⁴ Саййид Муҳаммад Ҳотамий. Ислом тафаккури тарихидан. – Т.: “Минҳож”, 2003. 23-бет.

Ўрта асрлар шароитида тасаввуфнинг исломга эътиқод қилувчиларнинг маънавий ҳаётига таъсири жуда кучли бўлган. Унинг халқ оғзаки ижодига адабиёт ва санъатига таъсири бекиёс эди. Сўфийлар орасида кўплаб истеъдодли шоирлар ва адиблар бўлган. Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Мирзо Бедил тасаввуфий таълимоти, уларнинг Оллоҳ нури билан суғорилган ғоявий манзиллари иймон – эътиқодга чексиз садоқати, инсоннинг эзгу хулқ одоби, эзгу амали, эзгу сўзи, эзгу нияти, эзгуликка бахшида этилган ҳидояти каби мавзулар алломаларнинг сўзида, тилида, қалбида, барҳаёт яшаган. Аллома, улуғ шайх Муҳийиддин Ибн ал-Арабий ҳам ана шу буюк алломалардан бири бўлган ва улар орасидан муносиб ўрин олган. Улуғ Шайхнинг ислом динини софлиги ва поклиги йўлида олиб борган саъйи-ҳаракатлари бекиёс бўлган. Бу муқаддас ишни чин маънода қалб нури асосида олиб борган. Маънавият ва маърифат бугун ёшларни – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг меъзони бўлган, юксак маънавиятини тарбиялайдиган кучдир⁹⁵. Бу борада диний, исломий мерос муҳим аҳамиятга эга. Воқеалардан туриб айтишимиз мумкинки, бу эзгу ишда Улуғ Шайхнинг ҳам улуши бекиёсдир.

Ишнинг хулосасида яна бир бор таъкидлаш лозимки, Имом Ғаззолий ва Ибн ал-Арабий таълимотларида ўртага қўйилган масалалар ҳалигача ўзининг тўла ечимини топганича йўқ. Уларнинг бой маънавий, фалсафий, диний-исломий мероси жуда кўп мухлисларига асрлар давомида энг муҳим илм манбаи бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Имом Ғаззолий ҳамда Ибн ал-Арабийларнинг ғоявий-фалсафий, исломий-мафкуравий мероси атрофидаги баҳс-мунозаралар бугунги кунда ҳам тўхтаган эмас. Айниқса, бугунги кунда баъзи ислом дини ниқоби остида ўзининг ғаразли ниятлари ва ғояларини амалга оширишга интилаётган “исломчилар”, “ислом фундаменталистлари”, исломнинг “яшил байроғи” остида мудҳиш қилмишларини амалга оширишга интилаётган ёвуз кучларга қарши курашда ҳамда ёшларни инсонпарварлик, ватанпарварлик ва комиллик руҳида тарбиялашда бу икки буюк алломаларнинг таълимотида илгари сурилган ҳақиқий исломий ғоялар жуда муҳим манба бўлиши, шубҳасиз.

⁹⁵ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. 19-бет.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Тасаввуф таълимоти қачон шаклланди ва ривожланди?
А) VIII аср биринчи ярми Б) VII аср боши
С) IX аср ўрталари Д) V аср охири
2. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов «Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирлари илмий ва маънавий меросининг жаҳон свилізатсияси ривождаги ўрни ва аҳамияти»га бағишланган нутқи қачон ва қаерда ўқиб эшиттирилди?
А) 2014 йил 15-16 июн Самарқанд
Б) 2014 йил 15-16 июн Тошкент
С) 2015 йил 15-16 май Самарқанд
Д) 2015 йил 14-16 июн Тошкент
3. «Хужжат ул- ислом» дея таърифланган буюк мутафаккир?
А) Ал – Фарғоний Б) Ибн ал-Арабий
С) Имоми Ғаззолий Д) Байҳақий
4. “Шайхи Акбар” – Улуғ устоз мартабасига сазовор бўлган аллома ?
А) Ал – Фарғоний Б) Ибн ал – Арабий
С) Фаробий Д) имоми Ғаззолий
5. „Агар Муҳаммад алайҳисаломдан кейин пайғамбар бўлиши мумкин бўлганида, у ҳеч шубҳасиз, Имоми Ғаззолий бўлар эди“. Ушбу таъриф муаллифи?
А) И. Каримов Б) А. А. Суютий
С) К.Шониёзов Д) А.Асқаров
6. „Тахофутул – Фаласифа “ асари муаллифи?
А) Гардизий Б) Байҳақий
С) Ибн ал- Арабий Д) Имоми Ғаззолий
7. „Тахофутул – Фаласифа “ да қайси файласуфлар таққосланган?
А) Беруний – Фаробий, Суқрот – Афлотун
Б) Фаробий – Ибн Сино, Суқрот – Афлотун
С) Фаробий – Ибн Сино, Арасту – Афлотун
Д) Фаробий – Ибн Сино, Суқрот-Геродот
8. „Файласуфларнинг мақсадлари”асари муаллифи?
А) Фаробий Б) Заамхшарий
С) Ибн ал-Арабий Д) Имоми Ғаззолий
9. Қайси Европа файласуфи Ғаззолий асарларини юқори баҳолаган?
А) И.Гегел Б) Ф.Афинский
С) Имоми Ғаззолий Д) Ф.Ницше

10. Ғаззолийнинг қайси асари XII асрда „Logical et philosophic” тарзида таржима қилинган?
- А) Тахотуфул-Фаласифа Б) Мақосидул-Фалосифа
 С) Файласуфларнинг мақсадлари Д) Б ва С жавоблар тўғри
11. Мақосидул-Фалосифа асари Европаликлар ичида қайси ном билан машхур бўлган?
- А) Logical et philosophic
 Б) Logical he filosofim
 С) De’ot’ ha Filosofim
 Д) De’ot’ ha Algazelis
12. Оллоҳ, Олам ва Одамни бир деб тушунтирувчи оқим?
- А) Тотемизм Б) Аскетизм
 С) Пантеизм Д) Сионизм
13. Оллоҳ, Олам ва Одамни бир деб тушунтирувчилар оқими асосчиси?
- А) Фаробий Б) Ибн Сино
 С) Имоми Ғаззолий Д) Ибн ал-Арабий
14. Пантеизм энг қадимга давларда қайси худудларда тарқалмаган?
- А) Гретсия Б) Хитой
 С) Ҳиндистон Д) Миср
15. „Ҳар бир аср буюк бир шахснинг номи ила эсланур, бундан кейинг барча асрлар менинг номим ила хотирланажак” ушбу фикрлар муаллифи?
- А) Фаробий Б) Ибн Сино
 С) Имоми Ғаззолий Д) Ибн ал-Арабий
16. Имоми Ғаззолий илмий меросини ўрганиш билан қайси олимлар жиддий шуғулланганлар?
- А) О.Ф.Акимушкин, С.Н.Григорян
 Б) В.Наумкин, А.В.Сагадеев
 С) А.А.Хисматуллин, Е.Носиров
 Д) Жавоблар тўғри
17. Имоми Ғаззолийнинг „Подшоҳларга маслаҳатлар” асари ким таржимаси остида Санкт-Петербургда чоп этилди?
- А) Э.Носиров Б) А.В.Сагадеев
 С) А.Миниянова Д) Х.Яхё
18. „Илми Ладуний” асари ким таржимаси асосига чоп этилди?
- А) Э.Носиров Б) А.Миниянова
 С) А.Хисматуллин Д) А.В.Сагадеев
19. 2014 йил 15-16 июн кунлари Самарқандда бўлиб ўтган анжуманда ким Шарқ аллома ва мутафаккирларининг илмий-назарий ва маънавий меросини ўрганиш, ёшлар онги ва қалбига етказиш тўғрисида нутқ сўзлади?

- А) А.Орипов Б) Х.Султонов
 С) И.Каримов Д) А.Асқаров
20. Турк олими Хорун Яхё қанчадан ортиқ асар ёзишда Имоми Ғаззолийнинг „Ихиё” ва „Кимиён Саодат” асаридан фойдаланган?
 А) 300 дан Б) 200 дан С) 100 дан Д) 50 дан
21. „Хужжат ул-Ислом” ва „Бахр ул-Буғроқ” унвонлари билан сифатланган аллома?
 А) Фаробий Б) Ибн Сино
 С) Имоми Ғаззолий Д) Ибн ал-Арабий
22. «Шарқнинг буюк ақли» деб ким улуғланган?
 А) Фаробий Б) Ибн Сино
 С) Имоми Ғаззолий Д) Ибн ал-Арабий
23. Имоми Ғаззолийга Шарқнинг буюк ақли деган таътифни ким берган?
 А) И.Кант Б) Ф.Ницше
 С) Ф.Гегел Д) Ф.Афинский
24. Ғаззол сўзининг маъноси?
 А) Ип ўгирувчи Б) Ипак йигирувчи
 С) Гул босувчи Д) ТЖЙ
25. Имоми Ғаззолий қачон ва қаерда туғулган?
 А) 1058 Тусда Б) 1058 Машҳад
 С) 1058 Ироқ Д) А ва Б
26. Имоми Ғаззолийнинг биринчи устози ким бўлган?
 А) Аҳмад Б) Маҳмуд
 С) Азконий Д) Тусий
27. Аҳмад ва Маҳмуд Имоми Ғаззолийга ким бўлишган?
 А) Амакилари Б) Дўстлари
 С) Ўғиллари Д) Ака-укалари
28. Аҳмад ва Маҳмуд Азконийнинг маслаҳатига кўра Журжон мадрасасида таълимолган бўлсада асосий билимни 1080 йилдан қаерда оладилар?
 А) Самарқанд Б) Нишопур С) Марв Д) Бухоро
29. Имоми Ғаззолий Нишопурдаги тахсилни кимдан олади?
 А) А.Жузжоний Б) Ал-Жувайний
 С) Беруний Д) Азконий
30. Ғаззолий тасаввуф илми юзасидан кимлардан тахсил олади?
 А) Ал-Термизий Б) Юсуф ан-Насож
 С) Азокий Д) Жавоблар тўғри
31. Ғаззолий 1091 йили қайси мадрасага мударрис бўлди?
 А) Фаридия Б) Низомия

- С) Бағдодия Д) Мусулмония
32. Имоми Ғаззолий қачон Бағдодни тарк этди?
 А) 1096 й Б) 1095 й С) 1094 й Д) 1093 й
33. Имоми Ғаззолий 11 йил давомида қайси шаҳарларда таркидунёчиликда кун кечирди?
 А) Дамашқ Б) Тус С) Марв Д) А ва Б
34. Имоми Ғаззолийнинг „Ал-Мунқиз мин аззалал”асарининг иккинчи номи?
 А) Тун Б) Зулматлар
 С) Залолатлар Д) АБС
35. Имоми Ғаззолий неча тил давомида бутун вужудини оллоҳга хизмат қилишга бағишлади?
 А) 10 Б) 11 С) 12 Д) 13
36. Хужжат ул-Ислом тўғрисида А.Н.Авоий қайси асарида айтиб ўтади?
 А) Махбуб ул-қулуб
 Б) Лисон ут-тайр
 С) Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул футувват
 Д) Мантиқ ут-тайр
37. Имоми Ғаззолий қачон вафот этган?
 А) 1110 й Б) 1111 й С) 1109 й Д) 1108 й
38. Имоми Ғаззолий ўз таълимотида қайси элементларни бирлаштирган?
 А) Ратсионализм Б) Традитсионализм
 С) Миститсизм Д) АБС
39. Диний илмларнинг тирилиши асари кимга тегишли?
 А) Фаробий Б) Байҳақий
 С) Имоми Ғаззолий Д) Ибн ал-Арабий
40. “Муҳийиддин» сўзининг маъноси?
 А) эътиқодни тикловчи Б) Йўл кўрсатувчи
 С) Билимга элтувчи Д) Яхшиликка чорловчи
41. Мисрлик тадқиқотчи Усмон Юсхий Ибн ал-Арабийнинг қнча асарини санаб ўтади?
 А) 700 га яқин; Б) 725 та; С) 800 дан ортиқ; Д) 258 та;
42. Ибн Арабийнинг тасаввуфий таълимотининг бош йўналиши ҳозирги фан тили билан изоҳлаганда қайси фанга яқин деб аташ мумкин?
 А) антропология; Б) этнология;
 С)лингвистика; Д) этнодемография;
- 43.Қайси асарда мусулмон илоҳиётшунослигининг ақлий ва моддий оламнинг ўзаро муносабати масаласи ёритилган?
 А) Инсон кадри; Б) Ислом илоҳиётшунослиги;
 С) Биринчи ақл; Д) Муҳитни тасаввур этиш;

44. "Тайёрланмоққа чиқиш учун йўллар" асарининг асосига ... қўйилган.
- А) инсоннинг Оллоҳга ўхшашлиги тўғрисидаги тезис;
 Б) инсон ва табиат ўртасидаги муносабат;
 С) инсон ва жамиятни алоқаси;
 Д) инсоннинг ички ҳислари;
45. Арабийнинг фикрига кўра коинотдаги "ҳаётий кучлар" қайсилар?
- А) фаришталар; Б) инсонлар;
 С) даҳолар Д) А ва С жавоблар тўғри;
46. Қайси асарни тадқиқотчилар Қуръондаги "Пир", "умумий рух" каби илоҳий тушунчалар билан ойдинлаштирадилар?
- А) Исломунослик; Б) Инсон қадри;
 С) Муҳитни тасаввур қилиш; Д) Биринчи ақл;
47. Гносеология қандай фан?
- А) инсонни ўрганиш; Б) билиш ҳақидаги фан;
 С) табиатни билиш; Д) онг ҳақида фан;
48. Қайси улуғ олимнинг дунёқарашада "севги коинот борлигининг сабаби ва ҳаракатлантирувчи кучи; агар у бўлмаганда ҳеч нарса ҳам бўлмасди" деган диний-фалсафий тушунча илгари сурилади?
- А) Ибн Сино; Б) Ал Беруний;
 С) Ат-Термизий; Д) Ал-Арабий;
49. Шайхнинг ўзи тузиб чиққан рўйхатга кўра унинг асарлари неча номдан иборат?
- А) 290-300; Б) 50-80;
 С) 150-200; Д) 150-250;
50. Арабий борликни ... деб номлайди.
- А) биринчи асос; Б) биринчи нарса;
 С) иккинчи нарса; Д) учинчи нарса;
51. Арабийнинг ғояларида кимларнинг таъсири сезилиб туради?
- А) Ш. Сухреварди; Б) Ибн Сино ва Фаробий;
 С) Ғаззолий; Д) А ва С жавоблар тўғри;
52. "Қуръон соҳилсиз бир денгиздир, Қуръон денгизи чуқирдир" фикр муаллифини топинг??
- А) Замахшарий; Б) Арабий;
 С) Термизий; Д) Беруний;
53. Арабийнинг қайси асарида "Оллоҳдан белги ва амир" олгани унга одамларга насиҳат ва таблиғ вазифаси юклатилгани ҳақида ёзади?
- А) Футухот; Б) Инсон қадри;
 С) Биринчи ақл; Д) Қуръон денгизи

54. Қайси асарда Арабийни энг йирик илоҳиётчи файласуф эканлиги таъкидланади?
 А) ҳадисларда; Б) Қуръон денги;
 С) Ислом энциклопедик луғати; Д) Тўғри жавоб йўқ
55. Шайхнинг 500 га яқин асаридан қанчаси бизгача етиб келган?
 А) 150 та; Б) 200 та;
 С) 520 та; Д) 852 та;
56. “Макка нозиллари” асари неча бобдан иборат?
 А) 660 боб; Б) 600 боб
 С) 560 боб Д) 500 боб
57. Қайси асарга 150 дан ортиқ шарҳлар ёзилган?
 А) Биринчи ақл; Б) Футуҳот;
 С) Инсон қадри; Д) Фусус ал- Ҳикам;
58. Қайси олим ўзининг хотираларида Ибн Арабий бечора бўлиб яшашга ҳаракат қилганлиги Макка ва Мадинага ҳаж сафарларини бир неча марта оширганлигини ёзади?
 А) Термизий; Б) Беруний;
 С) Ибн ан- Нажор; Д) ТЖЙ;
59. “Илоҳий билимларнинг денгизи” ва “ Олимлар орасида тариқатнинг энг билимдони” деб таърифланган олим?
 А) Нажор; Б) Ал- Арабий;
 С) Термизий; Д) Ғаззолий;
60. Қайси асарда илоҳий борлиқ намоян бўлишининг икки хил кўриниши яққол ва яширин шаклларида таърифланади?
 А) Футуҳот; Б) Биринчи ақл;
 С) Қуръон денгизи; Д) Фусус ал- Ҳикам;
61. “Илм 3 та нарсдан аниқ, т ушунарли шеърдан, тан олинган суннатдан ва олий диний бурчдан иборат ” деган сўзни қайси буюк аллома ўз асарларида таъкидлаб турган?
 А) Беруний; Б) Ғаззолий;
 С) Арабий; Д) Ат- Термизий;
62. да “гностик”, “гносис” инсоннинг қалбига жойлашган ҳол бўлганда ҳам бутун вужудига таъсир ўтказувчи ўзининг чексиз оламига бутунлай жалб этувчи мистик илоҳий ҳол сифатида таъкидланади?
 А) Беруний; Б) Ал- Арабий;
 С) Ғаззолий; Д) Термизий;
63. Ал-Арабийга қайси олим шундай таъриф берган: “Жаҳонда у каби илм ахлининг олқиш ва мактовига сазовор бўлган ориф зот йўқ”
 А) Иброҳим Ҳаққул; Б) Ан-Нажор;

- С) Ғаззолий; Д) Термизий;
64. Мадия яъни динни ўлдирувчи номи билан қайси улуғ аллома таҳқирланган?
- А) Ан-Нажор; Б) Ғаззолий;
- С) Ал- Арабий; Д) Термизий;
65. Ибн Ал-Арабий инсон билимларини нечага бўлган?
- А) 4 га; Б) 3 га;
- С) 5 га; Д) 6 га;
66. Борлиқнинг бирлиги назариясининг монистик принципи тўғрисидаги қарашни Арабий нуктаи назаридан шартли равишда нечага бўлиш мумкин?
- А) 9 га; Б) 4 га;
- С) 5 га; Д) 2 га;
67. Монистик таълимотни маъноси нима?
- А) борлиқ учта асосдан иборат;
- Б) борлиқнинг асоси битта материя ёки рух деб ҳисобловчи фалсафий таълимот;
- С) борлиқ субстансия;
- Д) борлиқ кўп ўлчамли;
68. Ал-Арабийнинг трансдентал назариясида қайси таълимот асослаб берилган?
- А) Оллоҳни ягоналиги; Б) табиат бирлиги;
- С) Ваҳдат ул-вужуд; Д) инсон ва табиатни бирлиги;
69. ”Фусуси ҳикоя” асарига машхур олимлар томонидан қанча шарҳ ёзилган?
- А) 150 дан ортиқ; Б) 260 та;
- С) 40 дан зиёд; Д) 50 дан ортиқ;
70. Пантеизмни Арабий асарларида қандай атаган?
- А) худосизлик; Б) пантеизм;
- С) Ислом эзотеризми Д) худога ишонмаслик;
71. Аш Шайх ва Ал-Ақбар номларига сазовор бўлган файласуф нечанчи йилларда яшаб ижод этган?
- А) 1169-1250; Б) 1452-1530;
- С) 1165-1240; Д) 1325-1375;
72. Қачондан бошлаб Ал-Арабий таълимотига европа олимлари қизиқа бошлаган?
- А) XIX аср; Б) XX асрнинг биринчи чораги
- С) XX аср; Д) XIX аср бошлари;
73. Қайси европалик олим Арабий таълимотларини “Христианлашган ислом” деб талқин этади?
- А) Изутсу Б) М.Асин Паласиос;

- С) Корбен Д) Тўғри жавоб йўқ
74. Кимларнинг изланишлари натижасида Улуғ Шайх таълимотини ўрганишда янги йўл очилди?
А) Т.Изутсу Б) М.Паласиос;
С) А.Корбен; Д) А ва С жавоблар тўғри;
75. Нечанчи йилда Буюк Британияда “Мухйи ад-дин Ибн ал- Араби” номли уюшма тузилди?
А) 1970; Б) 1982;
С) 1975; Д) 1977;
- 76.”Ваҳдат ал- вужуд” атамасини Шайх таълимотиغا қаршилар биринчи бўлиб ким ишлатган дейишади?
А) Изутсу; Б) Корбер;
С) Паласиос; Д) Ибн Таймия;
77. “Футуҳот” асарига ёзилган танқидий асарларга қачон тузатиш киритилди?
А) 1896; Б) 1896-1901;
С) 1975-1976; Д) 1978;
78. Қайси Усманий султон Арабий таълимотини қўллаб қувватлаган?
А) Меҳмет I; Б) Меҳмет II;
С) Салим I; Д) Қўллаб қувватланаган;
79. Туркистонда кенг тарқалган қайси тариқат аъзолари ўз исмларига “Ал- Акбарий” номини қўшишган?
А) Яссавия; Б) Нақшбантия тариқати;
С) Кубравия; Д) ТЖЙ;
80. Ал-Арабийнинг қайси асарида муридлар тайёрлашга доирта тавсиялар берилган?
А) Биринчи ақл; Б) Ал-Футуҳот ал-Маккия;
С) Инсон қадри; Д) Оллоҳ бирлиги;

ГЛОССАРИЙ

Антроформ – (лот. Одам – кўриниш, тузулиш) жонсиз нарса ва буюмларга инсоний сифатларни кўллаш.

Абсолют – мутлақ, борлиқни яратувчиси, чек-чегарасиз, микдор ва ўлчови йўқ, кодир, яккаю-ягона, боши ва охири йўқ, абадий.

Ботиний – ички, маънавий-руҳий, қалб.

Ал-Ижмоъ – Ҳанафий мазҳабида Ал-Қуръон ва Ас-Суннадан кейин турувчи манба ҳисобланиб, ундан кейин Ал-Қиёс ҳамда Ал-Истеҳсон ҳам мавжуд.

Абстракт – мавҳум.

Гносеология – билиш назарияси.

Гносис – (грек. билиш, билим)

Даҳрий – атеист ҳеч бир динга, худога ишонмайдиган одам.

Жазва – сўфийларда транс ҳолати.

Зикру-сано – сўфийларнинг биргаликда ёки алоҳида қилинадиган ибодат маросимларида, махсус қоидалар асосида ишлаб чиқилган, транс ҳолатига киришишларидаги жисмоний-руҳий хатти-ҳаракатлари.

Ижтиҳод – Исломдаги янги пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилишнинг ўзига хос йўли.

Мурид – (араб. хоҳловчи) Тасаввуф йўлига кириб, муршидга кўл берган шогирд.

Муршид – (араб. тўғри йўлга бошловчи) Тасаввуф йўлига кирганларни ҳидоятга бошловчи устоз, шайх.

Мистика – (грек. сирли, рўё, ривоят, афсона)

Монизм – (грек. якка, танҳо) исломда – диний фалсафий тизимида барча оламларнинг яратувчиси ва марказида турувчи – Оллоҳ тушунилади.

Мўътазилий – (араб. ажралганлар) каломдаги биринчи йирик оқимлардан ақл, фикр, ирода эркинлиги тарафдорлари.

Метафизика – (грек. физикадан кейин) борлиқнинг пайдо бўлиши ва ўта юқори ҳис – ҳаяжон қоидалари ҳақидаги илм.

Номинализм – (лот. – nomen – ном, номланиш) умумий тушунчалар (универсалиялар)ни тан олмайдиган фалсафий таълимот.

Онтология – (грек. – ном, сўз, тушунча, таълимот) бошланғич оламини, борлиқни ўрганувчи фалсафий таълимот)

Пантеизм – (грек. борлиқ, худо) худо ва олам бирлиги тўғрисидаги диний – фалсафий таълимот.

Рационалист – (лот. ақ) исломда ақлга мувофиқ, ақлни биринчига кўювчиларни кейинги тадқиқотларда шундай аталади.

Реалистлар – (лот. realis – ҳақиқий, моддий) – моддиюнчилар.

Сўфий – Исломдаги мистик-аскетик оқим сўфийликнинг вакили.

Схоластика – (лот. scholastica – мактабчи, олим) теологиянинг ақлий, мантикий йондошувларидаги диний-фалсафий кўриниши.

Субстанция – (лот. substantia – борлик, асосда ётувчи нарса)

Теология – илоҳ, илоҳиётни ўрганувчи фан.

Традиционализм – Анъанавийлик. Диний ақидаларни ва концепцияларни фан-техника ва ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга қараб қайта кўриб чиқишни рад этувчи оқим.

Тафсир – (араб. баён қилиш) Қуръон оятларига ўзига хос равишда маъно бериш.

Тасаввуф – сўфийлик, исломдаги мистик-аскетик оқим.

Теософия – (грек. тео – худо, софия – донишмандлик, билим)

Трансцендентал – (лот. transcendens – ҳадлаб ўтиш, чегарадан чиқиш)

Универсалиялар – (лот. universalis – умумий) умумий тушунчалар, ғоялар ва ҳақиқатлар умумийлик ва ягоналикнинг муносабатлари, бир-бири билан алоқадорлиги кўйилади.

Фикҳ – (араб. тушуниш) Шарият қонун-қоидаларини ўрганувчи фан. (юрисприденция)

Фақиҳ – Фикҳ илмининг олими.

Фатво – Фақиҳнинг исломда пайдо бўлган янги муаммоларни Қуръон ва ҳадисга зид келмайдиган равишда ҳал қилиб чиқарган ҳукми.

Фақир – камбағал, моддий ёки руҳий муҳтож одам. Кўпроқ сўфийлардаги Оллоҳ олдидаги ночорлик ва нотавонликни англатади.

Фатализм – (лот. fatalis – тақдир, қисмат) ҳар қандай ҳаракатни, воқеа, ходисаларни азалдан белгилаб кўйилганлиги ҳақидаги дунёқараш.

Фано – сўфийнинг энг юқори, охирги манзили, яъни ўзлигини бутунлай йўқотиб Оллоҳ хузурида пайдо бўлиши, унга сингиб кетиш ҳолати.

Феноменал – ноёб, олдин учрамаган ўзига хос, янгича усул.

Эманация – (грек. неоплотонизмда махсус ишлаб чиқилган фалсафий тушунча бўлиб, бунда юксаклик ва мутлақлик поғонасидан қуйроқ поғонага ўтиш тушунилади).

ФЙДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:


1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент, "Ўзбекистон", 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, "Ўзбекистон", 1997.
3. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Тошкент, "Ўзбекистон", 1999.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, "Маънавият", 2008.
5. Каримов И.А. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари илмий ва маънавий меросининг ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ривожига ўрни ва аҳамияти. 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро конференция очилиш маросимида сўзлаган нутқи. Тошкент, "Ўзбекистон", 2014.
6. "Наставление ищущему Бога" перев. комен. Смирнова А.В. 1993.
7. Абу Ҳомид Ғаззолий. Тафаккур китоби. "Тошкент ислом университети" нашриёт матбаа бирлашмаси. Тошкент, 2007.
8. Али Заде А.А. Ибн Араби (архив) / Исламский энци. Словарь. – М.: Ансар, 2007.
9. Аятулло Хомийни. "Путь ведущий к истине". Тегеран – Москва, 2003.
10. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература, М.: 1969.
11. Бозоров О.Б. Шодиев Р.Т. Ўрта Осиё тасаввуфи ва ахлоқий қадриятлар. Самарқанд, 1992.
12. Бўронов Қ.Б. Тасаввуф фалсафаси хусусида. – Т.: "Ёзувчи", 2000.
13. Газали Абу Хамид. Воскрешение наук о вере. Перев. и комен. Наумкина. — М.: Наука, 1980.
14. Газали. Избавляющий от заблуждений//Григорян С.Н. Из истории Средней Азии и Ирана VII-XII вв. — М.: Изд. АН СССР, 1960.
15. Гуннар Скирбекк, Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. – Т.: "Шарқ", 2002.
16. Геммы мудрости. Перевод Смирнова В.А. Изд. «Бейрут». 1980.
17. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 2004.
18. Иброҳим Ҳаққул. Шайхи Акбар. "Тафаккур" журнали. №1, 2000.
19. Ибн ал-Араби. Мекканские откровения. Перевод А.Д.Кныша, 1995.
20. Изтории суфизма: источники и социальная практика. – Т.: "Фан", 1991.
21. Ислам в истории народов Востока. (Сборник статей). – М.: Наука, 1981.
22. Ислам: Энциклопедический словарь. — М.: "Наука", 1991.
23. Ислам тасаввуфи манбалари. "Илмий мажмуа". – Т.: "Ўқитувчи", 2005.

24. Ислам: справочник. — Тошкент, 1989.
25. Исследование сокровенных тайн сердца. Серия «Золотой фонд исламской мысли» Перевела с арабского: А.Миниянова. — Москва, 2005.
26. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. — Т.: ”Ёзувчи”, 1996.
27. Комилов Нажмиддин. “Тавҳид асрори”. Иккинчи китоб. — Т.: ”Ёзувчи”, 1999.
28. Комилов Н. Тасаввуф. — Т.: “Мовароуннахр-Ўзбекистон”, 2009.
29. Караматов Х.С. Қуръон ва ўзбек адабиёти. — Т.: “Фан”, 1993.
30. Керимов Г.М. Шариат и его социальная сущность. — М.: “Наука”, 1978.
31. Каклик Н. Муҳийиддин Арабийнинг асарлари ва манбалари. Истанбул, 1974.
32. Карл В. Эрнест. Суфизм. — М.: Изд. Гранд, 2002.
33. Керимов Г.М. Аль-Газали и суфизм. — Баку.: “Элм”, 1969.
34. Керимов Г.М. Суфизм в ортодоксальном исламе и отношение к нему аль-Газали. Авт. канд. дисс. — М.: 1964.
35. Климович А.Д. Ислам. — М.: “Наука”, 1965.
36. Кныш А.Д. Мироззрение Ибн Араби. //Религии мира, М.,1984.
37. Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм (краткая история). Москва — Санкт-Петербург «Диля», 2004.
38. Кныш А.Д. Некоторые проблемы изучения суфизма // Ислам, религия, общество, государство. — М.: “Наука”, 1984.
39. Кныш А.Д. Суфизм // Ислам. Историографические очерки. — М.: “Наука”, 1991.
40. Кныш А.Д. Учение ибн Араби в поздней мусульманской традиции. — Москва, 1986.
41. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. — Т.: “Маънавият”, 1999.
42. Конрад Н.Н. Запад и Восток. Москва, 1972.
43. Коран. Перевод и комментарии Ю.И. Крачковского. — М.: “Наука” 1986.
44. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. — Т.: “Чўлпон”, 1992.
45. Массе Анри. Ислам. — Москва, 1963.
46. Монтгомери Уотт. Влияние ислама на средневековую Европу. — М.: “Наука”, 1976.
47. Муминов И.М. Мирзо Бедил бадий дунёқараши. Тошкент, 1974.
48. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Тошкент, 2004.

49. Новая философская энциклопедия в 4 т. / пред. науч. ред. совета В.С. Стёпин 2-е изд. Исп. 4 допол. – М.: “Мысль”, 2010.
50. Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV вв. — Л., 1966.
51. Пўлатов Ҳ., Маматов М. Тасаввуф тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 2011.
52. Саййид Муҳаммад Ҳотамий. Ислом тафаккури тарихидан. – Т.: “Минҳож”, 2003.
53. Смирнов А.В. Великий шейх суфизма. (опыт парадигмального анализа философии Ибн Араби). Москва, 1993.
54. Смирнов А.В. Средневековая арабская философия: проблемы и решения. – М.: “Восточная литература”, 1998.
55. Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. – М.: “Наука” 1987.
56. Суфийская мудрость. (составитель В.В. Лавский) Изд, центр «Март». – М.: Ростов на Дону, 2007.
57. Суфизм в контексте мусульманской культуре. – Москва, 1989.
58. Тримингэм Дж. С. Суфийские ордена в исламе. – М.: София ИД «Гелиос», 2002.
59. Юсуф Хаттор Муҳаммад. Энциклопедия суфизма. – М.: “Ансар”, 2005.
60. Умар Фаррух Сайдо ал-Жозорий. Тасаввуф сирлари. – Т.: “Моварауннахр”, 2004.
61. Философский энциклопедический словарь. – М.: “Советская энциклопедия”, 1983.
62. Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Т.: “Фан”, 1971.
63. Хамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Т.: “Шарқ”, 2004.
64. Хисматулин А.А. Суфизм. Санкт-Петербург, Изд. Петербургское Востоковедение, 2003.
65. Шарқ юлдузи. №5, Тошкент, 2014.
66. Gril D. “Kitob al-inbah ‘ala tariq Allah” Abdallah Badr al-Nabasi. 1979.
67. Schimmel A. Mystical Dimensions of Islam. North Carolina, 1975.

**“ФДУ Нусха кўпайтириш бўлими”
04.2017 йил. Буюртма №00 адади 200**

**Босишга рухсат этилди 27.03.2017. Ҳажми 9,5 босма табоқ. Бичими 60x84
1/16. Адади 200 нусха. Буюртма 777.
Фарғона давлат университети босмахонасида чоп этилди.**



Газзолий

